

№ 26

А

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРИ ВА ТАВСИЯЛАРИ



Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРИ ВА ТАВСИЯЛАРИ

Ўзбекча нашр учун масъул муҳаррир
профессор А. Х. САИДОВ

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзбекча нашр учун масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – 240 бет.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир. Мазкур ҳужжатларга кўшилган давлатлар инсоннинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ушбу халқаро мажбуриятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан шахснинг ижтимоий ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган минимал стандартлар сифатида эътироф этилади.

Ушбу тўпламда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари Декларацияси ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган конвенциялари ва тавсияларининг ўзбекча матнлари жамланган.

Тузувчилар:

С.Р.Раҳимова, ХМТ ИПЕК Дастурининг Ўзбекистондаги лойиҳа Координатори; *Д.Б.Тўраев*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Бош консултанти

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича дастурига (ИПЕК) ва шахсан Ларс Йохансен, Алэн Пелсе (Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича Субминтақавий Бюросининг меҳнат стандартлари бўйича Бош мутахассиси) ҳамда Светлана Раҳимовага ушбу тўпламни нашр этишда амалий ёрдами учун миннатдорчилик билдиради.

МУНДАРИЖА

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари Декларацияси ва унинг асосий конвенциялари	5
Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти.....	9
Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари Декларацияси ҳамда уни амалга ошириш воситалари.....	19

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРИ.....	26
Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-Конвенция	26
Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги 87-Конвенция	32
Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги 29-Конвенция	40
Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105-Конвенция...	55
Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-Конвенция	59
Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-Конвенция	70
Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги 111-Конвенция.....	76
Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 100-Конвенция	81

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН КОНВЕНЦИЯЛАРИ.....	87
Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1947 йилги 81-Конвенция	87
Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1969 йилги 129-Конвенция.....	101
Уч томонлама маслаҳатлашувлар (халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисидаги 144-Конвенция	115
Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-Конвенция.....	120

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ВА ЖАМОА МУЗОКАРАЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ.....	125
Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 163-Тавсия.....	125

Корхона даражасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги 1952 йилги 94-Тавсия.....	128
-------------------------------------------------------------------------	-----

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЗЎРАКИ ЁКИ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ	129
Меҳнатга билвосита мажбур қилиш тўғрисидаги 1930 йилги 35-Тавсия	129

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИ ҚАТЪИЙ МАН ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ	132
Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 146-Тавсия	132
Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 190-Тавсия.....	139

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ МЕҲНАТ ВА ИШ ТУРЛАРИ СОҲАСИДА КАМСИТИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ	146
Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 90-Тавсия.....	146

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АЙРИМ КОНВЕНЦИЯ ВА ТАВСИЯНОМАЛАРИ	150
Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилги 47-Конвенция	150
Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги 52-Конвенция	153
Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги (кайта кўриб чиқилган) 103-Конвенция	160
Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги 135-Конвенция.....	169
Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 154-Конвенция.....	174
Иш ҳақини химоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги 95-Конвенция.....	180
Оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар тўғрисидаги 1981 йилги 156-Конвенция	190
Қишлоқ хўжалигида бирлашиш ҳукуқи тўғрисидаги 1921 йилги 11-Конвенция	197
Меҳнат миграцияси тўғрисидаги 1949 йилги (кайта кўриб чиқилган) 97-Конвенция.....	200
Мигрант меҳнаткашлар тўғрисидаги 1975 йилги (қўшимча қондалар киритилган) 143-Конвенция	222
Қасаначилик тўғрисидаги 1996 йилги 177-Конвенция.....	234

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ МЕХНАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҲУҚУКЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

Мазкур тўплам Халқаро Мехнат Ташкилотининг меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари Декларациясига бағишланган бўлиб, унда асосий конвенциялар ва тавсиялар жамлангандир. Мустақил Ўзбекистон халқаро ҳужжатларни ўзбек тилида нашр қилиш, уларни тарқатиш, оммалаштириш орқали ўз парламенти аъзоларини, давлат хизматчиларини, ўқув муассасаларининг талабалари, профессор-ўқитувчилари ҳамда фуқаролик жамиятининг салоҳиятини кучайтирмоқда. Мазкур мақсадга эришишга кўмаклашиш ушбу тўпламнинг асосий вазифасидир.

Ушбу нашр Ўзбекистондаги Халқаро Мехнат Ташкилоти ИПЕК Дастурининг¹ муҳим ҳамкорларидан бири — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси ва бевосита иштирокида амалга оширилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлат ташкилоти бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг самарали воситаларини яратиш, халқаро ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократлаштиришни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан ташкил қилинган.

Халқаро Мехнат Ташкилоти 1919 йилда, Биринчи жаҳон урушига яқун ясаган Версаль шартномаси деб ном олган тинчлик битими туфайли ташкил топган. Қирғинбарот урушларга йўл қўймаслик,

¹ Халқаро Мехнат Ташкилотининг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPEC — International Programme of the ILO on the Elimination of Child Labour).

тинчликни сақлаш мақсадида ижтимоий адолатни қўллаб-қувватлаш Ушбу Шартнома асосий мақсадларидан эди. Кўзланган режалар тўлиқ амалга ошмаган бўлсада, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Уставида ақс этган Ташкилотнинг яратилиши, мақсади ва унинг фаолияти мазмуни, 90 йил аввалдагидек бугунги кунда ҳам долзарбдир: қашшоқлик ва адолатсизлик қаерда бўлмасин бутун жаҳон учун таҳдиддир.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1946 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биринчи ихтисослаштирилган агентлиги бўлди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ташкил топганидан буён уч томонлама тузилмага эга: ҳукумат — меҳнат вазирликлари вакиллигида; иш берувчилар бизнес, меҳнаткашлар ташкилотлари эса касаба уюшмалари вакиллигида. Бу тузилма Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошка агентликларидан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятдир. Мазкур тузилма Халқаро Меҳнат Ташкилотига ижтимоий мулоқот орқали ўз фаолиятини амалга ошириш ва умумий мақсадларга эришишга ёрдам беради. Уч томонлама тузилма старли даражада эгилувчандир ва меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш масалалари билан шуғулланадиган манфаатдор идора ва ташкилотларни ўз таркибига олиши мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ташкил топган дастлабки пайтдан бошлаб ташкилотга аъзо барча мамлакатларда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солувчи асосий халқаро нормаларни қабул қилиш Халқаро Меҳнат Ташкилотининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Ушбу халқаро нормалар халқаро меҳнат стандартлари деб эътироф этилган конвенцияларда ўз ифодасини топган. Бугунги кунга қадар Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 187 та конвенция қабул қилинган. Улардан баъзилари эскириб, янги, мукамалроқ стандартлар билан ўзгартирилган. Уларнинг айримлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаларига тааллуқлидир.

187 та конвенциядан саккизтаси меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқларни белгилаб беради:

- 1) Бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги ҳуқуқлар иккита асосий конвенцияларда ўз аксини топган: *Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-Конвенция ҳамда*

Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги 87-Конвенция;

- 2) *Мажбурий меҳнатни бекор қилиш соҳасида: Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги 29-Конвенция ва Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105-Конвенция;*
- 3) *Болалар меҳнатини бекор қилиш соҳасида: Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-Конвенция ва Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-Конвенция;*
- 4) *Дискриминацияга барҳам бериш соҳасида: Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги 111-Конвенция ва Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 100-Конвенция.*

Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо давлатлар конвенцияларни ратификация қилиш ёки қилмаслик масалаларини ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар ҳам, ХМТ Декларацияси 1998 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қабул қилинганлиги Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо давлатларга ХМТнинг саккизта асосий конвенцияларини, уларни ратификация қилганликлари ёки қилмаганликларидан катъий назар, улар зиммасига мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича барча имкониятларини сафарбар қилиш мажбуриятини юклайди.

Бундан ташқари Халқаро Меҳнат Ташкилоти алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблайдиган ва Ташкилотга аъзо давлатларга уларни ратификация қилишга даъват этадиган тўртта конвенция мавжуд. Улар ХМТ барча конвенцияларини ижросини таъминлаш бўйича асосий қоидаларни белгилаб берувчи халқаро стандартларга бағишланган:

- *Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1947 йилги 81-Конвенция (саноат ва савдода);*
- *Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1969 йилги 129-Конвенция;*
- *Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-Конвенция;*
- *Уч томонлама маслаҳатлашувлар (халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисидаги 144-Конвенция.*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган даврдан бошлаб инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро пактларни ва кўпгина конвенцияларни имзолаган ва уларга қўшилган. Улар қаторига

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 11та конвенцияси ҳам киради. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мазкур конвенциялари орасида бешта асосий: 29-Конвенция, 98-Конвенция, 100-Конвенция, 105-Конвенция, 111-Конвенция ҳамда битта энг устувор — 122-Конвенция ҳам бор.

Умид қиламизки, асосий ва муҳим халқаро меҳнат стандартларининг ўзбек тилидаги мазкур тўплами бу ҳужжатлар билан танишиш доирасини кенгайтиришга ва миллий миқёсда кўриб чиқилишига самарали таъсир кўрсатади ҳамда ушбу соҳадаги стандартларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва кучайтириш жараёнига ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, мазкур тўплам ҳозирча ратификация қилинмаган асосий ва муҳим конвенцияларни ратификация қилиш зарурлигини англаб етишга ўз хиссасини қўшади, деган фикрдамиз.

Ларс Йохансен,
Марказий Осиёда Болалар
меҳнати бўйича ХМТ минтақавий дастурининг
Бош техник маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ

Сўнгги йилларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича етти-та халқаро шартномалар тўплами нашр этилди². Мазкур тўпламлар халқаро гуманитар ҳамкорлик муҳити билан боғлиқ амалиёт ходимларига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётганлар учун фойдали бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятда хориж мамлакатлари билан қалин ҳамкорлик алоқаларини тобора кучайтирмоқда. Улар нафақат жамият ҳаётига, балки ҳар бир шахсга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзaro халқаро муносабатлар у ёки бу тарзда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тартибга солинади. Шу сабабли, мазкур нормаларни билиш нафақат халқаро алоқалар иштирокчиларига, балки жаҳон иктисодиёти ва сиёсати билан кизикадиган барчага, хусусан тадбиркорлик соҳасида фаолият олиб боровчилар ва хорижга сафар қилувчиларга ҳам жуда зарурдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги» (Ўзбекистон Республикаси Конституция-

² *Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар* / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. — Т.: «Адолат», 2002. — 270 б.

Балогатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар / — Т., 2002. — 232 б.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ: Женева конвенциялари тўплами / Кириш сўзи муаллифи ва масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. — Т., 2002. — 440 б.

ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири Л. Саидова. — Т.: «Адолат», 2004. — 298 бет.

Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. — Т., 2004. — 220 б.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар: тўплам / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. — Т., 2004. — 212 б.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. — Т., «Адолат», 2004. — 520 б.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. — Т., 2002.

си Мукаддимаси)ни тан олади. Халқаро ҳуқуқ асосларини билиш, ўз навбатида, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларида катта аҳамиятга эга.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари мажмуаси бизнинг Конституциямизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро актлар асосида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо. Мамлакатимиз дунёнинг 170 давлати томонидан тан олинган, 120 дан ортиқ мамлакат билан ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатган. Юртимизда 88 та хорижий давлат элчихона ва ваколатхоналари очилган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон кўплаб муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Жамиятимизда халқаро ҳуқуқ ва умуминсоний қадриятлар қонуний асосда устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари изчил шаклланмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида қонунчиликнинг ривожланиши нафақат халқаро ҳуқуқда, балки Ўзбекистон миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топмоқда. Мазкур ривожланиш, хусусан, янги халқаро шартномаларнинг вужудга келишида ҳамда инсон ҳуқуқларига оид қонунларнинг тубдан янгиланишида ифодаланади.

Халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқларига оид стандартларни ишлаб чиқишда ҳамда улар бажарилишини назорат қилиш соҳасида катта тажриба тўплаган. Улар ижроси таъминланишининг кафолатчиси деб давлат (ўз ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда ўз масъул шахслари тимсолида) ҳисобланади. Конституциянинг 93-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир» деб белгиланган.

Инсон ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларда ва ҳозирги кунга келиб бошқа 80 дан ортиқ ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасига доир 60 дан зиёд кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилган. Ушбу тўпламга Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари киритилгандир.

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИ: УНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА НОРМА ИЖОДҚОРЛИК ФАОЛИЯТИ

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Миллатлар Лигаси билан бир вақтда Версаль шартномаси асосида 1919 йилда ташкил топган. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Биринчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш, уларни халқаро даражада мувофиқлаштириш мақсадида таъсис этилган. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг биринчи Конференцияси 1919 йилнинг октябр-ноябрь ойларида Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг олтита конвенцияси ва олтита тавсиялари (Иш кунининг давом эттирилиши тўғрисидаги 1-Конвенция билан бирга) қабул қилинган.

1946 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биринчи ихтисослашган ташкилоти сифатида ташкил топди. 1969 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан унга Нобель мукофоти берилди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти тўртта асосий стратегик мақсадга эга.

Биринчи мақсад — меҳнат соҳаси бўйича нормалар ва асосий принциплар, ҳуқуқларни ривожлантириш ва амалга ошириш.

Иккинчи мақсад — аёл ва эркаклар учун янада кенгроқ ва қулай иш шароитини яратиш.

Учинчи мақсад — барча учун ижтимоий ҳимоя самарасини ошириш ва кўламини кенгайтириш.

Тўртинчи мақсад — уч томонлама тузилмани мустаҳкамлаш ва ижтимоий мулоқотни қўллаб-қувватлаш.

Бу мақсадларга қуйидаги йўллар билан эришилади:

биринчидан, энг асосийси инсон ҳуқуқларини амалга оширилишига кўмаклашиш, меҳнат ва ҳаёт шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш бўйича халқаро чора-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, ушбу чора-тадбирлар амалга оширилишида миллий ҳокимият органлари учун дастуриламал принцип-лар бўлиб хизмат қилувчи халқаро меҳнат нормаларини ишлаб чиқиш;

учинчидан, ушбу чораларни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатларга ёрдам сифатида таъсисчилар билан биргаликда ҳамкорлик асосида жадал ишлаб чиқиляётган ва амалга ошириляётган ҳар томонлама халқаро техник ҳамкорлик дастури;

тўртинчидан, барча мазкур саъй-ҳаракатларни амалга оширилишини таъминлаб берувчи тайёрлов, ўқув ва нашриёт фаолияти.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун алоҳида аҳамиятли бўлган уч томонлама тузилмага эгадир. Унинг доирасида иш берувчилар ва меҳнаткашлар вакиллари иқтисодиётда «ижтимоий ҳамкорлик» чора-тадбирлари ва дастурларини ишлаб чиқишда давлат вакиллари билан тенг овозга эгадирлар. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўзига аъзо-давлатларда бундай уч томонлама тузилмани касаба уюшмалар ва иш берувчилар ўртасидаги «ижтимоий мулоқот» — миллий сиёсатни ишлаб чиқишда ва зарурият бўлганда ижтимоий-иқтисодий ва бошқа кўплаб масалалар бўйича амал этишида — кўмаклашиш орқали қўллаб-қувватлайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари меҳнатни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий актлардир. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш унинг асосий мақсадидир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қонунчилик фаолияти асосан конвенция ва тавсияларини қабул қилишда намоён бўлади. Халқаро Меҳнат Бюроси турли давлатлардаги қонунчилик ва унинг амалиёти фаолияти тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олувчи маърузалар тайёрлайди ҳамда уларнинг муҳокамаси натижасида конвенция ва тавсиялар қабул қилади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари, ўз навбатида, аъзо-давлатларга мўлжалланган, яъни улар Халқаро Меҳнат Ташкилотининг миллий қонунчиликка тегишли нормаларини киритиш лозимлиги тўғрисидаги хоҳишини акс эттиради.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари ўз мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга таснифланади:

- инсоннинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги актлар;
- иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги актлар;
- меҳнат шароитларини тартибга солувчи актлар;
- техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича актлар;
- алоҳида категорияли меҳнаткашларни юқори даражада ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисидаги актлар;
- давлат, иш берувчилар, меҳнаткашлар ташкилотлари ҳамкорлиги тўғрисидаги, меҳнат низоларини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги актлар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенция ва тавсияларининг давлат ва халқаро миқёсда меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишдаги мазмунини ҳар томонлама баҳолаш мумкин:

биринчидан, уларда барча мамлакатларнинг қонунчилигига энг мақбул даражада мос келиши керак бўлган стандартлар мавжуд;

иккинчидан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари меҳнат борасидаги қонунчиликни бир хиллаштириш (байналмилаллаштириш)га қўмаклашади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари эътироф этилган меҳнат ҳуқуқи доирасидан ташқарида бўлган масалаларни ҳам ўз ичига олади. Улар ижтимоий таъминот, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш, меҳнат статистикаси, меҳнатни бошқариш бўйича давлат органларининг фаолияти ва касб-техник таълимга тегишлидир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг баъзи актлари фақатгина иш берувчиларга ва ёнлаиб ишловчиларга эмас, балки барча аҳолига тегишлидир. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсиялари меҳнатни халқаро даражада тартибга солишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Болалар меҳнати ижимоий, иқтисодий ҳамда инсон ҳуқуқлариغا тааллуқли долзарб муаммодир. Дунё бўйича 250 миллионга яқин — муносиб таълим, саломатлик ва асосий эркинликлардан маҳрум этилган — ишловчи болалар мавжуд. Албатта, энг аянчли аҳволга тушган бу айрим болалардир. Лекин, баъзи мамлакатлар ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошларидан кечирмоқдалар. Болалар меҳнатига барҳам бериш фақат кўзланган мақсад бўлмасдан, бун-

дан ташқари у иқтисодий ва гуманитар ривожга кўмаклашишнинг самарали воситаси ҳам ҳисобланади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-Конвенцияси бола меҳнатига барҳам бериш принципини ақс эттирган бўлиб, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги янги 182-Конвенцияси билан мустаҳкамланади. Ўз навбатида 182-Конвенция, тезкорлик билан, бола меҳнатининг барча аянчли шаклларини — қулликдан ва мажбурий меҳнатдан тортиб то болаларни ноқонуний фаолият турларида фойдаланишигача, яъни уларнинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолият турлари билан шуғулланишларига барҳам бериш бўйича шошилинч чоралар кўришга чакиради.

Дунёда болалар меҳнати сунистеъмол қилинаётганлиги маълум бўлгач, бунга қарши курашиш умумий ишга айланди. Бу фаолият шошилинчлигига ва хусусиятига кўра деярли шу пайтгача учрамаган сифатга эга бўлди. Ушбу ҳаракат сиёсий чегараларни, тил тўсиқларини, маданий ва маънавий урф-одатларни енгиб ўтмоқда. Фуқаролик жамиятининг барча қатламлари — ҳукумат, иш берувчилар, касаба уюшмалар, нодавлат, диний ташкилотлар ягона мақсад учун, яъни бола меҳнати эксплуатациясига чек қўйиш кераклигини ошқор қилиш учун жипслашди.

Ҳозирги вақтда Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро Дастур (ИРЕС) шафелигида дунёнинг барча мамлакатларида болалар меҳнатига муқобил мингдан зиёд дастурлар амалга оширилмоқда.

Самарали ихтиёрий танланган меҳнат Халқаро Меҳнат Ташкилоти мандатининг моҳиятидир. Самарали меҳнатсиз муносиб турмуш даражасига эришиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш, ўзидан қониқиш ҳиссиётига эга бўлишни тасаввур этиб бўлмайди. Глобаллашув бир томондан иқтисодиётни раванқ топтиришга, бошқа томондан эса – жамоавий масъулиятимиз чегарасини синаб, тенгсизликка сабаб бўлмоқда. Лекин, мазкур ҳолда ҳам Халқаро Меҳнат Ташкилоти бутун дунёда ялпи бандликка эришиш учун интилади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг миссияси дунёда инсонларга эркинлик, тенглик, хавфсизлик ва инсоний кадр-қиммат ҳурмат қилинадиган шароитда ўзларига маъқул бўлган иш топишига ёрдам беришдан иборатдир. Халқаро Меҳнат Ташкилоти бу фаоли-

ятни янги ўқув дастурларини, меҳнат бозорларини ва бандликнинг мукамал турларини яратишга ёрдамлашиш орқали, меҳнаткашлар, иш берувчилар ва ХМТ таъсисчилари — ҳукуматлар билан доимий мулоқотлар орқали амалга оширади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бандлик соҳасидаги мақсадлари куйидагилардан иборат:

биринчидан, таъсисчиларга иктисодиётда ва меҳнат бозорларида ўзгаришларни тадқиқ қилишда ҳамда халқаро ва минтакавий даражада бандликни ривожлантириш бўйича самарали дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

иккинчидан, кичик корхоналарни ривожлантириш орқали бандликка кўмаклашиш;

учинчидан, аёлларга янада кўп турли ва кизикарли иш билан таъминлашда кўмаклашиш;

тўртинчидан, норасмий тармоқдаги фаолият даражасини кўтариш бўйича чора-тадбирлар ва дастурларни самарали амалга ошириш;

бешинчидан, марказлаштирилган режалаштириладиган иктисодиётдан бозор иктисодиётига ўтиш даврида маслаҳатлар бериш, асосан бандлик соҳасидаги сиёсат, меҳнат бозори ва иқтисод кучи ресурслари бўйича маслаҳатлар бериш;

олтинчидан, мақсадли дастурларни, яъни ёш меҳнаткашлар, ногиронлар, мигрантлар ва туб аҳоли каторига кирувчи одамларга муносиб иш топишларида ёрдам берувчи дастурлар ижросини жадаллаштириш ёки қабул қилиш.

Кичик корхоналарга эътиборни жалб қилиш, иш жойларини яратиш Халқаро Меҳнат Ташкилоти ёндашуви асосини ташкил этиб, корхонани қайта қуриш бунинг энг муҳим йўналишидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва ўз навбатида бу фаолият дунёдаги ҳозирги вазиятни ақс эттириши ҳамда аъзо-давлатлар билан тўртта стратегик масалалар (асосий принциплар ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ масалалари, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқот ҳамда шулар билан боғлиқ бошқа масалалар) доирасида ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиради. Шу ўринда, Ўзбекистон ХМТ эътиборидаги гендер тенглик, умумиктисодий ва ижтимоий ривож, ижтимоий масъулиятни кучайтириш, болалар меҳнатининг энг ёмон

шаклларига йўл қўймаслик соҳасидаги муаммоларни тан олади ва улар муҳимлигини эътироф этади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўн битта конвенцияси ратификация қилинган. Бу конвенциялар миллий қонунчилигимизга жадаллик билан имплементация этилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўртасида Ҳамкорлик Дастури имзоланган. Ҳамкорлик Дастури ҳозирги халқаро ва миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қийинчиликларини ва муаммоларни англашга асослангандир. Бу муаммоларни ечишда эса, бир томондан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, иш берувчилар ва меҳнатқашларнинг миллий ташкилотлари, иккинчи томондан Халқаро Меҳнат Ташкилоти манфаатдордир.

Ҳамкорлик Дастурида ҳамкорликнинг қуйидаги асосий йўналишлари келишиб олинган:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тегишли тажрибаси ва механизмини ишлатиш орқали аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари иштирокида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш;
- меҳнат ҳимоясининг бошқарув тизимини ва меҳнат ҳимоясининг ахборот базасини такомиллаштириш ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш;
- меҳнат соҳасида ОИТС/ОИТВ тарқалишининг олдини олиш;
- корхоналарни ижтимоий масъулиятли қайта шакллантиришда қўмаклашув;
- ижтимоий мулоқотни ривожлантириш ҳамда трипартизмни ҳуқуқий-меъёрий ва институционал асосларини такомиллаштиришга қўмаклашиш;
- ижтимоий-адолатли меҳнат ҳақи беришни йўлга қўйишга ва маошларни тўлашда ушлаб қолинишларга йўл қўймасликка қўмаклашиш;
- ишсизларга, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ўз ишини бошла ва такомиллаштириш» дастурини ишлатган ҳолда шахсий тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш асосларини ўргатишга қўмаклашиш.

Шундай қилиб ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Ҳамкорлик Дастури жадаллик билан амалга оширишда, унинг асосий мақсади эса

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-меҳнат соҳаси ислоҳотиغا кўмаклашишдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам Халқаро Меҳнат Ташкилотининг инсон ҳуқуқларини таъминлашда ижобий натижаларга эришишга қаратилган барча конвенцияларига қўшилган.

Улар қаторига қуйидагилар киради:

- Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилги Конвенция;
- Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги Конвенция;
- Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги Конвенция;
- Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги Конвенция;
- Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги Конвенция;
- Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция;
- Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Конвенция;
- Меҳнатқашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги Конвенция;
- Жамоа музокаралари олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги Конвенция;
- Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенция;
- Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги Конвенция.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, мазкур ҳужжатларга қўшилган давлатлар инсоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу мажбурият эса халқаро ҳамжамият томонидан шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган минимал стандартлари сифатида баҳоланади.

Ушбу тўпламнинг умумий таркиби шулардан иборатдир. Халқаро шартномаларга мос равишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик такомиллашиб бормоқда.

Халқаро ҳуқуқий нормаларни таржима қилишда атамаларни қўллаш масаласи энг жиддий муаммолардан биридир. Бунда асл

матн мазмун ва моҳиятини таржимада аниқ ифода этиш талаб қилинади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенция ва тавсияларини давлат тилига таржима қилишда асл матн атамаларини қўллаш тамойилига амал қилинди. Чунончи, инглизча «worker» атамаси ўзбекчага «меҳнатқаш» сифатида ўтирилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида, хусусан Меҳнат кодексида эса «ходим» атамаси ишлатилади.

Мазкур тўпلامда «меҳнатқаш» атамасининг қўлланилиши Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенция ва тавсиялари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган даврда муомалала бўлган атамаларга мослаштириш мақсади билан изоҳланади. Худди шунингдек, инглизча «workers' and employers' organisations» атамасини ўзбекчага «меҳнатқашлар ва иш берувчилар ташкилоти» сифатида қўллаш лозим топилди. Умуман олганда мазкур тўпلامда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳужжатлари мазмуни ва моҳиятини тўла сақлаб қолишга ҳаракат қилинди.

Инсон қундалик ҳаётида миллий ҳуқуқ нормалари асосида иш кўради ва шу орқали унинг ҳуқуқий онги шаклланади. Халқаро ҳуқуқ нормалари билан эса у камроқ тўкнашади. Шунинг учун аҳоли халқаро-ҳуқуқий онгини шакллантириш бўйича давлат органларининг мақсадга мувофиқ тадбирлари ўтказилиши зарурдир. Шу билан бирга судлар томонидан инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини қўллаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўйлаймизки, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги мазкур тўпلامдан ўрин олган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари халқаро ҳамжамият томонидан ишлаб чиқилган ҳамда амалда татбиқ этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари стандартларига оид билимларини янада бойитишга хизмат қилади.

А.Х.Саидов,

Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори,
юримдик фанлари доктори,
профессор

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ МЕХНАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҲАМДА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Халқаро Меҳнат Ташкилоти асосчилари ижтимоий адолат ялпи ва мустақкам тинчликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътиқодидан келиб чиққанликларини эътиборга олган ҳолда;

Иқтисодий ўсиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги, лекин тенглик, ижтимоий тараққиёт ва кашшокликни тугатиш учун етарли эмаслиги, бунга Халқаро Меҳнат Ташкилотининг кучли ижтимоий сиёсат, адолат ва демократик институтларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари зарур эканлигини эътиборга олган ҳолда;

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг глобал стратегияси жабҳасида, кенг қўламли барқарор тараққиётга шароит яратилиши учун иқтисодий ва ижтимоий сиёсат узвий равишда бир-бирини қувватлашини таъминлаш мақсадида, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўзининг ваколати доирасидаги норма ижодкорлик, техник ҳамкорлик ва тадқиқотлар ўтказиш фаолияти соҳасидаги барча ресурсларини, хусусан, иш билан таъминлаш, касбга тайёрлаш ва меҳнат шароитлари соҳасидаги ресурсларини, илгаригига нисбатан ҳозирги пайтда, кўпроқ ишлатиши кераклигини эътиборга олган ҳолда;

Халқаро Меҳнат Ташкилоти алоҳида ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар, айниқса ишсизлар ва мигрант меҳнаткашлар олдида турган муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини, халқаро, минтақавий ва миллий даражаларда уларнинг муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар сафарбар этиши ва рағбатлантириши ҳамда иш жойларини яратишга қаратилган самарали сиёсат ўтказилишига кўмак бериши лозимлигини эътиборга олган ҳолда;

Ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқаларни кучайтириш учун меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқларни қафолатлаш алоҳида аҳамият ва моҳиятга эга эканлиги, чунки бу тегишли шахсларга ўзлари яратилишига ёрдам берган

бойликдан ўзларининг адолатли улушларини эркин ва тенг шароитда талаб этишга ҳамда уларга ўз инсоний салоҳиятларини тўла намоён этишга имкон беришини эътиборга олган ҳолда;

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз Уставига мувофиқ мандатга эга халқаро ташкилот эканлиги ва халқаро меҳнат стандартларини ўрнатиш ва қўллаш соҳасида ваколатли орган эканлиги ҳамда ўз Устави принциплари ифодаси ҳисобланган меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқларни қўллаш бўйича умумжаҳон эътироф ва қўллаб-қувватланишни қозонганлигини эътиборга олган ҳолда;

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик ортиб бораётган шароитда Ташкилот Уставида баён этилган асосий принциплар ва ҳуқуқлар ўзгармас эканлигини тасдиқлаш қатъиян талаб этилаётганлиги ҳамда уларга ялпи риоя этилишига кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олган ҳолда;

Халқаро Меҳнат Конференцияси:

1. Эслатади:

- а) Ташкилотнинг барча аъзолари Халқаро Меҳнат Ташкилотига ихтиёрий равишда аъзо бўлиб, Ташкилот Уставида ва Филадельфия Декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган принцип ва ҳуқуқларни тан олганликларини ҳамда Ташкилот барча мақсадларига эришиш учун, улар ихтиёрида бўлган барча воситаларни, ўзларига ҳос хусусиятларни тўла ҳисобга олган ҳолда, ишга солиш мажбуриятини олганликларини;
- б) ушбу принциплар ва ҳуқуқлар Ташкилотнинг ўзида, шунингдек ташқарисида асосий деб эътироф этилган Конвенцияларда ўзига ҳос ҳуқуқ ва мажбуриятлар шаклида ўз ифодасини ва ривожини топганлигини.

2. Баёнот берадики, барча аъзо давлатлар, ҳатто юқорида эслатилган Конвенцияларни ратификация қилмаган бўлса ҳам, ушбу Ташкилотда аъзолиги туфайли, мазкур Конвенцияларнинг мавзуси ҳисобланган асосий ҳуқуқларга тааллуқли бўлган принципларни ҳурмат қилиш, уларни астойдил ва Ташкилот Уставига мувофиқ қўлланишига кўмаклашиш мажбуриятига эга, чунончи:

- а) бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини тўлиқ эътироф этиш;
- б) зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг барча шаклларини барта-раф этиш;

- c) болалар меҳнاتини қатъий ман этиш; ва
- d) меҳнат ва иш турлари соҳасида камситилишга йўл қўй-маслик.

3. Ташкилотнинг ўз аъзоларига кўмаклашиш мажбуриятини, шу жумладан, аъзоларининг белгиланган ва билдирилган эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мажбуриятини эътироф этади, хусусан, ушбу мақсадларга эришиш учун Ташкилот ўзининг амалий, бюджет ва Уставидан келиб чиқадиган имкониятларидан тўлиқ фойдаланади ҳамда ташқи имкониятлар ва ёрдамни жалб этади, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўз Устави 12-моддасига мувофиқ ўзаро муносабатлар ўрнатган бошқа халқаро ташкилотларни рағбатлантиради ҳамда ушбу саъй-ҳаракатларни қуйидагилар орқали қўллаб-қувватлайди:

- a) асосий Конвенцияларни ратификация қилиш ва қўллашга кўмаклашадиган маслаҳат ва техник ҳамкорлик хизматлари кўрсатиш орқали;
- b) ушбу Конвенцияларни барчасини ёки уларнинг айримларини ҳозирча ратификация қила олмайдиган Ташкилот аъзоларига мазкур Конвенцияларнинг мавзуси ҳисобланган асосий ҳуқуқларга тааллуқли бўлган принципларни ҳурмат қилиш ва уларни қўллаш бўйича саъй-ҳаракатларига кўмаклашиш орқали; ва
- c) Ташкилот аъзоларига уларнинг иктисодий ва ижтимоий ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларига ёрдам кўрсатиш орқали.

4. Қарор қиладики, мазкур Декларация тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун унинг ижросига кўмаклашувчи ишончли ва самарали воситалар қуйидаги иловада санаб ўтилган чораларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу иловалар мазкур Декларациянинг таркибий қисми ҳисобланади.

5. Таъкидлайдики, меҳнат стандартларидан савдо протекцияси мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас ҳамда ушбу Декларацияда ва уни амалга ошириш воситаларида шундай мақсадларда фойдаланиш учун асос бўлиши мумкин эмас ёки шундай мақсадларда улардан бошқача фойдаланилмаслиги керак; бундан ташқари, мазкур Декларация ҳамда уни амалга ошириш воситаларидан у ёки бу давлатнинг нисбий устуворлигига зарар етказиш учун бирор тарзда фойдаланиши мумкин эмас.

ИЛОВА

Декларацияни амалга ошириш воситаси

I. УМУМИЙ МАҚСАД

1. Қуйида баён этилган амалга ошириш воситасининг мақсади Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави ва Филадельфия Декларациясида эътироф этилган ҳамда ушбу Декларацияда тасдиқланган асосий тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя этишга кўмаклашиш бўйича Ташкилотнинг аъзолари кўраётган саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборатдир.

2. Ушбу мутлақ равишда кўмаклашувчи хусусиятга эга мақсадга мувофиқ, мазкур амалга ошириш воситаси Ташкилот томонидан техник ҳамкорлик бўйича чоралар орқали кўрсатилаётган ёрдам Ташкилот аъзолари учун фойдали бўлиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш имконини беради ҳамда Ташкилот аъзолари мазкур асосий принципларни ва ҳуқуқларни қўллашда кўмаклашади. Ушбу воситалар мавжуд назорат воситалари ўрнини олмайди ва бирор тарзда улар амал қилишига халақит бермайди; демак, ушбу назорат воситалари амал этиши доирасига кирувчи аниқ вазиятлар мазкур амалга ошириш воситалари доирасида қараб чиқилмайди ва қайта қараб чиқилмайди.

3. Мазкур воситаларнинг қуйида келтирилган икки хусусияти мавжуд тартиблар асосига қўйилган: ратификация қилинмаган асосий Конвенцияларга тааллуқли ҳар йилги амалга ошириш чоралар Ташкилот Устави 19-моддаси 5-бандининг «е» кичик бандига мувофиқ мавжуд қўлланиш тартибини бирмунча мослаштиришга олиб келади; Глобал Маъруза Ташкилот Уставига мувофиқ ўтказиладиган тадбирлардан энг мақбул натижалар олиш имконини беради.

II. РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНМАГАН АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ ҲАР ЙИЛГИ ЧОРАЛАР

A. Қўлланиш мақсади ва соҳаси

1. Мақсад шундан иборатки, барча асосий Конвенцияларни ҳали ратификация қилмаган Ташкилот аъзоларига Декларацияга

мувофик Маъмурий кенгаш томонидан 1995 йилда жорий этилган тўрт йиллик муддат ўрнига ҳар йили соддалаштирилган тартибда чоралар шарҳини ўтказиш имконини беришдир.

2. Ушбу тартиб ҳар йили мазкур Декларацияда кўрсатилган асосий принциплар ва ҳуқуқлар барча тўрт соҳасини камраб олади.

В. Иш тартиби ва услублари

1. Кўрсатилган тартиб Ташкилот аъзоларидан Ташкилот Устави 19-моддаси 5-бандининг «е» кичик бандига мувофик сўраладиган маърузаларга асосланади. Маърузалар таърифи асосий Конвенциялардан биттаси ёки бир нечтасини ратификация қилмаган ҳукуматлардан Уставнинг 23-моддаси ҳамда таркиб топган амалиётни зарур даражада ҳисобга олган ҳолда улар қонунчилиги ва амалиётида рўй берган барча ўзгаришларга тааллуқли ахборотларни олиш имконини берадиган тарзда бўлиши талаб этилади.

2. Ушбу маърузалар Халқаро Меҳнат Ташкилотида қайта ишланган ҳолида Маъмурий кенгаш томонидан кўриб чиқилади.

3. Шу тарзда қайта ишланган маърузалардаги чуқурроқ муҳокама қилишни талаб этадиган ҳар қандай ҳолатларга эътиборни жалб этиш учун кириш матнини тайёрлаш учун Халқаро Меҳнат Ташкилоти мазкур мақсадларни кўзлаб Маъмурий кенгаш томонидан экспертлар гуруҳига мурожаат қилиши мумкин.

4. Маъмурий кенгаш таркибида бўлмаган Ташкилот аъзолари маърузада қайд этилган ахборотларга қўшимча маълумотларни Маъмурий кенгашдаги муҳокама давомида зарур ва фойдали бўлган тушунтиришларни энг мақбул равишда тақдим эта олиш имкониятига эга бўлишлари учун Маъмурий кенгашдаги мавжуд тартиблар ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш керак.

III. ГЛОБАЛ МАЪРУЗА

А. Қўлланиш мақсади ва соҳаси

1. Ушбу маърузанинг мақсади шундан иборатки, унда ўтган тўрт йиллик муддатда асосий принциплар ва ҳуқуқлар ҳар бир категорияси бўйича умумий манзарани динамик ҳолда акс эттириш ҳамда Ташкилот томонидан кўрсатилган ёрдам самарадорлиги-

ни баҳолашга асос яратиш, шунингдек келгуси давр учун устувор йўналишларни техник ҳамкорлик тадбирлари режаси тарзида баён этишдир. Бу режада, жумладан, белгиланган тадбирларни бажариш учун ички ва ташқи имкониятларни жалб этиш мақсади кўзланади.

2. Маъруза ҳар йили асосий принциплар ва ҳуқуқлар тўрт категориясидан биттасини навбат бўйича қамраб олади.

В. Маърузани тайёрлаш ва муҳокама этиш тартиби

1. Маърузани тайёрлаш масъулияти Бош директор зиммасига юклатилиб, у расмий ахборот ёки белгиланган тартибга мувофиқ тўпланадиган ва баҳоланадиган ахборот асосида тузилади. Асосий Конвенцияларни ратификация қилмаган давлатларга нисбатан маъруза, жумладан юқорида қайд этилган ҳар йилги амалга ошириш чоралари давомида эришилган натижаларга таянади. Тегишли Конвенцияларни ратификация қилган аъзо давлатларга нисбатан маъруза, жумладан Ташкилот Уставининг 22-моддасига мувофиқ кўриб чиқиладиган маърузаларга асосланади.

2. Ушбу маъруза Конференцияга уч томонлама муҳокама учун Бош директор маърузаси сифатида тақдим этилади. Конференция ушбу маърузани Конференция Регламенти 12-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган маърузалардан алоҳида кўриб чиқиши мумкин ва уни мазкур маърузага бағишланган махсус мажлисда ёки ҳар қандай бошқа тартибда муҳокама эта олади. Шундан сўнг Маъмурий кенгаш энг яқин сессиялардан бирида ушбу муҳокама асосида навбатдаги тўрт йиллик муддат учун устувор йўналишлар ва амалга оширилиши кўзда тутилаётган техник ҳамкорлик бўйича тадбирлар режасига тааллуқли хулоса тайёрлаши керак.

IV. БУНДА УШБУЛАР АНГЛАНАДИ, ЧУНОНЧИ:

1. Маъмурий кенгаш ва Конференция Регламентига илгари қоидаларни бажариш учун зарур бўлган тузатишлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрланади.

2. Конференция ушбу амалга ошириш воситаси ишини тўпланган тажриба асосида ўз вақтида кўриб чиқади ҳамда I қисмда баён этилган умумий мақсадга тегишли тарзда эришилганига баҳо беради.

Юкорида келтирилган матн Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Женевада бўлиб ўтган ва 1998 йил 18 июнда ўз ишини тугаллаган Бош конференцияси 86-сессиясида зарур тартибда қабул қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилоти Декларацияси матни ҳисобланади.

Ушбунинг тасдиғи учун

1998 йил июнь ойи ўн тўққизинчи кунида ўз имзоларини илова қилдилар:

Конференция Раиси
Жан-Жак Экслен

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори
Мишель Хансенн

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1949 йилнинг 8 июнида ўзининг Ўттиз ик-
кинчи сессиясига тўпланиб,

жамоавий келишув ва бирлашиш ҳуқуқи принциплари-
нинг қўлланилишига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга
қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи банди
ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йил июль ойининг бирин-
чи кунида қуйидаги «Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирла-
шиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция» деб номланиши
мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Меҳнатқашлар иш билан таъминланишида бирлашмалар эр-
кинлигини чеклашга қаратилган ҳар қандай камситиш ҳаракатларига
қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар.

2. Бундай ҳимоя қуйида кўзланган ҳаракатларга нисбатан янада
масъулиятлироқ қўлланилади:

а) меҳнатқашни иш билан таъминлашда жамоат бирлашмаси-
га қўшилмаслик ёки қасаба уюшмаси аъзоси ҳуқуқидан воз кечиш
шартини қўйиш;

б) меҳнатқашни бирлашмага аъзо бўлгани учун ва бирлашма
фаолиятида иш вақтидан ташқари, ёки иш берувчи розилиги би-
лан иш вақтида иштирок этганлиги туфайли унга зиён етказиш ёки
бўшатиш.

2-модда

1. Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари ўз ташкилотларини тузишда, уларнинг фаолиятида ва бошқаришда бир-бири томонидан ёки бир-бирининг агентлари ёки аъзолари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай аралашувга қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар.

2. Хусусан, ушбу модда мазмун-моҳиятига кўра, иш берувчилар ёки иш берувчиларнинг ташкилотлари ҳукмронлиги остида меҳнаткашларнинг ташкилотлари таъсис этилишига кўмаклашишга мўлжалланган, ёки меҳнаткашларнинг ташкилотларини маблағ ажратиш йўли билан, ёки бошқа йўл билан иш берувчилар ёки иш берувчилар ташкилотлари назорати остига қўйиш мақсадида қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ҳаракатлар аралашув ҳаракатлари сифатида қаралади.

3-модда

Зарур ҳолларда, бирлашиш ҳуқуқининг ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадида, худди олдинги моддаларда таърифланганидек, миллий шароитга мос келадиган механизм тузилади.

4-модда

Жамоа шартномалари орқали иш билан таъминланиш соҳасидаги шарт-шароитларни тартибга солиш мақсадида, зарур ҳолларда, иш берувчилар ёки иш берувчиларнинг ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг ташкилотлари ўртасидаги ихтиёрий музокара-лар механизмининг тўла ривожланишига ва ундан самарали фойдаланишга кўмаклашиш ва рағбатлантириш учун миллий шароитга мос келадиган чора-тадбирлар кўрилади.

5-модда

1. Ушбу Конвенцияда кўзда тутилган кафолатлар қуролли кучларга ва полицияга нисбатан қай даражада қўлланилиши миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади.

2. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 19-моддасининг 8-бандида баён этилган қоидаларга мувофиқ Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар қандай аъзоси томонидан ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши, мавжуд қонунларга, суд қарорларига, аънаналарга

ёки шартномаларга салбий таъсир қилиши мумкин, деб ва бунинг оқибатида ушбу Конвенцияда қафолатланган ҳар қандай ҳуқуқдан қуролли кучлар ёки полиция шахсий таркиби фойдаланиши мумкин, деб қаралмайди.

6-модда

Ушбу Конвенциянинг таъсири давлат бошқарувида машғул бўлган давлат хизматчиларига нисбатан қўлланилмайди ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва мавқеларига зиён етказадиган мазмунида шарҳланмайди.

7-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

8-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

9-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 2-бандига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда қуйидагилар кўрсатилади:

- а) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришларсиз қўлланилишини зиммасига олиши;
- б) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришлар билан қўллани-

лишини зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;

- с) қайси ҳудудларга нисбатан Конвенция қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- д) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини, бу ҳолат келгусида кўриб чиқилгунга қадар, сақлаб туриши.

2. Ушбу модда 1-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «б», «с» ёки «д» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 11-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

10-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 4- ва 5-бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатиб ўтилади; агар декларацияда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, унда ўзгартиришларнинг тафсилоти ҳам берилади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали, тегишли ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларациясида кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 11-модда қоидаларига мувофиқ,

Бош директорга ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

11-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

12-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганида, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

13-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

14-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

15-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиغان янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, 11-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

16-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги 87-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан Сан-Францискода чақирилиб ва 1948 йилнинг 17 июнида ўзининг Ўттиз биринчи Сессиясига тўпланиб,

бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги бир қанча таклифларни конвенция шаклида қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг еттинчи банди ҳисобланиб,

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг Мукаддимаси «бирлашиш эркинлиги принципининг тан олинishi» меҳнат шароитларларини яхшилашга ва тинчликни таъминлаш воситалари сифатида эълон қилаётганини эътиборга олиб,

Филадельфия декларациясида «сўз ва бирлашиш эркинлиги тараккиётини қўллаб-қувватлаш учун зарур шартлар» деб таъкидланганини эътиборга олиб,

Халқаро Меҳнат Конференцияси, ўзининг Ўттизинчи сессиясида халқаро миқёсда тартибга солувчи асосни шакллантирувчи принципларни яқдиллик билан қабул қилганини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўзининг Иккинчи сессиясида мазкур принципларни маъқуллаганини ва, Халқаро Меҳнат Ташкилотидан, халқаро Конвенцияларнинг бир нечасини қабул қилиш имкониятини вужудга келтириш учун ҳар қандай фаолиятни давом эттириш таклифини эътиборга олиб,

бир минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йил июль ойининг тўққизинчи кунида қуйидаги «Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1948 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, қуйида келтирилган қоидаларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

Меҳнаткашлар ва иш берувчилар, ҳеч бир чеклашларсиз, ташкилот таъсис этиш ва, фақат ушбу ташкилотнинг қоидаларига бўйсунган ҳолда, ўзлари танлаган ташкилотга олдиндан рухсат олмадан қўшилиш ҳуқуқига эгадир.

3-модда

1. Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари ўзларининг низомлари ва қоидаларини тузиш, ўзларининг вакилларини мутлақ эркин сайлаш, ўзларининг маъмуриятини ва фаолиятини ташкил қилиш, ўзларининг дастурларини баён этиш ҳуқуқига эгадир.

2. Давлат органлари мазкур ҳуқуқни чекловчи ёки унинг қонуний амалга оширилишига қаршилик қилувчи ҳар қандай аралашувдан тийилиши керак.

4-модда

Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари маъмурий орган томонидан асоссиз тарқатиб юборилиши ёки вақтинчалик тақиқланишига йўл қўйилмайди.

5-модда

Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари федерациялар ва конфедерациялар тузиш ҳуқуқига, шунингдек уларга қўшилиш ҳуқуқига эгадир ва ҳар бир шундай ташкилот, федерация ёки конфедерация меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг халқаро ташкилотларига қўшилиш ҳуқуқига эгадир.

6-модда

2-, 3- ва 4-моддалар қоидалари меҳнаткашлар ва иш берувчилар бирлашмаларининг федерациялари ва конфедерацияларига нисбатан ҳам қўлланилади.

7-модда

Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари, федерациялари ва конфедерациялари томонидан юридик шахс мақоми олинishi, 2-, 3- ва 4-моддаларнинг қоидалари қўлланилишини чекловчи характердаги шартларга бўйсундирилиши мумкин эмас.

8-модда

1. Ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ҳуқуқларини амалга оширишда меҳнаткашлар, иш берувчилар ва уларнинг тегишли ташкилотлари, бошқа шахслар ёки бирлашган жамоалар сингари, миллий қонунчиликни ҳурмат қиладилар.

2. Миллий қонунчилик ушбу Конвенцияда кўзда тутилган кафолатларга путур етказувчи шаклда бўлмаслиги керак ҳамда ушбу кафолатларнинг қўлланилишини чекламаслиги лозим.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияда кўзда тутилган кафолатлар қуролли кучларга ва полицияга нисбатан қай даражада қўлланилишини миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади.

2. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 19-модда 8-бандида баён этилган қоидаларга мувофиқ Халқаро Меҳнат Ташкилоти-нинг ҳар қандай аъзоси томонидан ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши, мавжуд қонунларга, суд қарорларига, анъаналарга ёки шартномаларга салбий таъсир қилиши мумкин, деб ва бунинг оқибатида ушбу Конвенцияда кафолатланган ҳар қандай ҳуқуқдан қуролли кучлар ёки полиция шахсий таркиби фойдаланиши мумкин, деб қаралмайди.

10-модда

Ушбу Конвенцияда «ташкилот» атамаси меҳнаткашлар ёки иш берувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва олға суришини

мақсад қилиб қўйган ҳар қандай меҳнаткашлар ёки иш берувчиларнинг ташкилотларини англатади.

II БЎЛИМ. БИРЛАШИШ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

11-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, меҳнаткашлар ва иш берувчилар бирлашиш ҳуқуқини эркин амалга оширишини кафолатлаш мақсадида барча зарур ва керакли чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

III БЎЛИМ. ТУРЛИ ҚОИДАЛАР

12-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директориغا, ратификация ҳужжатлари билан бирга ёки ратификациядан кейин имкони борича қисқа муддатда, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 1946 йилги акти билан ўзгартиришлар киритилган Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 35-моддасида кўзда тутилган ҳудудларга нисбатан (ушбу Уставнинг 35-моддасининг 4- ва 5-бандларида кўзда тутилган ҳудудлардан ташқари) қуйидагиларни билдирадиган декларацияни юборади:

- қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришларсиз қўлланилишини зиммасига олиши;
- қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришлар билан қўлланилишини зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;
- қайси ҳудудларга нисбатан Конвенция қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини сақлаб туриши.

2. Ушбу модда 1-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «b», «с» ёки «d» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 16-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияда назарда тутилган масалалар ҳар қандай метрополиядан ташқаридаги автоном ҳокимиятларга тегишли бўлганда, шундай ҳудуднинг халқаро муносабатлари учун жавобгар бўлган Ташкилот аъзоси, шу ҳудуднинг ҳукумати билан келишиб, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига шу ҳудуд номидан мазкур Конвенция мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисидаги декларацияни юбориши мумкин.

2. Ушбу Конвенция мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисидаги декларация Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юборилиши мумкин:

- a) Ташкилотнинг икки ёки ундан кўп аъзоси томонидан уларнинг биргаликдаги бошқаруви остида бўлган ҳар қандай ҳудудлар бўйича;
- b) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ ҳар қандай ҳудудни бошқаришга ёки бошқа шунга ўхшаш ҳудудни бошқаришга жавобгар бўлган ҳар қандай халқаро даражадаги масъул томонидан.

3. Ушбу модданинг айтиб ўтилган бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатилади; агар декларацияда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, унда ўзгартиришларнинг тафсилоти ҳам берилади.

4. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали,

тегишли хукукидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларациясида кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

5. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 16-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

IV БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

14-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

15-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

16-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат

ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

17-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

18-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

19-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киришиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

20-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, 16-модда коидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

21-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги 29-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва 1930 йилнинг 10 июнида ўзининг Ўн тўртинчи Сессиясига тўпланиб,

зўраки ёки мажбурий меҳнатга оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг биринчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз ўттизинчи йил июнь ойининг йигирма саккизинчи кунда, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг қоидаларига мос равишда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзолари томонидан ратификация қилиниши мақсадида, қуйидаги «Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шакллари имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Бунинг тўла бекор қилиниши мақсадида, зўраки ёки мажбурий меҳнат ўтиш даврида фақат жамоат мақсадларида ва истисно тарикасида қуйидаги моддаларда кўзда тутилган шарт ва кафолатлар билан қўлланиши мумкин.

3. Ушбу Конвенция кучга кирган санадан бошлаб беш йил ўтган, Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан қуйида келадиган 31-модда қоидаларига биноан маъруза тайёрланаётганида, мазкур Маъмурий кенгаш зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг барча шакллари кейинги ўтиш даврига узайтирмай бекор қилиш

2-модда

1. Ушбу Конвенция мақсадлари учун «зўраки ёки мажбурий меҳнат» атамаси ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади.

2. Лекин «зўраки ёки мажбурий меҳнат» атамаси ушбу Конвенция мақсадлари учун қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

- a) мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар кучига кўра талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга қўлланиладиган ҳар қандай ишни ёки хизматни;
- b) тўла ўзини-ўзи бошқарадиган мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиладиган ҳар қандай иш ёки хизматни;
- c) ҳар қандай шахсдан суд органининг ҳукми оқибатида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ва хизматни, агар мазкур иш ва хизмат давлат ҳокимият органларининг кузатуви ва назорати остида бажарилса ҳамда мазкур шахс хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар тасарруфига ўтказилмаса ёки берилмаса;
- d) фавқулодда ҳолатлар шароитида, яъни уруш ёки фалокат, ёки фалокат таҳдиди ҳолатларида, масалан, ёнғин, сув тошқини, очлик, зилзила, кучли эпидемия ёки эпизоотик касаллик, зарарли ҳайвонлар, ҳашаротлар ёки паразитларнинг ҳужуми ҳолларида ва умуман жами аҳоли ёки аҳоли бир қисмининг ҳаёти ёки барқарор ҳаётини шароитини хавф остига қўядиган ёки қўйиши мумкин бўлган вазиятлар шароитида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни;
- e) жамоанинг майда хизматларини, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун шу жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишларни, фақат ушбу жамоа аъзолари ёки унинг бевосита вакиллари шу ишларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга бўлиши шарти билан.

3-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «ваколатли ҳокимият органи» атамаси метрополия ҳокимиятини ёки тегишли ҳудуднинг олий марказий ҳокимият органини англатади.

4-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар манфаати учун зўраки ёки мажбурий меҳнат тайинламайди ёки тайинланишига рухсат бермайди.

2. Агар Ташкилотнинг ҳар қандай аъзосининг ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директори томонидан рўйхатга олинган пайтда унинг ҳудудида шунга ўхшаш зўраки ёки мажбурий меҳнат шакли хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар манфаати учун мавжуд бўлса, унда мазкур Ташкилот аъзоси унинг учун ушбу Конвенция кучга кирган пайтдан бошлаб шундай зўраки ёки мажбурий меҳнатни тўла бекор қилади.

5-модда

1. Хусусий шахсларга, компанияларга ёки бирлашмаларга берилган ҳеч бир концессия, шу хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар томонидан фойдаланишга ёки сотишга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки тўплаш мақсадида зўраки ёки мажбурий меҳнат шакли қўлланилишига олиб келмайди.

2. Агар шунга ўхшаш зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг шакли қўлланилишига олиб келувчи концессия қоидалари мавжуд бўлса, унда ушбу концессия қоидалари мазкур Конвенция 1-моддасининг кўрсатмаларини бажариш мақсадида имкон қадар қисқа муддатда бекор қилинади.

6-модда

Маъмурият амалдорлари, ҳатто уларнинг вазифаси уларга ишониб топширилган аҳолини қандайдир меҳнат шакли билан банд қилишга қўмаклашишдан иборат бўлса-да, ушбу аҳоли ёки алоҳида шахсларни хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар учун ишлашга мажбур қилмайдилар.

7-модда

1. Маъмурий мажбуриятларни бажармаётган бошликлар зўраки ёки мажбурий меҳнатга таяна олмайдилар.

2. Маъмурий мажбуриятларини бажараётган бошликлар ваколатли ҳокимият органининг махсус рухсати билан ушбу Конвенциянинг 10-моддасида кўзда тутилган шартлар асосида зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашлари мумкин.

3. Лозим тарзда тан олинган ва бошқа шаклларда кераклича ҳақ олмайдиган бошликлар тегишли тартиб-қоидаларга мувофиқ шахсий хизматлардан фойдаланишлари мумкин, фақат бунда тахқирлашларнинг олдини олиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилган бўлиши лозим.

8-модда

1. Зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллаш зарурлиги ҳақидаги ҳар қандай қарор учун мазкур ҳудуднинг юқори фуқаролик ҳокимияти масъулдир.

2. Шу билан бирга, мазкур ҳокимият юқори маҳаллий ҳокимият органларига зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳуқуқини бериши мумкин, агар бу меҳнаткашларнинг одатдаги турар-жойларидан кўчирилишига олиб келмаса. Мазкур ҳокимият, шунингдек, ушбу Конвенциянинг 23-моддасида кўзда тутилган тартиб-қоидаларда белгиланган шартлар асосида ва муддатда, юқори маҳаллий ҳокимият органларига маъмурият амалдорларининг ўз вазифаларини бажариш пайтида кўчишини енгиллаштириш мақсади учун ва маъмурият юқларини ташиш мақсади учун меҳнаткашларнинг одатдаги турар-жойларидан кўчирилишига олиб келувчи зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳуқуқини беришлари мумкин.

9-модда

Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳуқуқига эга ҳокимият органи шу меҳнат шаклини қўллашга рухсат беришдан аввал қуйидагиларга олдиндан ишонч ҳосил қилади:

- а) бажарилиши лозим бўлган хизмат ёки ишга мурожаат қилган жамоа учун ушбу хизмат ёки иш бевосита муҳим аҳамият касб этишига;

- b) шу хизмат ёки иш ҳозир ва яқин вақтларда зарур бўлишига;
- c) шу ҳудудда шунга ўхшаш хизмат ёки иш соҳасида ўрнатилган иш ҳақидан ва шароитдан кам бўлмаган иш ҳақи ёки шароит таклиф қилинганига қарамай, шу хизмат ёки ишни бажариш учун ихтиёрий иш кучи олиш иложи бўлмаганлигига;
- d) мавжуд иш кучини ва унинг шу ишни бажариш қобилиятини эътиборга олиб, бу иш ёки хизмат оқибати аҳоли учун жуда оғир юк бўлмаслигига.

10-модда

1. Солиқ сифатида талаб қилинадиган зўраки ёки мажбурий меҳнат ҳамда жамоат ишларини бажариш учун маъмурий вазифаларни бажараётган бошлиқлар мурожаат қиладиган зўраки ёки мажбурий меҳнат аста-секин бекор қилинади.

2. Шу тугатилгунга қадар, зўраки ёки мажбурий меҳнат солиқ сифатида талаб қилинадиган ҳолларда ҳамда зўраки ёки мажбурий меҳнатга жамоат ишларини бажариш учун маъмурий вазифаларни бажараётган бошлиқлар мурожаат қиლაётган ҳолларда тегишли ҳокимият олдиндан қуйидагиларга ишонч ҳосил қилади:

- a) бажарилиши лозим бўлган хизмат ёки ишга мурожаат қилган жамоа учун ушбу хизмат ёки иш бевосита муҳим аҳамият касб этишига;
- b) шу хизмат ёки иш ҳозир ва яқин вақтларда зарур бўлишига;
- c) мавжуд иш кучи ҳамда унинг шу ишни бажариш қобилиятини эътиборга олиб, бу иш ёки хизмат оқибати аҳоли учун жуда оғир юк бўлмаслигига;
- d) шу иш ёки хизматни бажариш меҳнаткашларни уларнинг одатдаги турар-жойларидан кўчишга мажбур этмаслигига;
- e) шу иш ёки хизмат бажарилишига раҳбарлик дин, жамоат ҳаёти ва кишлоқ хўжалик талабларига мувофиқ тарзда олиб борилишига.

11-модда

1. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга фақат катта ёшли, меҳнатга лаёқатли ва ёши ўн саккиздан кам бўлмаган ва қирқ беш ёшдан катта бўлмаган эркаклар жалб қилиниши мумкин. Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида кўзда тутилган тоифадаги ишлардан ташқари, қуйидаги чеклашлар ва шартлар қўлланилади:

- a) маъмурият томонидан тайинланган врачнинг мазкур шахсларнинг юқумли касалликлар билан оғримаганини ҳамда улар талаб қилинаётган иш ва меҳнат шароитлари учун жисмонан яроқлилигини имкон қадар олдиндан аниқлаш;
- b) мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларни, шунингдек, умуман, маъмурият меҳнатқашларини озод қилиш;
- c) ҳар бир жамоада оилавий ва ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган катта ёшли меҳнатга лаёқатли эркеклар сонини қўллаб-қувватлаш;
- d) оилавий ва эр-хотинлик алоқаларни ҳурмат қилиш.

2. Мазкур модда 1-бандининг «с» кичик бандида кўрсатилган мақсадларда ушбу Конвенциянинг 23-моддасида кўзда тутилган қоидалар доимий аҳолининг катта ёшли меҳнатга лаёқатли эркеклар улушини белгилайди, бироқ улар айни пайтда зўраки ёки мажбурий меҳнатга шундай шарт билан жалб қилиниши лозимки, бу улуш ҳеч бир ҳолда мазкур аҳолининг 25 фоизидан ошмаслиги керак. Мазкур улушни белгилашда ваколатли ҳокимият органи аҳоли зичлигини, шу аҳолининг ижтимоий ва жисмоний ривожини, йил фаслини ва шу шахслар томонидан уларнинг турар-жойларида ва уларнинг номидан бажарилиши керак бўлган ишларни ҳисобга олади ва умуман мазкур жамоа нормал турмушининг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини эътиборда тутиши лозим.

12-модда

1. Ҳар қандай шахсни турли шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб этиш мумкин бўлган энг қўл муддат йилига олтмиш кундан ошмаслиги керак, бунда иш жойига бориш ва қайтиш вақти шу олтмиш кун ичига киритилади.

2. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир меҳнатқашга у ишлаган шу меҳнат даври кўрсатилган гувоҳнома берилади.

13-модда

1. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир шахснинг нормал иш куни давомийлиги эркин ёлланган меҳнатқаш меҳнат шароитлари учун амалда қўлланиладиган иш кунининг давомийлигидек бўлиши керак ва одатдаги нормадан ташқари ишлан-

ган вақтга худди эркин ёлланган меҳнаткашга одатдаги иш вақтидан ташқари ишга ҳақ тўланадиган миқдоридек ҳақ тўланади.

2. Ҳар қандай шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган барча шахсларга ҳафтада бир марта дам олиш куни берилди ва бу кун имкон қадар мазкур ҳудуд ёки минтақанинг анъаналари ҳамда одатлари билан белгиланадиган кунга тўғри келиши лозим.

14-модда

1. Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида кўзда тутилган зўраки ва мажбурий ишлардан ташқари, барча шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнат учун, меҳнатга жалб қилинган ёки ёлланган ҳудудда шундай турдаги ишларга нисбатан қўлланилаётган миқдордан кам бўлмаган миқдорда, юқори миқдор қандай бўлишидан қатъий назар, нақд пулда ҳақ тўланади.

2. Иш маъмурий вазифаларни бажарувчи бошлиқлар томонидан тайинланган бўлса, аввалги банднинг қондаларига мувофиқ шартларда, имкон қадар қисқа муддатда ҳақ тўлаш жорий қилинади.

3. Иш ҳақи ҳар бир меҳнаткашга шахсан берилиши керак, унинг бошлиғига ёки қандайдир бошқа ҳокимият органига берилмайди.

4. Иш ҳақини олиш мақсадида иш жойига бориш ва қайтиб келиш учун кетган кунлар ишланган кунлар деб ҳисобланади.

5. Ушбу модда меҳнаткашларга одатдаги озик-овқат паёқларини иш ҳақининг бир қисми сифатида беришни тақиқламайди, фақат бу паёқлар қиймати камида уларга таклиф қилинган маблағ миқдorigа тенг бўлиши керак. Лекин иш ҳақидан на солиқ учун, на меҳнаткашларни алоҳида меҳнат шароитларида ишни давом эттира оладиган ҳолатда саклаш мақсадида алоҳида овқатлантириш, кийинтириш учун ёки турар-жой билан таъминлаш учун, на уларга иш асбоблари берганлик учун ҳеч қандай чегирмалар ушлаб қолинмайди.

15-модда

1. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари учун компенсация беришга оид ҳар қандай қонун ҳужжатлари ҳамда шу ҳудудда ишлаган ёки ишлайдиган, вафот этган ёки меҳнат лаёқатини йўқотган меҳнаткашларнинг қарамоғида турган шахсларга нафақалар тўланишини кўзда тутувчи ҳар қандай қонун ҳужжатлари

зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахсларга нисбатан худди эркин ёлланган меҳнаткашларга қўлланиладигандек тенг асосда қўлланилади.

2. Ҳар қандай ҳолатда, меҳнаткашни зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилаётган ҳар бир ҳокимият органи зиммасига, агар ушбу меҳнаткаш ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ҳаётий эҳтиёжлар учун ишлаш қобилиятини тўлик ёки қисман йўқотган бўлса, ушбу меҳнаткашнинг ҳаёт кечиришини таъминлаш, шунингдек, вафот этган ёки иш натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган мазкур меҳнаткаш қарамоғида ҳақиқатан турадиган ҳар қандай шахсни боқишни таъминлаш чораларини кўриш мажбурияти юклатилади.

16-модда

1. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахслар, фавқулодда зарурат ҳолларидан ташқари, овқатланиш шароити ва иқлим шароити одатдаги ҳаёт шароитидан соғлиққа хавф соладиган даражада ажралиб турадиган ҳудудларга ўтказилмаслиги керак.

2. Меҳнаткашлар шароитга мослашиши учун ва улар соғлигини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган гигиена ва уй-жой шароитига нисбатан барча чора-тадбирлар катъий амалга оширилмагунча меҳнаткашларни бундай ўтказишга ҳеч қандай ҳолда руҳсат берилмаслиги керак.

3. Агар шундай ўтказишнинг олдини олиш мумкин бўлмаса, ваколатли тиббиёт муассасаси маслаҳати асосида меҳнаткашларнинг янги овқатланиш ва иқлим шароитига аста-секин мослашувини таъминловчи чора-тадбирлар кўрилиши керак.

4. Агар мазкур меҳнаткашлар улар учун одатдаги бўлмаган мунтазам иш бажаришга жалб қилинган бўлса, уларни ишнинг шу турига мослашувини таъминлаш учун, жумладан, аста-секин ўқитиш, иш соатлари, дам олиш учун танаффуслар билан таъминлаш ва зарур бўлганча овқат рационини яхшилаш ёки кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

17-модда

Меҳнаткашларни қурилиш ёки маъмурий ишларни бажариш учун зўраки ёки мажбурий меҳнатга, яъни оқибати узоқ вақт да-

вомида мазкур меҳнаткашлар иш жойларида қолиб кетишга олиб келувчи меҳнатга жалб қилишга рухсат беришдан олдин, ваколатли ҳокимият органи қуйидагиларга ишонч ҳосил қилади:

1) меҳнаткашларнинг соғлигини сақлаш учун ва зарур тиббий ёрдамни таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилишига ва жумладан:

- а) меҳнаткашлар иш бошлангунга қадар тиббий кўриқдан ўтказилишига ҳамда улар ишда банд бўлган бутун муддат давомида муайян вақт ораликларида тиббий кўриқдан ўтиб туришига,
- б) етарлича тиббий меҳнаткашлар билан таъминланишига, шу билан бирга, ҳар қандай эҳтиёжлари учун зарур диспансерлар, шифохоналар, госпиталлар бунёд қилинишига ва улар зарур жиҳозлар билан таъминланишига,
- с) иш жойида қониқарли гигиеник шароит билан таъминланишига, меҳнаткашларнинг ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи, шунингдек, ошхона асбоб-ускуналари билан таъминланишига ва зарурат бўлган ҳолда қониқарли кийим-бош ва уй-жой бериш кўзда тутилишига;

2) меҳнаткаш оиласининг ҳаёт шароитини таъминлаш учун тегишли тадбирлар кўрилишига, жумладан, меҳнаткашлар иш ҳақининг бир қисмини уларнинг розилиғи ёки илтимоси билан ишончли тарзда оилаларига юборилишини енгиллаштириш йўли билан;

3) меҳнаткашларнинг иш жойига бориши ва қайтиб келиши маъмурият томонидан унинг масъулияти остида ва унинг ҳисобига таъминланишига. Маъмурият эса, ўз навбатида, транспортнинг барча мавжуд воситаларидан имкон қадар кенгрок фойдаланилишини таъминлаш орқали шу бориш-келишларни енгиллаштиради;

4) касаллик ёки баҳтсиз ҳодиса туфайли меҳнаткаш меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ҳолда меҳнаткаш маъмурият ҳисобидан репатриация қилинишига;

5) зўраки ёки мажбурий меҳнат муддати тугаган ҳар қандай меҳнаткаш эркин ёлланувчи меҳнаткаш сифатида қолишни истаса, икки йил давр мобайнида бепул репатриация қилиниш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган ҳолда шундай қолишга рухсат берилишига.

1. Шахслар ёки юкларни ташиш мақсадидаги зўраки ёки мажбурий меҳнат, масалан, юкчилар ва эшкакчилар меҳнати имкон қадар қисқарок муддатда бекор қилинади. Шунга қадар, ваколатли ҳокимият органи, жумладан, қуйидагиларни белгилайдиган тартиб-қоидаларни эълон қилади:

- а) шу меҳнат шаклидан фақат маъмурият амалдорларининг ўз вазифаларини бажариш пайтида кўчишини енгиллаштириш мақсадида ёки маъмурият юкларини ташиш мақсадида, ёки амалдор бўлмаган бошқа шахсларни ташишга ниҳоятда шошилиш зарурат пайдо бўлганда фойдаланиш мажбуриятини;
- б) шу ишларга ёлланган меҳнаткашларни, агар бунинг иложи бўлса, соғлиғи мазкур ишларга тўғри келиши бўйича тиббий текширувдан ўтказишни; агар бунинг иложи бўлмаса, мазкур меҳнаткашларни ёллаган шахс шу меҳнаткашлар соғлиғи мазкур ишларга тўғри келишига ва улар юкумли касаллик билан оғримаслигига ишонч ҳосил қилиш масъулиятини олишини;
- в) меҳнаткаш ташиши лозим бўлган юкнинг энг оғир вазнини;
- д) меҳнаткашлар уларнинг уйларида жалб қилиниши мумкин бўлган энг узоқ масофани;
- е) ойнинг ёки бошқа муддатнинг меҳнаткашлар меҳнатга жалб қилинишлари мумкин бўлган энг кўп кунлари миқдорини, жумладан, меҳнаткашлар уйларига қайтиши учун кетадиган кунларни қўшган ҳолда;
- ф) зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг мазкур шаклига жалб қилиш ҳуқуқига эга шахсларни, шунингдек, улар ваколатларининг чегараларини.

2. Аввалги банднинг «с», «д» ва «е» кичик бандларида гап борадиган максимумни аниқлашда ваколатли ҳокимият органлари бу масалага тааллуқли барча тегишли омилларни, шу жумладан, меҳнаткашлар жалб қилинаётган аҳолининг жисмоний лаёқатини, меҳнаткашлар томонидан босиб ўтилиши лозим бўлган йўналиш хусусиятини, шунингдек, иқлим шароитини ҳисобга олади.

3. Бундан ташқари, ваколатли ҳокимият органи мазкур меҳнаткашларнинг кундалик нормал йўналиши ўртача иш кунидек саккиз соат давом этадиган масофадан ошмаслигини таъминлай-

ди, буида шу масофани аниқлаганда нафакат юк вази ва йўналиш узунлиги, балки йўлнинг ҳолати, йил фасли ва шунга тааллуқли бошқа барча омиллар ҳам ҳисобга олинади, шу билан бирга, агар йўналиш вақти давомийлиги кундалик нормал йўналиш давомийлигидан ошса у ҳолда оддий миқдордан ошадиган миқдор бўйича ҳақ тўланади.

19-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи ерга мажбурий ишлов беришни қўллашга фақат очлик ёки озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслигининг олдини олиш мақсадларида ва ҳар доим бунинг натижасида олинган маҳсулотлар ёки озиқ-овқатлар уларни етиштирган шахслар ва жамоанинг ўзиники бўлиши шарти билан рухсат беради.

2. Ушбу модда, жамоа аъзоларининг мажбуриятини, яъни қонунга ёки одатларга мувофиқ жамоада талаб этилаётган ишни бажариш мажбуриятини, — ишлаб чиқариш қонун ёки одатларга мувофиқ жамоавий асосида ташкил қилинса ва маҳсулотлар ёки шу маҳсулотларни сотишдан келган фойда жамоанинг ўзиники бўлиб қолса, — бекор қилишга асос бўла олмайди.

20-модда

Жамоани унинг ҳар қандай аъзоси томонидан содир этилган жиноятлари учун жазоланиши кўзда тутувчи жамоавий жазоланиш қонунчилиги жамоанинг зўраки ёки мажбурий меҳнатини жазо чораси сифатида кўзда тутувчи қоидаларни ўз ичига олмаслиги керак.

21-модда

Зўраки ёки мажбурий меҳнат шахталарда ер ости ишларини бажариш учун қўлланилмайди.

22-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилот аъзоларининг — ушбу Конвенциянинг амалга оширилиши юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддаси қоидаларига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросига тақдим этиладиган — ҳар йилги маърузалари имкон қадар

қуйидагилар тўғрисида тўларок ахборотларни ўз ичига олиши керак: ҳар бир тегишли ҳудуд тўғрисида; шу ҳудудда зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча ҳолатлари тўғрисида; шу меҳнат қайси мақсадларда қўлланилиши тўғрисида; касалланиш ва ўлим даражалари тўғрисида; иш вақти; иш ҳақи тўлаш усуллари ва иш ҳақи миқдорлари тўғрисида; шунингдек шунга доир бошқа маълумотлар тўғрисида.

23-модда

1. Ушбу модда қоидаларини ҳаётга татбиқ қилиш учун ваколатли ҳокимият органи зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг қўлланилишини бошқарувчи тўлик ва аниқ тартиб-қоидаларни белгилайди.

2. Бу тартиб-қоидалар, жумладан, зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир шахсга, унга тақдим этиладиган меҳнат шартитларига нисбатан ҳокимият органларига ўз эътирозини билдиришга руҳсат этадиган ва шу эътирознинг кўриб чиқилиши ва эътиборга олинишини кафолатлайдиган қоидаларни ўз ичига олади.

24-модда

Зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг қўлланилишини бошқарувчи тартиб-қоидалар қатъий равишда ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш учун барча ҳолларда тегишли чора-гадбирлар кўрилади, хусусан, оддий меҳнатни назорат қилиш учун таъсис этилган ҳар қандай меҳнат инспекцияси органининг мажбуриятини зўраки ёки мажбурий меҳнатни назорат қилиш вазифаси билан кенгайтириш орқали ёки исталган бошқа мос келадиган усул ёрдамида. Шунингдек, бу тартиб-қоидалар ҳақида зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахсларни хабардор қилиш чоралари кўрилади.

25-модда

Зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жиноий тартибда таъкиб қилинади ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган

санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга катъий риоя қилинишини таъминлаши шарт.

26-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси уни ўз суверенитети, юрисдикцияси, ҳимояси, сюзеренитети, васийлиги ёки бошқаруви остида турган ҳудудларга нисбатан, у ички юрисдикцияси масалаларига таъсир этиш ҳуқуқига эга бўлган даражада қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бироқ Ташкилотнинг ушбу аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг қоидаларидан фойдаланишни истаса, у ўзининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатига қуйидаги маълумотларни кўрсатувчи декларация илова қилади:

- 1) ушбу Конвенция қоидаларини ўзгартиришларсиз қўллашни мўлжаллаган ҳудудлар тўғрисидаги маълумот;
- 2) ушбу Конвенция қоидаларини ўзгартиришлар билан қўллашни мўлжаллаган ҳудудлар тўғрисидаги ва шу ўзгаришларнинг тафсилотлари тўғрисидаги маълумот;
- 3) ўз қарорини сақлаб туришни мўлжаллаган ҳудудлар тўғрисидаги маълумот.

2. Кўрсатилган декларация ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларацияси орқали ушбу модда 1-бандининг 2- ва 3-кичик бандлари қоидалари кучига кўра унинг аввалги декларациясида айтиб ўтилган барча шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

27-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг қоидаларига биноан рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

28-модда

1. Ушбу Конвенция, фақатгина, ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Халқаро Меҳнат Бюроси томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина боғлайди.

2. Ушбу Конвенция, Халқаро Меҳнат Ташкилоти икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

29-модда

Халқаро Меҳнат Бюросида Халқаро Меҳнат Ташкилоти икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олиниши билан, Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори бу ҳақда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради. Бош директор, шунингдек, кейинчалик Ташкилотнинг бошқа аъзолари томонидан юбориладиган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилотнинг барча аъзоларига хабар беради.

30-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти Халқаро Меҳнат Бюроси томонидан рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги беш йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартлари бўйича ушбу Конвенцияни ҳар беш йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

31-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши

тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кири- тиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

32-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса, Ташкилотнинг бирор-бир аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, муддатидан ва 30-модда коидаларидан катъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак.

2. Янги, қайта кўриб чиқилган конвенция кучга кирган санадан эътиборан мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

3. Ҳар қандай ҳолатда, мазкур Конвенция, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

33-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги 105-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1957 йилнинг 5 июнида ўзининг Қирқинчи
Сессиясига тўпланиб,

мажбурий меҳнат тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиб ва бу
Сессия кун тартибининг тўртинчи банди ҳисобланиб,

Мажбурий меҳнат тўғрисида 1930 йилги Конвенция қондаларини
ҳисобга олиб,

Куллик тўғрисидаги 1926 йилги Конвенция зўраки ёки мажбу-
рий меҳнат кулликка ўхшаш шароитга олиб келмаслиги учун барча
зарур чоралар кўрилишини ва Куллика, кул савдоси ҳамда кулликка
ўхшаш институтлар ва одатларга барҳам бериш тўғрисидаги 1956
йилги қўшимча Конвенция қарз асорати ва крепостной қарамликни
тўлиқ бекор қилишини эътиборга олиб,

Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция
иш ҳақи ўз вақтида тўланиши кераклигини эътироф этишини ҳамда
меҳнаткашни ўз иш жойидан ҳақиқий кетиш имконидан маҳрум
қиладиган ҳақ тўлаш усулларини қўллашнинг тақиқланишини эъ-
тиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида ва Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ифода этилган инсон
ҳуқуқларини бузиш ҳисобланган зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг
айрим турларини бартараф қилиш юзасидан бир канча таклифлар-
ни қабул қилишга қарор чиқариб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз эллик еттинчи йил июнь ойининг йи-
гирма бешинчи кунда қуйидаги «Мажбурий меҳнатни тугатиш
тўғрисидаги 1957 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган
Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни тугатиш ва унинг ҳар қандай шакллари ни ишлатмаслик ҳамда қуйидаги ҳаракатлар сифатида қўлламаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) амалдаги сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тизимга зид сиёсий қарашлар, ёки мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёки ифодаланиши учун сиёсий таъсир, ёки тарбия воситаси ёки жазо чораси сифатида;
- b) иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун иш кучини сафарбар этиш ва ундан фойдаланиш усули сифатида;
- c) меҳнат ингизомини сақлаш чораси сифатида;
- d) иш ташлаш ҳаракатларида қатнашганлик учун жазолаш чораси сифатида;
- e) ирқий, ижтимоий, миллий мансублик ёки диний эътиқод белгилари бўйича камситиш чоралари сифатида.

2-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси ушбу Конвенциянинг 1-моддасида келтирилган зўраки ёки мажбурий меҳнат шакллари нинг кечиктирилмай ва тўла бекор қилинишини таъминлаш учун самарали чоралар қўришга мажбурият олади.

3-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

4-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

5-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

6-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

7-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қондаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

8-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киритиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

9-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 5-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

10-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 138-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1973 йилнинг 6 июнида ўзининг Эллик сак-
кизинчи Сессиясига тўпланиб,

ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги бир қанча
таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тар-
тибининг тўртинчи банди ҳисобланиб,

Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1919 йилги Конвенция,
Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1920 йилги
Конвенция, Қишлоқ хўжалигида энг кичик ёш тўғрисидаги 1921
йилги Конвенция, Флотда кўмир юкловчи ва ўт ёқувчи учун энг
кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенция, Носаноат ишлар-
да энг кичик ёш тўғрисидаги 1932 йилги Конвенция, Денгизда
ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1936 йилги (қайта кўриб
чиқилган) Конвенция, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937
йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Носаноат ишлардаги энг
кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвен-
ция, Балиқчилар учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1959 йилги Кон-
венция ҳамда Ер ости ишларига руҳсат бериладиган энг кичик ёш
тўғрисидаги 1965 йилги Конвенция қоидаларини эътиборга олиб,

болалар меҳнатини тўлиқ бекор қилишга эришиш мақсадида,
чекланган иқтисодий секторларда қўлланиладиган мавжуд шартно-
маларни босқичма-босқич алмаштирувчи умумий шартнома ишлаб
чиқиш вақти келганини эътиборга олиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз етмиш учинчи йил июнь ойининг йигирма
олтинчи кунида қуйидаги «Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йил-
ги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул
қилди:

1-модда

Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, болалар меҳнатини батамом бекор қилишни таъминлашга йўналтирилган ва ишлашга ёки ёлланишга руҳсат этилган энг кичик ёшни ўсмирларнинг тўла жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ратификация тўғрисидаги ҳужжатга илова қилинадиган декларациясида, ўз ҳудуди доирасида ва ҳудудида рўйхатга олинган транспорт воситаларида ишга қабул қилинишга ёки ёлланишга руҳсат этилган энг кичик ёшни кўрсатади; мазкур Конвенциянинг 4-8-моддалари шартига биноан, мазкур энг кичик ёшдан кичик бўлган шахсларга ҳар қандай иш турида ишлашига ёки ёлланишига йўл қўйилмайди.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, кейинчалик, кейинги декларацияси орқали, мамлакатда ўрнатилган энг кичик ёшни янгитдан, аввал ўрнатилган энг кичик ёшдан каттароқ ёш белгилаганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорини хабардор қилиши мумкин.

3. Мазкур модда 1-банди асосида белгиланадиган энг кичик ёш мажбурий мактаб таълимини тугаллаш учун зарур бўлган ёшдан кам бўлмаслиги керак ва ҳар қандай ҳолда ўн беш ёшдан кичик бўлмаслиги зарур.

4. Иқтисодиёти ва таълим имкониятлари етарлича ривожланмаган Ташкилот аъзоси, мазкур модда 3-банди қоидаларидан қатъий назар, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар шундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг даставвал энг кичик ёш деб ўн тўрт ёшни белгилаши мумкин.

5. Юқоридаги банд қоидаларига мувофиқ энг кичик ёш деб ўн тўрт ёшни белгилаган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига мувофиқ ўзининг мазкур Конвенция ижроси тўғрисидаги маърузасига қуйидаги баёнотларни киритади:

- a) ушбу қарор қабул қилиниши сабаблари ўзгармаганлиги; ёки
- b) у муайян санадан эътиборан ўзининг мазкур қоидалардан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечишини.

3-модда

1. Ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиги, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги керак.

2. Ушбу модда 1-банди қўлланиладиган иш турлари ёки ёлланма иш турлари миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг белгиланади.

3. Ушбу модда 1-банди қоидаларидан қатъий назар, миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг ўн олти ёшдан кичик бўлмаган шахсларга ишлашга ёки ёлланиб ишлашга, уларнинг соғлиги, хавфсизлиги ва маънавияти тўла муҳофаза этилиши ва улар етарлича махсус таълим ҳамда фаолиятнинг тегишли соҳаси бўйича касбий тайёргарлик олишлари шарти билан руҳсат беришлари мумкин.

4-модда

1. Заруратга кўра ваколатли ҳокимият органи иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг, мазкур Конвенциянинг қўлланилиши доирасидан ишларнинг ёки ёлланма ишларнинг чекланган тоифаларини, яъни уларнинг қўлланилишида алоҳида ва муҳим муаммолар вужудга келадиган тоифаларини чиқариб ташлашлари мумкин.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, Халқаро Меҳнат Ташкилот Уставининг 22-моддасига биноан тақдим этиладиган, мазкур Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг биринчи маърузасида, мазкур модда 1-бандига мувофиқ чиқариб ташланиши мумкин бўлган барча тоифаларни,

чиқариб ташлаш сабабларини кўрсатган ҳолда қайд этади ҳамда навбатдаги маърузаларда чиқариб ташланган мазкур тоифаларга нисбатан ўз миллий қонунчилиги ва амалиётининг аҳволи тўғрисида ва Конвенция қоидалари ушбу тоифаларга нисбатан қандай қўлланилаётганлиги ёки қўлланилиши мўлжалланаётганлиги тўғрисида маълум қилади.

3. Ушбу Конвенция 3-моддаси билан қамраб олинadиган иш тури ёки ёлланма иш тури, мазкур модда бажарилишидан келиб чиқиб, ушбу Конвенция қўлланиши доирасидан чиқариб ташланмаслиги керак.

5-модда

1. Иқтисодиёти ва маъмурий имкониятлари етарлича ривожланмаган Ташкилотнинг аъзоси, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар шундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг, даставвал мазкур Конвенция қўлланилиши доирасини чеклаб қўйиши мумкин.

2. Мазкур модда 1-банди қоидаларини қўллаётган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ратификация тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинадиган декларацияда, мазкур Конвенция қоидаларини у қўллайдиган иқтисодий фаолият тармоқлари ёки корхоналар турларини кўрсатиши лозим.

3. Конвенция қоидалари ҳеч бўлмаганда қуйидаги соҳаларда қўлланилиши лозим: шахта ва карьерларда; ишлов бериш саноатида; қурилишда; электр, газ ва сув таъминотида; санитария хизматларида; транспорт, омборлар ва алоқа хизматида; экинзорлар ва тижорат мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган бошқа кишлоқ хўжалик корхоналаридаги ишларда, шу жумладан, маҳаллий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган, доимий равишда ёлланма меҳнаткашлардан фойдаланмайдиган оилавий ва кичик хўжаликларда.

4. Мазкур Конвенция қўлланилиши доирасини ушбу модда қоидаларига мувофиқ чеклайдиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси:

- а) Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган маърузасида мазкур Конвенция қўлланилиши доирасидан чиқарилган фаолият соҳаларида ўсмирлар ва болаларнинг ишлаши ёки ёлланиб ишлашининг умумий аҳволи тўғрисидаги ва мазкур Конвенция қоидалари

кенгрок қўлланилиши йўлида амалга оширилган ҳар қандай ижобий ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиши лозим;

- б) хоҳлаган вақтда, Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директориغا юбориладиган декларацияси орқали, Конвенция қўлланилиши доирасини расман кенгайтириши мумкин.

6-модда

Ушбу Конвенция болалар ва ўсмирлар томонидан умумтаълим мактаблари, касб-хунар ва техника таълими ёки бошқа ўқув муассасаларида бажариладиган ишларга ёки камида ўн тўрт ёшда бўлган шахслар томонидан ваколатли ҳокимият органлари — иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг — белгилаб қўйган шартларга мувофиқ корхоналарда бажарадиган ишларга нисбатан ва қуйидагиларнинг таркибий қисми ҳисобланадиган ишларга нисбатан қўлланилмайди:

- а) асосий масъулият мактаб ёки касбий тайёргарлик муассасаси зиммасида бўлган таълим ёки тайёргарлик курсининг;
- б) асосан ёки бутунлай корхонада амалга ошириладиган, ваколатли ҳокимият органи томонидан маъқулланган касбий тайёргарлик дастурининг;
- с) касбий ёки касбий тайёргарлик турини танлашни енгиллаштиришга қаратилган касбга йўналтириш дастурларининг.

7-модда

1. Миллий қонун ҳужжатлари ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга енгил ишларда ишлашга ёки ёлғаниб ишлашга руҳсат этиши мумкин, агар бу:

- а) уларнинг соғлиғи ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса;
- б) уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларига, ёки уларнинг олган ўқувларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса.

2. Миллий қонун ҳужжатлари камида ўн беш ёшда бўлган, лекин мажбурий мактаб таълимини тугалламаган шахсларга, мазкур модда

1-банди «а» ва «б» кичик бандлари талабларига риоя этиш шартли билан, ишлашга ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиши мумкин.

3. Ваколатли ҳокимият органи ишлашга ёки ёлланиб ишлашга мазкур модда 1- ва 2-бандларига мувофиқ рухсат этилган фаолият соҳаларини аниқлайди ҳамда бундай ишнинг ёки ёлланма ишнинг бажариш мумкин бўлган иш вақти давомийлиги ва шароитини белгилайди.

4. Мазкур модда 1- ва 2-бандлари қоидаларидан қатъий назар, 2-модда 4-банди қоидаларини қўллаётган Ташкилот аъзоси, у учун зарур бўлган муддатда, мазкур модда 1-бандида кўрсатилган ўн икки ва ўн тўрт ёшларни — ўн уч ва ўн беш ёшлар билан, 2-бандида эса ўн тўрт ёшни — ўн беш ёш билан алмаштириши мумкин.

8-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг, рухсатномалар бериш йўли орқали мазкур Конвенция 2-моддасида кўзда тутилган ишга ёки ёлланма ишга қабул қилишни ман этиш қоидасини айрим ҳолларда, бадий тадбирларда иштирок этиш каби мақсадлар учун, истисно қилиши мумкин.

2. Шу тартибда бериладиган рухсатнома ишлаш ёки ёлланиб ишлаш мумкин бўлган шароитни белгилайди ва иш вақти давомийлигини чеклайди.

9-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи томонидан мазкур Конвенция қоидаларини ҳаётга самарали татбиқ этишни таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилади, шу жумладан, тегишли жазоларни белгилаш чоралари кўрилади.

2. Миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан Конвенция ижросини таъминловчи қоидаларнинг риоя этилишига масъул бўлган шахслар белгиланади.

3. Миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан иш берувчи тасарруфида ва хизматида бўладиган рўйхатлар ёки бошқа ҳужжатлар тайинланади: бундай рўйхатлар ёки ҳужжатларда иш берувчи томонидан ёлланган ёки у учун иш-

лайдиган ва ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар исм-шарифи, ёши ёки туғилган санасига доир маълумотлар зарур даражада тасдиқланган ҳолда кўрсатилади.

10-модда

1. Мазкур Конвенция, ушбу моддада кўзда тутилган шартлар асосида, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1919 йилги Конвенция, Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1920 йилги Конвенция, Қишлоқ хўжалигидаги энг кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенция, Флотда кўмир юкловчи ва ўт ёқувчи учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенция, Носаноат ишларда энг кичик ёш тўғрисидаги 1932 йилги Конвенция, Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1936 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Носаноат ишлардаги энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Балиқчилар учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1959 йилги Конвенция ҳамда Ер ости ишларига рухсат бериладиган энг кичик ёш тўғрисидаги 1965 йилги Конвенцияни қайта кўриб чиқади.

2. Мазкур Конвенциянинг кучга кириши Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1936 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Носаноат ишлардаги энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция, Балиқчилар учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1959 йилги Конвенция ёки Ер ости ишларига рухсат бериладиган энг кичик ёш тўғрисидаги 1965 йилги Конвенциянинг кейинчалик ратификация учун ёпилишига олиб келмайди.

3. Агар, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1919 йилги Конвенция, Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1920 йилги Конвенция, Қишлоқ хўжалигида энг кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенция ҳамда Флотда кўмир юкловчи ва ўт ёқувчилар учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенциянинг барча иштирокчилари уларни ратификация учун ёпишга рози бўлиб, мазкур Конвенцияни ратификация қилсалар ёки бу ҳақда Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига декларация жўнатсалар, ушбу Конвенциялар бундан кейинги ратификация учун ёпилади.

4. Агар мазкур Конвенция мажбуриятлари:

- a) Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (кайта кўриб чиқилган) Конвенция иштирокчиси бўлган Ташкилотнинг аъзоси томонидан қабул қилинса ва мазкур Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ энг кичик ёш ўн беш ёшдан кам қилиб белгиланмаган бўлса, у ҳолда қонуннинг ўз кучи билан, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (кайта кўриб чиқилган) Конвенциянинг дарҳол денонсация қилинишига олиб келади,
- b) Носаноат ишларда энг кичик ёш тўғрисидаги 1932 йилги Конвенция иштирокчиси бўлган Ташкилотнинг аъзоси томонидан носаноат ишларига нисбатан қабул қилинса, у ҳолда қонуннинг ўз кучи билан, Носаноат ишларда энг кичик ёш тўғрисидаги 1932 йилги Конвенциянинг дарҳол денонсация қилинишига олиб келади,
- c) Носаноат ишларда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (кайта кўриб чиқилган) Конвенция иштирокчиси бўлган Ташкилотнинг аъзоси томонидан носаноат ишларига нисбатан қабул қилинса ва мазкур Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ энг кичик ёш ўн беш ёшдан кам қилиб белгиланмаган бўлса, у ҳолда қонуннинг ўз кучи билан, Носаноат ишларда энг кичик ёш тўғрисидаги 1937 йилги (кайта кўриб чиқилган) Конвенциянинг дарҳол денонсация қилинишига олиб келади,
- d) Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1936 йилги (кайта кўриб чиқилган) Конвенция иштирокчиси бўлган Ташкилотнинг аъзоси томонидан денгиздаги ишларга нисбатан қабул қилинса ва мазкур Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ энг кичик ёш ўн беш ёшдан кам қилиб белгиланмаган бўлса, ёки Ташкилотнинг аъзоси мазкур Конвенциянинг 3-моддаси денгиздаги ишларга нисбатан қўлланилишини белгиллаган бўлса, у ҳолда қонуннинг ўз кучи билан, Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1936 йилги (кайта кўриб чиқилган) Конвенциянинг дарҳол денонсация қилинишига олиб келади,
- e) Балиқчилик учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1959 йилги Конвенция иштирокчиси бўлган Ташкилотнинг аъзоси томонидан денгизда балиқчилик соҳасидаги ишларга нисбатан қабул қилинса ва мазкур Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ энг кичик ёш ўн беш ёшдан кам қилиб белгиланмаган бўлса ёки Таш-

килотнинг аъзоси мазкур Конвенциянинг 3-моддаси денгизда балиқчилик соҳасидаги ишларга нисбатан қўлланилишини белгилаган бўлса, у ҳолда қонуннинг ўз кучи билан, Балиқчилар учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1959 йилги Конвенциянинг дарҳол денонсация қилинишига олиб келади,

- ф) Ер ости ишларига рухсат бериладиган энг кичик ёш тўғрисидаги 1965 йилги Конвенция иштирокчиси бўлган Ташкилотнинг аъзоси томонидан қабул қилинса ва мазкур Конвенция 2-моддасига мувофиқ энг кичик ёшни юқорида кўрсатилган 1965 йилги Конвенцияга мувофиқ белгиланган энг кичик ёшдан кам қилиб белгиланмаган бўлса ёки Ташкилотнинг аъзоси ушбу ёш мазкур Конвенциянинг 3-моддасига кўра шахталардаги ер ости ишларига рухсат бериш учун қўлланилишини белгилаган бўлса, у ҳолда қонуннинг ўз кучи билан, Ер ости ишларига рухсат бериладиган энг кичик ёш тўғрисидаги 1965 йилги Конвенциянинг дарҳол денонсация қилинишига олиб келади, фақат мазкур Конвенция кучга кирган бўлса.

5. Мазкур Конвенция мажбуриятларининг қабул қилиниши:

- а) ушбу Конвенциянинг 12-моддасига мувофиқ, Саноатда энг кичик ёш тўғрисидаги 1919 йилги Конвенциянинг денонсация қилинишига олиб келади,
- б) қишлоқ хўжалигига нисбатан, ушбу Конвенциянинг 9-моддасига мувофиқ, Қишлоқ хўжалигида энг кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенциянинг денонсация қилинишига олиб келади,
- с) денгиздаги ишларга нисбатан, ушбу Конвенциянинг 10-моддасига мувофиқ, Денгизда ишлаш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1920 йилги Конвенция ва ушбу Конвенциянинг 12-моддасига мувофиқ, Флотда кўмир юқловчи ва ўт ёқувчилар учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1921 йилги Конвенциянинг денонсация қилинишига олиб келади, фақат мазкур Конвенция кучга кирган бўлса.

11-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий хужжатлар рўйхатга олинмиши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

12-модда

1. Ушбу Конвенция факатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

14-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

15-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

16-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

17-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 13-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

18-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1999 йилнинг 1 июнида ўзининг 87-
Сессиясига тўпланиб,

миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларнинг, шу жумладан, халқаро
хамкорлик ва халқаро ёрдамнинг бош устувор тамойили сифатида
болалар меҳнатини тақиқлаш ва унинг энг ёмон шаклларида
барҳам бериш учун болалар меҳнати бўйича асосий ҳужжат бўлиб
қолаётган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1973
йилги Конвенция ва Тавсияни тўлдирадиган янги ҳужжатларни
қабул қилишни зарур деб ҳисоблаб,

болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида самарали барҳам
бериш шошилини ва ҳар томонлама саъй-ҳаракатларни — бепул
умумий таълим ҳамда болаларни шу турдаги барча ишлардан ҳа-
лос этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ва уларнинг оилалари
эҳтиёжларига йўналтирилган ҳолда уларнинг реабилитациясига ва
ижтимоий интеграциялашувига кўмаклашиш мақсадида, — талаб
этишини эътиборга олиб,

1996 йилда Халқаро Меҳнат Конференциясининг 83-Сессиясида
қабул қилинган болалар меҳнатига барҳам бериш тўғрисидаги резо-
люцияни эслатиб,

болалар меҳнати кўп жиҳатдан қашшоқлик оқибатида вужуд-
га келишини ва бу масаланинг узоқ муддатли ечими ижтимоий
таракқиётга олиб борадиган, хусусан, қашшоқликни тугатиш ва
универсал таълимни таъминлайдиган барқарор иқтисодий ўсишга
боғлиқлигини тан олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси то-
монидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари
тўғрисидаги Конвенцияни эслатиб,

Халқаро Меҳнат Конференциясининг 1998 йилдаги 86-Сессия-
сида қабул қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат соҳа-

сидаги асосий принциплари ва ҳуқуқлари Декларациясини ҳамда уларни амалга ошириш механизмини эслатиб,

болалар меҳнатининг айрим энг ёмон шакллари бошқа халқаро ҳужжатлар, хусусан Зўраки меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги Конвенция, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча Конвенцияси билан камраб олиншини эслатиб,

болалар меҳнатига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил июнь ойининг ўн еттинчи кунда қуйидаги «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси болалар меҳнатини тақиқлаш ва унинг энг ёмон шаклларига барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора-тадбирлар кўради.

2-модда

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «бола» атамаси 18 ёшгача бўлган барча шахсларга қўлланилади.

3-модда

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари» атамаси қуйидагиларни камраб олади:

- a) қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиёт, масалан, болаларни сотиш ва уларнинг траффики, қарз асосидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалардан қуроли можароларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбурлаб жалб қилиш;
- b) фоҳишабозлик билан шугулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;

- с) конунга хилоф фаолият билан шуғулланиш учун, хусусан, тегишли халқаро шартномаларда белгилангани каби, наркотиклар тайёрлаш ва сотиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;
- д) бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар.

4-модда

1. Миллий конун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг, 3-модданинг «д» кичик бандида кўрсатилган иш турлари белгиланади, бунда тегишли халқаро стандартлари, хусусан, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги Таъсиянинг 3- ва 4-бандлари қоидалари эътиборга олинади.

2. Ваколатли ҳокимият органи, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, шу тариқа белгиланган иш турлари мавжудлигини аниқлайди.

3. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ белгиланган иш турлари рўйхати мунтазам таҳлил қилиб борилади ва заруратга қараб меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, қайта кўриб чиқилади.

5-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилишининг назоратини амалга ошириш учун тегишли механизмлар яратади ёки бундай механизмларни белгилайди.

6-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси устувор тартибда болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги ҳаракат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

2. Бундай ҳаракат дастурлари тегишли ҳукумат идоралари ҳамда меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари билан маслаҳатлашиб ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, зарурат туғилган ҳолда бошқа тегишли гуруҳлар фикрлари эътиборга олинади.

7-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган қоидаларни самарали қўллаш ва уларга риоя этишни таъминлаш учун, шу жумладан, жинсий жавобгарликни жорий этиш ва қўллаш орқали ҳамда вазиятга қараб бошқа жазо чораларини қўллаш орқали барча зарур чора-тадбирларни кўради.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, болалар меҳнатига барҳам беришда таълимнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, белгиланган муддатларда қуйидагиларга йўналтирилган самарали чора-тадбирларни кўради:

- a) болаларни болалар меҳнатининг энг ёмон шакллариغا жалб этилишига йўл қўймасликка;
- b) болаларнинг болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан машғул бўлишларини тўхтатишга, шунингдек, уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий интеграциялаш учун зарурат ва талаб даражасида бевосита кўмаклашишга;
- c) болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида халос этилган барча болалар бепул умумий таълим олишлари, шунингдек, улар учун имконият даражасида ва заруратга қараб касбга ўқиш учун шароит яратилишига;
- d) алоҳида хавфли аҳволдаги болаларни аниқлаш ва қамраб олишга; ҳамда
- e) қизлар аҳволининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга.

3. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилиши учун масъул бўлган ваколатли ҳокимият органини тайинлайди.

8-модда

Ташкилотнинг аъзолари мазкур Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ этишда бир-бирига ёрдам бериш мақсадида, мукамал халқаро ҳамкорлик ва/ёки ёрдам орқали, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, кашшокликка қарши кураш бўйича дастурлар ҳамда универсал таълим орқали зарур чораларни кўрадилар.

9-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиниши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директориغا юборилади.

10-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларининггина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин 12 ой ўтгач кучга қиради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин 12 ой ўтгач кучга қиради.

11-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга қиради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳукукидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

12-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорини Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

13-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборди.

14-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киришиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

15-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 11-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

16-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги 111-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1958 йилнинг 4 июнида ўзининг Қирқ ик-
кинчи Сессиясига тўпланиб,

меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишга оид бир қанча так-
лифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартиби-
нинг тўртинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

Филадельфия Декларациясида «барча инсонлар ирки, эътиқоди
ёки жинсидан қатъий назар, иқтисодий барқарорлик ва тенг имко-
ният, эркинлик ва кадр-қимматлари таъминланган шароитида ўз
моддий фаровонлигига ва маънавий ривожига эришиш ҳуқуқига
эга» деб эълон қилинишини эътиборга олиб,

камситиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон
қилинган ҳуқуқларни бузишни ўз ичига олишини эътиборга олиб,

бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йил июнь ойининг йи-
гирма бешинчи кунда қуйидаги «Меҳнат ва иш турлари соҳасида
камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенция» деб номланиши
мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилади:

1-модда

1. Ушбу Конвенция мақсадларида «камситиш» атамаси
қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) ирк, тана ранги, жинс, дин, сиёсий қарашлар, миллий ман-
сублик ёки ижтимоий келиб чиқиш белгилари асосидаги,
меҳнат ёки иш турлари соҳасидаги муомала ёки имкони-
ятлар тенглигининг йўқолишига ёки путур етказилишига
олиб келувчи ҳар қандай фарқлаш, йўл қўймаслик ёки устун
қўйиш.

б) Ташкилотнинг тегишли аъзоси томонидан белгиланиши мумкин бўлган бошқа, меҳнат ёки иш турлари соҳасидаги муомала ёки имкониятлар тенглигининг йўқолишига ёки путур етказилишига олиб келувчи ва албатта иш берувчи ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан (агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса албатта) ва бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашган ҳолда фарқлаш, йўл қўймаслик ёки устун қўйиш.

2. Ўзига хос талабларга асосланган муайян ишга нисбатан фарқлаш, йўл қўймаслик ёки устун қўйиш камситиш деб ҳисобланмайди.

3. Ушбу Конвенция мақсадида «меҳнат» ва «иш турлари» атмалари касб ўрганиш имконига эга бўлишни, меҳнат ва муайян иш турларига эга бўлишни ва меҳнат соҳасидаги шарт-шароитларни ўз ичига олади.

2-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, миллий шароитга ва амалиётга мос келадиган усуллар орқали, меҳнат ва иш турларига нисбатан, шу соҳадаги ҳар қандай камситишни тугатиш мақсадида, муомала ва имконият тенглигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган миллий сиёсатни эълон қилиш ва амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, миллий шароитга ва амалиётга мос келадиган усуллар орқали қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) шу сиёсатнинг маъқулланиши ва унга риоя қилинишига кўмаклашишда иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари ва бошқа тегишли органлар ҳамкорлигини таъминлашга интилиш;
- б) шу сиёсатнинг маъқулланиши ва унга риоя қилинишини таъминлашга мўлжалланган тегишли қонунларни қабул қилиш ва тегишли таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш;
- с) шу сиёсатга мос келмайдиган ҳар қандай қонун-қоидаларни бекор қилиш ва ҳар қандай маъмурий қарорларни ва амалиётни ўзгартириш;

- d) иш билан таъминланиш соҳасидаги сиёсатни бевосита ҳукумат назорати остида амалга ошириш;
- e) касб танлаш, касбга ўқитиш ва иш билан таъминлаш соҳасидаги муассасалар фаолиятида шу сиёсатга, ҳукумат бошқаруви остида, риоя қилинишини таъминлаш;
- f) шу сиёсатга биноан амалга оширилган тадбирларни ва шулар туфайли эришилган натижаларни ўзининг ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ҳар йилги маърузаларида кўрсатиш.

4-модда

Давлатнинг хавфсизлигига путур етказувчи фаолиятда иштирок этган ёки иштирок этганликда гумон қилинувчи шахсга қарши қаратилган ҳар қандай чоралар, агар ушбу шахс миллий амалиётга мувофиқ мавжуд ваколатли органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлса, камситиш деб ҳисобланмайди.

5-модда

1. Халқаро Меҳнат Конференцияси томонидан қабул қилинган бошқа конвенциялар ва тавсияларда кўзда тутилган ҳимоя ёки ёрдам бериш бўйича алоҳида чоралар камситиш деб ҳисобланмайди.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, иш берувчи ва меҳнатқашларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашган ҳолда (агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса албатта), жинс, ёш, жисмоний нуқсонлар, оилавий мажбуриятлар ёки ижтимоий ё маданий савиясига кўра, одатда алоҳида ҳимоя ёки ёрдамга муҳтож деб қараладиган шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа алоҳида чораларни камситиш деб ҳисобланмаслигини белгилаши мумкин.

6-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави қоидаларига мувофиқ, уни метрополиядан ташқари ҳудудларда қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиниши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директориغا юборилади.

8-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

10-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

11-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборди.

12-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

13-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 9-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

14-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 100-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1951 йилнинг 6 июнида ўзининг Ўттиз
тўртинчи Сессиясига тўпланиб,

тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг
ҳақ тўлаш принципига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга
қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг еттинчи банди
ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз эллик биринчи йил июнь ойининг йигир-
ма тўққизинчи кунда қуйидаги «Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951
йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни
қабул қилди:

1-модда

Ушбу Конвенция мақсади учун:

- a) «ҳақ тўлаш» атамаси иш берувчи томонидан меҳнаткашга
тўланадиган ва меҳнаткашнинг иш билан таъминланганли-
ги натижасида вужудга келган, тўғридан-тўғри ёки билво-
сита, нақд ёки шунга ўхшаш йўл билан амалга оширилади-
ган, одатдаги, асосий ёки минимал иш ҳақини ва қўшимча
тўловларни ўз ичига олади;
- b) «тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга
тенг ҳақ тўлаш» атамаси жинс асосида камситмай белгила-
надиган ҳақ тўлаш миқдори маъносини англатади.

2-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ҳақ тўлаш миқдорини белги-
лашнинг амалдаги усулларига мос келадиган воситалар орқали, бар-

ча меҳнаткашларга нисбатан тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципининг қўлланилишини қўллаб-қувватлайди ва шу усулларга мос даражада таъминлайди.

2. Бу принцип куйидаги воситалар орқали қўлланилиши мумкин:

- a) миллий қонун ҳужжатлари;
- b) қонун томонидан белгиланган ёки тан олинган иш ҳақини белгиловчи механизм;
- c) иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасидаги жамоа шартномалари; ёки
- d) ушбу турли воситаларни қўшиб ишлатиш.

3-модда

1. Бундай ҳаракатлар ушбу Конвенция қоидаларининг амалга оширилишига ёрдам берадиган ҳолларда, бажариладиган меҳнат асосида ишнинг ҳолис баҳоланишини таъминлашга қаратилган чоралар кўрилади.

2. Бундай баҳолашнинг усуллари, ҳақ тўлаш миқдорларини белгилашга масъул бўлган ҳокимият органлари томонидан танланиши мумкин ёки, агар миқдорлар жамоа шартномалари томонидан белгиланадиган бўлса, ушбу шартноманинг иштирокчилари томонидан танланиши мумкин.

3. Меҳнаткашлар ўртасидаги меҳнат ҳақининг фарқ миқдори, жинсидан қатъий назар, бажариладиган меҳнатни ҳолис баҳолаш орқали белгиланадиган фарққа мос бўлгани каби, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципига қарама-қарши қилиб белгиланмайди.

4-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ушбу Конвенциянинг қоидаларини амалга ошириш мақсадида иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан керакляча ҳамкорлик қилади.

5-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиниши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

6-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик, ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

7-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 2-бандига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда қуйидагилар кўрсатилади:

- a) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришларсиз қўлланилишини зиммасига олиши;
- b) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришлар билан қўлланилишини зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;
- c) қайси ҳудудларга нисбатан Конвенция қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- d) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини, бу ҳолат келгусида кўриб чиқилгунга қадар, саклаб туриши.

2. Ушбу модда 1-бандининг «a» ва «b» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «b», «c» ёки «d» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 9-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар

қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

8-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 4- ва 5-бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатилади; агар декларацияда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, у ҳолда ўзгартиришларнинг тафсилоти ҳам берилади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали, тегишли ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларациясида кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 9-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга қиради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур

модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

10-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

11-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар коидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

12-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киришиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

13-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи коидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 9-модда коидаларидан қатъий назар, мазкур

Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

в) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

14-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН КОНВЕНЦИЯЛАРИ

Мехнат инспекцияси тўғрисидаги 1947 йилги 81-Конвенция

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Бош конференцияси Халқаро Мехнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан Сан-Францискода чақирилиб ва 1947 йилнинг 19 июнида ўзининг Ўттинчи Сессиясига тўпланиб,

саноат ва савдода меҳнат инспекциясини ташкил қилинишига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз қирқ еттинчи йил июль ойининг биринчи кунда қуйидаги «Мехнат инспекцияси тўғрисидаги 1947 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1 БЎЛИМ. САНОАТДА МЕХНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

1-модда

Халқаро Мехнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, саноат иш жойларида меҳнат инспекцияси тизимига эга бўлиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

1. Саноат иш жойларидаги меҳнат инспекцияси тизими, қўлланилиши меҳнат инспекторлари томонидан таъминланадиган меҳнат шароитларига доир ва иш жараёнида меҳнаткашларни муҳофаза қилишга доир қонун-қоидалар қўлланиладиган барча иш жойларини қамраб олади.

2. Миллий қонун ҳужжатлари ушбу Конвенция қўлланилиши доирасидан тоғ-кон саноати ва транспорт корхоналарини ёки уларнинг бир қисмини чиқариши мумкин.

3-модда

1. Меҳнат инспекцияси тизими вазифаларига қуйидагилар қиради:

- а) меҳнат шароитларига ва иш жараёнида меҳнаткашлар хавфсизлигини таъминлашга доир қонун-қоидалар, яъни иш вақти, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, фаровонликни таъминлаш, болалар ва ўсмирларни ишга ёллаш ва бошқа шу каби масалалар соҳасига доир қонун-қоидалар, қанчалик меҳнат инспекторлари томонидан қўлланилиши таъминланса, шу даражада бу қонун-қоидаларнинг татбиқ қилинишини муҳофаза қилиш;
- б) иш берувчилар ва меҳнаткашларни қонун-қоидаларга риоя этишнинг энг самарали воситалари тўғрисидаги техник ахборот ва тавсиялар билан таъминлаш;
- в) ваколатли ҳокимият органи эътиборига мавжуд қонун-қоидалар қамрови доирасига алоҳида кирмайдиган камчиликлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳолларини етказиш.

2. Агар меҳнат инспекторларига бошқа вазифа топширилса, бу уларнинг асосий вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак ёки инспекторлар обрўйи ва уларнинг иш берувчилар ва меҳнаткашлар билан муносабатларида талаб этиладиган ҳолислигига таъсир қилмаслиги керак.

4-модда

1. Меҳнат инспекцияси Ташкилот аъзосининг маъмурий амалиёти қай даражада имкон берса, шу даражада марказий ҳокимият органининг кузатуви ва назорати остида бўлади.

2. Федератив давлат бўлган ҳолда «марказий ҳокимият органи» атамаси ёки федерал ҳокимият органини ёки федерация бирор таркибий қисмининг марказий органини англатиши мумкин.

5-модда

Ваколатли ҳокимият органи қуйидагиларга қўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради:

- a) бир томондан, инспекция хизматлари, иккинчи томондан бошқа ҳукумат хизматлари, шунингдек мазкур турдаги фаолиятни амалга ошираётган давлат ва хусусий муассасалар ўртасида самарали ҳамкорликка;
- b) меҳнат инспекцияси хизматчилари ҳамда иш берувчилар ва меҳнаткашлар ёки уларнинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликка.

6-модда

Инспекция штати давлат хизматчиларидан, яъни мақоми ва хизмат шароити лавозимини барқарор эгаллаб туришга кафолат берадиган ҳамда ҳукуматдаги ҳар қандай ўзгаришлар таъсиридан ёки ҳар қандай ташқи таъсирдан холи бўлишни талаб этадиган давлат хизматчиларидан иборат бўлади.

7-модда

1. Давлат хизматчиларини ишга жалб қилиш соҳасидаги шартларга риоя этган ҳолда, хусусан, шу соҳада миллий конун ҳужжатлари томонидан белгиланиши мумкин бўлган шартларга риоя этган ҳолда, меҳнат инспекторлари лавозимига мазкур лавозим вазифасини бажариш учун талаб этиладиган етарли малакага эга бўлган номзодлар жалб қилинади.

2. Мазкур малакани текшириш услублари ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланади.

3. Меҳнат инспекторлари ўз вазифаларини амалга ошириш учун тегишли тайёргарликдан ўтадилар.

8-модда

Инспекция штати таркибига эркаклар ҳам, аёллар ҳам тайинланиши мумкин; зарур ҳолларда эркак ва аёл инспекторлар зиммасига алоҳида вазифалар юклатилиши мумкин.

9-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, меҳнаткашларнинг иш жараёнида соғлиғини сақлашга ва хавфсизлигига оид конун-қоидалар ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлаш мақсадида ҳамда меҳнаткашлар саломатлиги ва хавфсизлигига ишлаш услублари, усқуналари ва

жараёнларининг таъсирини аниқлаш мақсадида, инспекция ишига тегишли малакали экспертлар ва мутахассислар, шу жумладан, тиббиёт, механика, электр ва кимё бўйича мутахассислар, миллий шароитга энг мақбул деб эътироф этиладиган тарзда, жалб этилишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўради.

10-модда

Мехнат инспекторлари сони инспекция хизматининг вазифалари самарали амалга оширилишини таъминлаш учун етарли бўлиши керак ва улар сони қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак:

- a) инспекторлар бажариши зарур бўлган вазифалар муҳимлигини, хусусан:
 - i) инспекция назорати остидаги иш жойлари сони, уларнинг хусусияти, кўлами ва жойлашини;
 - ii) ушбу иш жойларида банд бўлган меҳнаткашлар сони ва тоифаларини;
 - iii) ҳаётга татбиқ қилиниши зарур бўлган қонун-қондалар миқдори ва мураккаблигини;
- b) инспекторлар ихтиёрига берилган моддий воситаларни; ва
- c) инспекция ташрифлари амалга оширилиши самарали бўлиши учун мақсадга мувофиқ бўлган амалий шароитни.

11-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи меҳнат инспекторлари тасарруфида қуйидагилар бўлиши учун зарур чораларни кўради:

- a) инспекция хизмати эҳтиёжларига мос равишда жиҳозланган ва барча тегишли шахслар учун очиқ бўлган маҳаллий бюро;
- b) керакли жамоат транспорт воситалари йўқ бўлган ҳолларда уларнинг ўз функцияларини амалга ошириши учун зарур бўлган транспорт воситалари.

2. Ваколатли ҳокимият органи меҳнат инспекторлари ўз функцияларини амалга ошириши учун уларга зарур бўлган ҳар қандай сафар ва қўшимча харажатларини қоплаш мақсадида зарур чораларни кўради.

12-модда

1. Мехнат инспекторлари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат билан таъминланган ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- a) инспекция назорати билан камраб олинган ҳар қандай иш жойига олдиндан огоҳлантирмасдан ва хоҳлаган вақтда ҳеч бир тўсиксиз кириш;
- b) улар томонидан барча биноларга, яъни инспекция қилиш учун етарли асос бор деб ҳисобланган барча биноларга қундузги вақтда кириш;
- c) қонун-қоидаларга тўғри риоя этилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун улар зарур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай текшириш ва суриштиришлар ўтказиш, хусусан:
 - i) яккама-якка ёки гувоҳлар иштирокида, иш берувчилар ёки корхона персоналига қонун-қоидалар қўлланилишига доир ҳар қандай савол бериш;
 - ii) меҳнат шароитларига оид миллий қонун ҳужжатларида сақланиши кўзда тутилган ҳар қандай китоблар, рўйхатлар ёки ҳужжатлар ёрдамида иш олиб борилишини — уларни қонун-қоидаларга мувофиқ эканлигини кўриш ва улардан нусха олиш ёки айрим жойларини кўчириш мақсадида — талаб қилиш;
 - iii) қонун-қоидаларда талаб қилинганидек эълонлар осилишини талаб қилиш;
 - iv) иш берувчини ёки унинг вакилини текшириш мақсадлари ҳақида огоҳ қилган ҳолда, фойдаланилаётган ёки ишлов берилаётган материаллар ва моддалар намуналарини текшириш учун олиш.

2. Инспекция ташрифи ҳолларида инспекторлар, агар бу назорат ишига зиён етказмайди деб ҳисобласалар, иш берувчи ёки унинг вакилини бу ташриф ҳақида огоҳлантирадилар.

13-модда

1. Мехнат инспекторларига иншоот, ускуна ёки ишлаш усулларида аниқланган ва меҳнатқашлар соғлиги ёки хавфсизлигига хавф солувчи деб ҳисобланишига етарли асос туғдирувчи нуқсонларни тўғрилаш мақсадида чора кўриш учун ваколат берилади.

2. Мехнат инспекторлари шундай чоралар кўриш имкониятига эга бўлишлари учун, қонунда кўзда тутилиши мумкин бўлган суд

ёки маъмурий ҳокимият органларига шикоят қилиш ҳуқуқига риоя этилган ҳолда, уларга қуйидагилар бўйича фармойишлар чиқариш ёки чиқарилишини талаб қилиш ваколати берилади:

- a) муайян вақт чегарасида қурилма ёки иншоотга меҳнаткашлар соғлиги ёки хавфсизлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун-қоидаларга мос бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган ўзгартириш киритиш бўйича;
- b) меҳнаткашлар соғлиги ёки хавфсизлигига бевосита хавф туғилган ҳолатда дарҳол ижро этилиши шарт бўлган чоралар бўйича.

3. Агар 2-бандда белгиланган тартиб Ташкилот аъзосининг маъмурий ва суд амалиётига мувофиқ келмаса, инспекторлар ваколатли ҳокимият органига дарҳол ижро этилиши шарт бўлган фармойишлар чиқарилиши учун ёки чоралар кўрилиши учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

14-модда

Меҳнат инспекциясига, миллий қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида маълум қилинади.

15-модда

Миллий қонун ҳужжатларида кўзда тугилиши мумкин бўлган истисноларга риоя этилган ҳолда меҳнат инспекторларига:

- a) ўз назоратида бўлган корхоналардан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиш ман этилади;
- b) тегишли жазога тортилиши ёки маъмурий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирилган ҳолда, ўз вазифаларини бажариш пайтида танишишлари мумкин бўлган ишлаб чиқариш ёки тижорат сирларини, ёки ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақидаги маълумотларни, ҳатто лавозимидан кетгандан сўнг ҳам, ошкор қилмаслик мажбурияти юклатилади;
- c) камчиликлар ёки қонун-қоидалар бузилиши юзасидан ҳар қандай шикоят манбасини мутлақо сир тутиш мажбурияти ҳамда иш берувчи ёки унинг вакилига инспекция ташрифи ана шундай шикоят тушиши муносабати билан ўтказилганлиги тўғрисида асло билдирмаслик мажбурияти юклатилади.

16-модда

Иш жойлари тегишли қонун-қоидаларнинг самарали қўлланилишини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда ва синчковлик билан инспекция қилинади.

17-модда

1. Қўлланилиши меҳнат инспекторлари томонидан таъминланадиган қонун-қоидаларни бузаётган ёки уларга риоя этишдан бош тортаётган шахслар, олдиндан огоҳлантирилмасдан, дарҳол суд таъкибига олинади. Лекин миллий қонун ҳужжатларида суд ҳимоясини ёки профилактика чораларини амалга ошириш учун олдиндан огоҳлантирувчи ҳолларга нисбатан истиснолар кўзда тутилиши мумкин.

2. Меҳнат инспекторлари суд таъкибини бошлаш ёки тавсия қилиш ўрнига огоҳлантириш ва маслаҳат бериш кераклигини ўзлари ҳал қиладилар.

18-модда

Миллий қонун ҳужжатларида қўлланилиши меҳнат инспекторлари томонидан таъминланадиган қонун-қоидаларни бузганлик учун ҳамда меҳнат инспекторларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда тўсқинлик қилинишига қарши тегишли жазо чоралари кўзда тутилиши керак, шу билан бирга, улар ҳаётга самарали татбиқ қилиниши лозим.

19-модда

1. Меҳнат инспекторларидан ёки маҳаллий инспекция бюроларидан, вазиятга қараб, марказий инспекция органига ўз инспекция фаолияти натижалари тўғрисидаги маърузаларни мунтазам тақдим этиш талаб этилади.

2. Ушбу маърузалар марказий орган кўрсатмасига мувофиқ тузилади ва вақти-вақти билан ушбу орган томонидан кўрсатиладиган масалаларни қамраб олади; ушбу маърузалар марказий орган талаб қилган муддатларда ва ҳар қандай ҳолда йилига камида бир марта тақдим этилади.

20-модда

1. Марказий инспекция органи унинг назорати остидаги инспекция хизматлари фаолияти тўғрисида умумий ҳар йилги маърузаларни чоп этиб боради.

2. Ушбу маърузалар мақбул муддатларда, маърузаларга тааллуқли йил якунида ва ҳар қандай ҳолда ўн икки ой ичида чоп этилади.

3. Ҳар йилги маърузаларнинг нусхалари чоп этилгандан сўнг мақбул муддатда ва ҳар қандай ҳолда уч ой ичида Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директориға юборилади.

21-модда

Марказий инспекция органи томонидан чоп этиладиган ҳар йилги маърузаларда мазкур орган назорати доираси чегарасида қуйидаги ва бошқа муҳим масалалар тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинади:

- a) инспекция хизмати фаолиятиға доир қонун ҳужжатлари;
- b) меҳнат инспекцияси хизматидаги меҳнаткашлар штати;
- c) инспекция назорати билан қамраб олинган иш жойлари тўғрисида ҳамда ушбу иш жойларида ёлланган меҳнаткашлар сони тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- d) инспекция ташрифлари тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- e) содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва қўлланилган жазо чоралари тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- f) ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- g) касб касалликлари билан оғриш тўғрисидаги статистик маълумотлар.

II БЎЛИМ. САВДОДА МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

22-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенциянинг мазкур Бўлими унга нисбатан кучға кирган бўлса, савдо билан боғлиқ иш жойларида меҳнат инспекцияси тизимиға эға бўлиш мажбуриятини ўз зиммасиға олади.

23-модда

Савдо билан боғлиқ иш жойларидаги меҳнат инспекцияси тизими қўлланилиши меҳнат инспекторлари томонидан таъминланадиган меҳнат шароитларига доир ва иш жараёнида меҳнаткашларни муҳофаза қилишга доир қонун-қоидалар қўлланиладиган иш жойларини қамраб олади.

24-модда

Савдо билан боғлиқ иш жойларидаги меҳнат инспекцияси тизими, мазкур Конвенция 3-21-моддалари талаблари қай даражада қўлланилса, шу даражада мазкур талабларга мос бўлиши керак.

III БЎЛИМ. ТУРЛИ ҚОИДАЛАР

25-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинган декларацияси орқали, II Бўлимни ушбу Конвенциянинг қабул қилишидан чиқариб ташлаши мумкин.

2. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, шунга ўхшаш декларация қилган бўлса, исталган пайтида, навбатдаги декларация орқали уни бекор қилиши мумкин.

3. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, унга нисбатан ушбу модданинг I-бандига мувофиқ тайёрланган декларацияси кучда бўлса, ҳар йили, ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг ҳар йилги маърузаларида мазкур Конвенция II Бўлими қоидаларига нисбатан ўз қонунчилиги ва амалиётининг ҳолатини ва ушбу қоидалар қай даражада қўлланилаётгани ёки уларни қўллаш кўзда тутилаётганини кўрсатади.

26-модда

Ушбу Конвенция қайсидир корхона, корхона бўлими ёки хизмати, ёки иш жойига қўлланилиши бўйича шубҳа туғилаётган ҳар қандай ҳолда, мазкур масала ваколатли ҳокимият органи томонидан ҳал қилинади.

27-модда

Мазкур Конвенцияда «қонун-қоидалар» атамаси қонун ҳужжатларидан ташқари қонун кучига эга, қўлланилиши меҳнат инспекторлари томонидан таъминланиши керак бўлган арбитраж суд қарорлари ва жамоа шартномаларини ҳам ўз ичига олади.

28-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддаси қоидаларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳар йилги маърузаларга ушбу Конвенциянинг қоидаларини ҳаётга татбиқ қилувчи қонун ҳужжатлари тўғрисида тўла маълумотлар киритилади.

29-модда

1. Агар Ташкилот аъзосининг ҳудуди ўз ичига йирик ҳудудларни камраб олса ва ваколатли ҳокимият органи, мазкур ҳудудлардаги аҳоли тарқоқлигини ёки ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, ушбу Конвенция қоидаларини қўллашнинг амалда иложи йўқ, деб ҳисобласа, мазкур ваколатли ҳокимият органи мазкур ҳудудларни ушбу Конвенция қўлланилиши доирасидан тўлиқ чиқариб ташлаши мумкин ёки баъзи корхоналар, ёки айрим иш турларига нисбатан ўз фикрича мақсадга мувофиқ бўлган истиснолар билан чиқариши мумкин.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига биноан тақдим этиладиган, ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг биринчи ҳар йилги маърузасида, ушбу модданинг қоидаларидан фойдаланишни мўлжаллаган ҳар бир ҳудуд тўғрисида хабар беради ва шу қоидалардан нимага фойдаланишни мўлжаллаганлик сабабларини кўрсатади. Ташкилотнинг ҳеч бир аъзоси, биринчи ҳар йилги маърузаси тақдим этилганидан сўнг, шу маърузада кўрсатилган ҳудудлардан ташқари бошқа ҳудудларга мазкур модда қоидаларини қўллай олмайди.

3. Ушбу модда қоидаларидан фойдаланадиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўзининг навбатдаги ҳар йилги маърузаларида қайси ҳудудларга нисбатан мазкур модда қоидаларини ишлатиш ҳуқуқидан воз кечганлиги тўғрисида хабар қилади.

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига, ратификациядан кейин имкони борича қисқа муддатда, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 1946 йилги акти билан ўзгартиришлар киритилган Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 35-моддасида кўзда тутилган ҳудудларга нисбатан (ушбу Уставнинг 35-моддасининг 4- ва 5-бандларида кўзда тутилган ҳудудлардан ташқари) қуйидагиларни билдирадиган декларацияни юборади:

- a) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришларсиз қўлланилишини зиммасига олиши;
- b) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришлар билан қўлланилишини зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;
- c) қайси ҳудудларга нисбатан Конвенция қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- d) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини сақлаб туриши.

2. Ушбу модда 1-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «b», «c» ёки «d» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 34-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

31-модда

1. Ушбу Конвенцияда назарда тутилган масалалар ҳар қандай метрополиядан ташқаридаги автоном ҳокимиятларга тегишли бўлганда, шундай ҳудуднинг халқаро муносабатлари учун жавобгар

бўлган Ташкилот аъзоси, шу ҳудуднинг ҳукумати билан келишиб, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директориға шу ҳудуд номидан мазкур Конвенция мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисидаги декларацияни юбориши мумкин.

2. Ушбу Конвенция мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисидаги декларация Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директориға юбориши мумкин:

- a) ташкилотнинг икки ёки ундан кўп аъзоси томонидан уларнинг биргаликдаги бошқаруви остида бўлган ҳар қандай ҳудудлар бўйича; ёки
- b) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ ҳар қандай ҳудудни бошқаришга ёки бошқа шунга ўхшаш ҳудудни бошқаришга жавобгар бўлган ҳар қандай халқаро даражадаги масъул томонидан.

3. Ушбу модданинг айтиб ўтилган бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директориға юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатилади; агар декларацияда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, у ҳолда ўзгартиришларнинг тафсилоти ҳам берилди.

4. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали, тегишли ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларациясида кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

5. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 34-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директориға ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

IV БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

32-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директориға юборилди.

33-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

34-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга қиради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

35-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

36-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборди.

37-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

38-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 34-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

39-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1969 йилги 129-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1969 йилнинг 4 июнида ўзининг Эллик
учинчи Сессиясига тўпланиб,

Меҳнат инспекцияси соҳасидаги мавжуд халқаро меҳнат конвен-
циялари қоидаларини, хусусан, саноат ва савдода қўлланиладиган
Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 1947 йилги Конвенция ҳамда
қишлоқ хўжалик корхоналарининг чекланган тоифаларини
қамраб оладиган Экинзорлар тўғрисидаги 1958 йилги Конвенция
қоидаларини эътиборга олган ҳолда,

қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекциясини кўзда тутувчи
халқаро стандартлар бўлиши мақсадга мувофиқлигини ҳисобга
олиб,

қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекциясига оид бир қанча так-
лифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартиби-
нинг тўртинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз олтмиш тўққизинчи йил июнь ойининг
Йигирма бешинчи кунда қуйидаги «Қишлоқ хўжалигида меҳнат
инспекцияси тўғрисидаги 1969 йилги Конвенция» деб номланиши
мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Мазкур Конвенцияда «қишлоқ хўжалик корхонаси» атамаси
ерга ишлов бериш, чорвачилик, шу жумладан, мол боқиш ва парва-
риш қилиш, ўрмон хўжалиги, боғдорчиликни, дехқонларнинг ўзлари
томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта иш-
лаш ёки қишлоқ хўжалик фаолиятининг бошқа ҳар қандай турлари
билан шуғулланадиган корхоналарни ёки корхоналар бўлимларини
англатади.

2. Зарур бўлган ҳолларда, ваколатли ҳокимият органи тегишли иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг энг ваколатли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашувдан сўнг, бирорта ҳам қишлоқ хўжалик корхонаси миллий меҳнат инспекцияси тизими қамровидан четлатилишига йўл қўйилмасдан, қишлоқ хўжалигини саноат ва савдодан ажратувчи чегарани белгилайди.

3. Ушбу Конвенция қайсидир бир корхона ёки корхона бир қисмига қўлланилиши бўйича шубҳа туғилаётган ҳар қандай ҳолда, мазкур масала ваколатли ҳокимият органи томонидан ҳал қилинади.

2-модда

Мазкур Конвенцияда «қонун-қоидалар» атамаси қонун ҳужжатларидан ташқари қонун кучига эга, қўлланилиши меҳнат инспекторлари томонидан таъминланиши керак бўлган арбитраж суд қарорлари ва жамоа шартномаларини ҳам ўз ичига олади.

3-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тизимига эга бўлиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4-модда

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тизими, меҳнаткашларни ёллайдиган ёки шогирдлик усулида жалб қиладиган қишлоқ хўжалик корхоналарига нисбатан, уларнинг меҳнаткашларига ҳақ тўланиши, шартнома тури, шакли ва давомийлиги қандай бўлишидан қатъий назар, қўлланилади.

5-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинадиган декларацияда ўз зиммасига қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тизимини қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат қилаётган шахсларнинг қуйидаги бир ёки бир неча тоифаларга нисбатан ҳам қўллаш мажбуриятини олиши мумкин:

- a) ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган ижарачилар, пайчилар ва шу каби тоифалардаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига;
- b) жамоа хўжалигида иштирок этувчи шахслар, масалан кооператив аъзоларига;
- c) миллий қонун ҳужжатларида белгилангани каби қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари оиласининг аъзоларига.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси кейинчалик, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига аввалги декларациясига мувофиқ ҳали қамраб олинмаган, ушбу модданинг юқоридаги бандида қайд этилган шахсларнинг бир ёки бир неча тоифаларига нисбатан қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тизимини қўллаш мажбуриятини олиш бўйича декларация юбориши мумкин.

3. Мазкур Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 22-моддасига мувофиқ тақдим этадиган маърузаларида, 1-бандда кўрсатилган ва аввалги декларацияга биноан қамраб олинмаган шахслар тоифаларига нисбатан Конвенция қоидаларини қай даражада қўллаётгани ёки қўллашни мўлжаллаётгани тўғрисида маълум қилади.

6-модда

1. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тизими вазифаларига қуйидагилар қиради:

- a) меҳнат шароитларига ва иш жараёнида меҳнаткашлар ҳавфсизлигини таъминлашга доир қонун-қоидалар, яъни иш вақти, иш ҳақи, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, таътиллар, меҳнат ҳавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, фаровонликни таъминлаш, аёллар, болалар ва ўсмирларни ишга ёллаш ва бошқа шу каби масалалар соҳасига доир қонун-қоидалар, қанчалик меҳнат инспекторлари томонидан қўлланилиши таъминланса, шу даражада бу қоидаларнинг татбиқ қилинишини муҳофаза қилиш;
- b) иш берувчилар ва меҳнаткашларни қонун-қоидаларга риоя этишнинг энг самарали воситалари тўғрисидаги техник ахборот ва тавсиялар билан таъминлаш;
- c) ваколатли ҳокимият органи эътиборига мавжуд қонун-қоидалар қамрови доирасига алоҳида кирмайдиган камчиликлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳолларини етказиш ҳамда улар-

га қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдим этиш.

2. Миллий қонун ҳужжатлари қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари зиммасига меҳнатқашлар ва уларнинг оилалари турмуш шароитига тааллуқли қонун-қоидаларни қўллаш бўйича функцияларни ва маслаҳат бериш функцияларини юклаши мумкин.

3. Агар қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторларига бошқа вазифа топширилса, бу уларнинг асосий вазифаларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак ёки инспекторлар обрўйи ва уларнинг иш берувчилар ва меҳнатқашлар билан муносабатларида талаб этиладиган ҳолиселигига таъсир қилмаслиги керак.

7-модда

1. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси Ташкилот аъзо-сининг маъмурий амалиёти қай даражада имкон берса, шу даражада марказий органнинг кузатуви ва назорати остида бўлади.

2. Федератив давлат бўлган ҳолда «марказий орган» атамаси федерациянинг марказий органини ёки федерация бирор таркибий қисмининг марказий органини англатиши мумкин.

3. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси, жумладан, қуйидагилар томонидан амалга оширилиши мумкин:

- а) хўжалик фаолиятининг барча томонлари учун масъул бўлган меҳнат инспекциясининг махсус меҳнат инспекцияси бўлими томонидан;
- б) қишлоқ хўжалигида ўз функцияларини бажарувчи инспекторларнинг тегишли тайёргарлиги орқали ички функциявий ихтисослашувни ташкил этадиган махсус меҳнат инспекцияси бўлими томонидан;
- в) қишлоқ хўжалигида ўз функцияларини бажарувчи хизматчиларга эга бўлган техник жиҳатдан малакали хизматнинг таъсис этилиши орқали ички таркибий ихтисослашувни ташкил этадиган махсус меҳнат инспекцияси бўлими томонидан;
- д) ёки ихтисослашган қишлоқ хўжалиги инспекция хизмати томонидан, бу ҳолда ушбу инспекция хизмати фаолияти бошқа соҳаларда, масалан, саноатда, транспортда ва савдодаги меҳнат инспекцияси каби ваколатларга эга бўладиган марказий орган томонидан назорат қилинади.

8-модда

1. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси штати давлат хизматчиларидан, яъни мақоми ва хизмат шароити лавозимини барқарор эгаллаб туришга кафолат берадиган ҳамда ҳукуматдаги ҳар қандай ўзгаришлар таъсиридан ёки ҳар қандай ташқи таъсирдан холи бўлишни талаб этадиган давлат хизматчиларидан иборат бўлади.

2. Ташкилот аъзолари, миллий қонун ҳужжатларига ёки амалиётга қай даражада мувофиқлигига қараб, қишлоқ хўжалигидаги ўз меҳнат инспекцияси тизимига, фаолияти давлат инспекция штати фаолиятини тўлдирадиган, қасаба ташкилотларнинг меҳнатқашлари ёки вакилларини киритишлари мумкин; мазкур меҳнатқашлар ва вакилларга лавозимини барқарор эгаллаб туришга кафолат берилди ҳамда улар ташқи таъсирдан мустақил бўлади.

9-модда

1. Давлат хизматчиларини ишга жалб қилиш соҳасидаги шартларга риоя этган ҳолда, хусусан, шу соҳада миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланиши мумкин бўлган шартларга риоя этган ҳолда, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари лавозимига мазкур лавозим вазифасини бажариш учун талаб этиладиган етарли малакага эга бўлган номзодлар жалб қилинади.

2. Мазкур малакани текшириш услублари ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланади.

3. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари ўз вазифаларини амалга ошириш учун тегишли тайёргарликдан ўтадилар.

10-модда

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси штати таркибига эркаклар ҳам, аёллар ҳам тайинланиши мумкин; зарур ҳолларда эркак ва аёл инспекторлар зиммасига алоҳида вазифалар юклатилиши мумкин.

11-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси ишига тегишли малакали, техник билимларни талаб

этувчи муаммоларни ҳал этишда ёрдам бера оладиган экспертлар ва мутахассислар, миллий шароитга энг мақбул деб эътироф этиладиган тарзда, жалб этилишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўради.

12-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи, бир томондан — қишлоқ хўжалигидаги инспекция хизматлари, иккинчи томондан — бошқа ҳукумат хизматлари ва мазкур турдаги фаолиятни амалга ошираётган жамоат муассасалари ёки тан олинган муассасалар ўртасида самарали ҳамкорликка кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради.

2. Зарур ҳолларда, ваколатли ҳокимият органи инспекциянинг айрим функцияларини тегишли ҳукумат хизматлари ёки жамоат муассасаларига минтақавий ёки маҳаллий даражада ёрдам кўрсатиш асосида топшириши мумкин, ёки ушбу хизмат ёки муассасаларни мазкур функцияларни бажаришга жалб этиши мумкин. Лекин бунда мазкур Конвенциянинг принциплари қўлланилишига зарар етмаслиги керак.

13-модда

Ваколатли ҳокимият органи қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси хизматчилари ҳамда иш берувчилар ва меҳнаткашлар ёки уларнинг ташкилотлари (агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса) ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради.

14-модда

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари сони инспекция хизматининг вазифалари самарали амалга оширилишига эришиш учун етарли бўлишини таъминлаш мақсадида чоралар кўрилади ҳамда улар сони куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади:

- а) инспекторлар бажариши зарур бўлган вазифалар муҳимлигини, хусусан:
 - і) инспекция назорати остидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари сони, уларнинг хусусияти, кўлами ва жойлашишини;
 - іі) ушбу иш жойларида банд бўлган шахслар сони ва тоифаларини;

- iii) ҳаётга татбиқ қилиниши зарур бўлган қонун-қоидалар миқдори ва мураккаблигини;
- b) инспекторлар ихтиёрига берилган моддий воситаларни; ва
- c) инспекция ташрифлари амалга оширилиши самарали бўлиши учун мақсадга мувофиқ бўлган амалий шароитни.

15-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари тасарруфида қуйидагилар бўлиши учун зарур чораларни кўради:

- a) қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг жўгрофий жойлашиши ва мавжуд алоқа воситалари ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилган, инспекция хизмати эҳтиёжларига мос равишда жиҳозланган ҳамда имконият даражасида барча тегишли шахслар учун очиқ бўлган маҳаллий бюро;
- b) керакли жамоат транспорт воситалари йўқ бўлган ҳолларда уларнинг ўз функцияларини амалга ошириши учун зарур бўлган транспорт воситалари.

2. Ваколатли ҳокимият органи қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари ўз функцияларини амалга ошириши учун уларга зарур бўлган ҳар қандай сафар ва қўшимча харажатларини қоплаш мақсадида зарур чораларни кўради.

16-модда

1. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат билан таъминланган ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- a) инспекция назорати билан қамраб олинган ҳар қандай иш жойига олдиндан огоҳлантирмасдан ва хоҳлаган вақтда ҳеч бир тўсиксиз кириш;
- b) улар томонидан барча биноларга, яъни инспекция қилиш учун етарли асос бор деб ҳисобланган барча биноларга қундузги вақтда кириш;
- c) қонун-қоидаларга тўғри риоя этилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун улар зарур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай текшириш ва суриштиришлар ўтказиш, хусусан:
 - i) яккама-якка ёки гувоҳлар иштирокида, иш берувчилар, қорхона персоналига ёки қорхонадаги ҳар қандай шахс

қонун-қоидалар қўлланилишига доир ҳар қандай савод бўйича суҳбат ўтказиш;

- ii) меҳнат шароитларига оид миллий қонун ҳужжатларида юритилиши кўзда тутилган ҳар қандай китоблар, рўйхатлар ёки ҳужжатлар ёрдамида иш олиб борилишини — уларни қонун-қоидаларга мувофиқ эканлигини кўриш ва улардан нусха олиш ёки айрим жойларини кўчириш мақсадида, миллий қонун ҳужжатларида белгиланиши мумкин бўлган тартибда — талаб қилиш;
- iii) иш берувчини ёки унинг вакилини текшириш мақсадлари ҳақида огоҳ қилган ҳолда, фойдаланилаётган ёки ишлов берилаётган маҳсулотлар, материаллар ва моддалар намуналарини текшириш учун олиш.

2. Меҳнат инспекторлари мазкур модда 1-банди «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ кишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарининг хусусий турар-жойига киришга ҳақли эмас, агар мазкур раҳбарнинг ўзи розилик бермаса ёки ваколатли ҳокимият органининг алоҳида руҳсати мавжуд бўлмаса.

3. Инспекция ташрифи ҳолларида инспекторлар, агар бу назорат ишига зиён етказмайди деб ҳисобласалар, иш берувчи ёки унинг вакилини, меҳнаткашларни ёки уларнинг вакиллари бу ташриф ҳақида огоҳлантирадилар.

17-модда

Кишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси хизмати, ваколатли ҳокимият органи белгилаши мумкин бўлган тарзда ва ҳолларда, саломатликка ёки хавфсизликка хавф туғдириши мумкин бўлган маҳсулотга ишлов бериш ёки уни қайта ишлашнинг янги усуллари ва янги қурилмалар, янги материаллар ёки моддаларнинг профилактик назоратида иштирок этадилар.

18-модда

1. Кишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторларига, иншоот, ускуна ёки кишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаш усулларида аниқланган, жумладан, хавфли материаллар ва моддалардан фойдаланиш каби камчиликларни ва меҳнаткашлар соғлиги ёки хавфсизлигига хавф соладиган деб ҳисобланишига етарли асос туғдирувчи нуқсонларни тўғрилаш мақсадида чора кўриш учун ваколат берилади.

2. Меҳнат инспекторлари шундай чоралар кўриш имкониятига эга бўлишлари учун, конунда кўзда тутилиши мумкин бўлган суд ёки маъмурий ҳокимият органларига шикоят қилиш ҳуқуқига риоя этилган ҳолда, уларга қуйидагилар бўйича фармойишлар чиқариш ёки чиқарилишини талаб қилиш ваколати берилади:

- a) муайян вақт чегарасида қурилма, иншоот, бинолар, асбоблар, ускуналар ёки механизмларга, саломатлик ёки хавфсизликни муҳофаза қилиш соҳасидаги конун-қоидаларга мос бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган ўзгартириш киритиш тўғрисида;
- b) саломатлик ёки хавфсизликка бевосита хавф туғилган ҳолатда, дарҳол ижро этилиши шарт бўлган, иш тўхтагунича давом этадиган чоралар тўғрисида.

3. Агар 2-бандда белгиланган тартиб Ташкилот аъзосининг маъмурий ва суд амалиётига мувофиқ келмаса, инспекторлар ваколатли ҳокимият органига дарҳол ижро этилиши шарт бўлган фармойишлар чиқарилиши учун ёки чоралар кўрилиши учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

4. Инспектор томонидан қорхонага ташрифи давомида аниқланган камчиликлар, шунингдек, 2-бандга мувофиқ у чиқарадиган фармойишлар ёки 3-бандга мувофиқ у чиқарилишини сўрайдиган фармойишлар дарҳол иш берувчи ҳамда меҳнатқашлар вакиллари эътиборига етказилади.

19-модда

1. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекциясига миллий қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда, қишлоқ хўжалик тармоғида рўй берадиган ишдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида маълум қилинади.

2. Имкони борича, меҳнат инспекторлари ишлаб чиқаришдаги энг жиддий бахтсиз ҳодисалар ёки касб касалликлари, хусусан, бир неча меҳнатқашларга таъсири бўлган ёки ўлим билан якунланган бахтсиз ҳодисаларни сабабларини аниқлаш бўйича ҳар қандай суриштиришларда иштирок этадилар.

20-модда

Миллий қонун ҳужжатларида кўзда тутилиши мумкин бўлган истисноларга риоя этилган ҳолда қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторларига:

- a) ўз назоратида бўлган корхоналардан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиш ман этилади;
- b) тегишли жазога тортилиши ёки маъмурий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирилган ҳолда, ўз вазифаларини бажариш пайтида танишишлари мумкин бўлган ишлаб чиқариш ёки тижорат сирларини, ёки ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақидаги маълумотларни, ҳатто лавозимидан кетгандан сўнг ҳам, ошкор қилмаслик мажбурияти юклатилади;
- c) камчиликлар, иш жараёнидаги хавфлар ёки қонун-қоидалар бузилиши юзасидан ҳар қандай шикоят манбасини мутлақо сир тутиш мажбурияти ҳамда иш берувчи ёки унинг вакилига инспекция ташрифи ана шундай шикоят тушиши муносабати билан ўтказилганлиги тўғрисида асло билдирмаслик мажбурияти юклатилади.

21-модда

Қишлоқ хўжалик корхонаси тегишли қонун-қоидаларнинг самарали қўлланилишини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда ва синчковлик билан инспекция қилинади.

22-модда

1. Қўлланилиши қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари томонидан таъминланадиган қонун-қоидаларни бузаётган ёки уларга риоя этишдан бош тортаётган шахслар, олдиндан огоҳлантирилмасдан, дарҳол суд ёки маъмурий таъқиб остига олинади. Лекин миллий қонун ҳужжатларида суд ҳимоясини ёки профилактика чораларини амалга ошириш учун олдиндан огоҳлантирувчи ҳолларга нисбатан истиснолар кўзда тутилиши мумкин.

2. Меҳнат инспекторлари суд таъқибини бошлаш ёки тавсия қилиш ўрнига огоҳлантириш ва маслаҳат бериш кераклигини ўзлари хал қиладилар.

23-модда

Агар қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари иш кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, улар қонун-қоидаларнинг бузилиши тўғрисидаги ҳисоботларни бевосита иш кўзғатиш ваколатига эга бўлган ҳокимият органига тақдим этиш ваколатига эга бўлишлари керак.

24-модда

Миллий конун хужжатларида қўлланилиши кишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекторлари томонидан таъминланадиган конунқоидаларни бузганлик учун ҳамда меҳнат инспекторларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда тўсқинлик қилинишига қарши тегишли жазо чоралари кўзда тутилади, шу билан бирга, улар самарали ҳаётга татбиқ қилинади.

25-модда

1. Меҳнат инспекторларидан ёки маҳаллий инспекция бюроларидан, вазиятга қараб, марказий инспекция органига кишлоқ хўжалигидаги ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги маърузаларни мунтазам тақдим этиш талаб этилади.

2. Ушбу маърузалар марказий инспекция органи кўрсатмасига мувофиқ тузилади ва вақти-вақти билан ушбу орган томонидан кўрсатиладиган масалаларни қамраб олади; ушбу маърузалар марказий орган талаб қилган муддатларда ва ҳар қандай ҳолда йилга камида бир марта тақдим этилади.

26-модда

1. Марказий инспекция органи кишлоқ хўжалигидаги инспекция хизматларининг фаолияти тўғрисида ҳар йилги маърузаларини алоҳида маъруза ҳолида ёки ўзининг умумий ҳар йилги маърузасининг қисми шаклида чоп этиб боради.

2. Ушбу маърузалар мақбул муддатларда, маърузаларга тааллуқли йил якунида ва ҳар қандай ҳолда ўн икки ой ичида чоп этилади.

3. Ҳар йилги маърузаларнинг нусхалари чоп этилгандан сўнг уч ой ичида Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

27-модда

Марказий инспекция органи томонидан чоп этиладиган ҳар йилги маърузаларда мазкур орган назорати доираси чегарасида, қуйидаги масалалар тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинади:

- а) кишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси фаолиятига доир конун хужжатлари;
- б) кишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси хизматидаги меҳнатқашлар штати;

- с) инспекция назорати билан қамраб олинган қишлоқ хўжалиги корхоналари тўғрисида ҳамда ушбу корхоналарда банд бўлган шахслар сони тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- д) инспекция ташрифлари тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- е) содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва қўлланилган жазо чоралари тўғрисидаги статистик маълумотлар;
- ф) ишдаги бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги статистик маълумотлар, уларнинг сабабларини кўрсатган ҳолда;
- г) касб касалликлари билан оғриш тўғрисидаги статистик маълумотлар.

28-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиниши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

29-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

30-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат

ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳукукидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

31-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

32-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

33-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

34-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз

кучи билан, 30-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

35-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Уч томонлама маслаҳатлашувлар (халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисидаги 144-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1976 йилнинг 2 июнида ўзининг Олтмиш
биринчи Сессиясига тўпланиб,

меҳнат соҳасидаги мавжуд халқаро конвенциялар ва тавсиялар,
жумладан, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг эркин ва мустақил
ташкилотлар таъсис этиш ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳамда давлат
ҳокимият органлари билан иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташки-
лотлари ўртасида миллий даражадаги маслаҳатлашувлар самарадор-
лигини ошириш чораларини кўришни талаб этадиган «Бирлашиш
эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги 1948
йилги Конвенция», «Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирла-
шиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция» ҳамда «Саноатда ва
миллий даражада маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 1960 йилги Тавсия»
қоидаларини эътироф этиб, шунингдек, ушбу конвенциялар ва тавсия-
ларни қўллаш учун иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари
ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказишни кўзда тутадиган кўплаб халқаро
меҳнат конвенциялари ва тавсиялари қоидаларини қайд қилиб,

Сессия кун тартибидаги тўртинчи бандида “Халқаро меҳнат
стандартларини қўллашга кўмаклашиш учун уч томонлама меха-
низмни яратиш” деб номланган масалани эътиборга олиб ҳамда
халқаро меҳнат стандартларини қўллашга кўмаклашиш учун уч
томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида бир қанча таклифларни
қабул қилишга қарор чиқариб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз етмиш олтинчи йил июнь ойининг йнгири-
ма биринчи кунида қуйидаги «Уч томонлама маслаҳатлашувлар
(халқаро меҳнат стандартлари) тўғрисидаги 1976 йилги Конвенция»
деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

Ушбу Конвенцияда «ваколатли ташкилотлар» атамаси бирлашиш эркинлиги ҳукукидан фойдаланадиган иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг энг ваколатли ташкилотларини англатади.

2-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти фаолиятига тааллуқли бўлган, қуйидаги 5-модда 1-бандда қайд этилган масалалар бўйича ҳукумат, иш берувчилар ва меҳнаткашлар вакиллари ўртасида самарали маслаҳатлашувларни таъминлайдиган тартибни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Ҳар бир мамлакат, мазкур модда 1-бандида кўзда тутилган тартиб моҳияти ва шаклини, ваколатли ташкилотлар билан маслаҳатлашувлардан сўнг, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса ва бундай тартиблар хали ўрнатилмаган бўлса, миллий амалиётга мувофиқ белгиланади.

3-модда

1. Ушбу Конвенцияда кўзда тутилган тартибларни амалга ошириш мақсадлари учун иш берувчилар ва меҳнаткашлар вакиллари ўз ваколатли ташкилотлари томонидан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, эркин сайланади.

2. Иш берувчилар ва меҳнаткашлар маслаҳатлашувлар амалга ошириладиган ҳар қандай органларда тенглик асосида вакиллик қиладилар.

4-модда

1. Ваколатли ҳокимият органи мазкур Конвенцияда кўзда тутилган тартибларни маъмурий жиҳатдан таъминлаш учун масъул бўлади.

2. Ушбу тартиб иштирокчиларини ҳар қандай зарур бўлган ўқитиш жараёнини молиялаштириш учун ваколатли ҳокимият органи билан ваколатли ташкилотлар ўртасида, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, тегишли тadbирлар ўтказилади.

5-модда

1. Мазкур Конвенцияда кўзда тутилган тартиб мақсади куйидаги соҳаларда маслаҳатлашувлар ўтказишни кўзда тутати:

- a) ҳукуматнинг Халқаро Меҳнат Конференцияси кун тартибига тааллуқли саволномаларга жавоблари бўйича ҳамда ҳукуматнинг конференцияда муҳокама этиш учун тақдим этилган матнларга мулоҳазалари бўйича;
- b) Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 19-моддасига мувофиқ ваколатли ҳокимият органига ёки органларига конвенциялар ва тавсиялар тақдим этиш муносабати билан таклифлар билан чиқиш бўйича;
- c) ҳали ратификация қилинмаган ва қўлланилмаётган конвенциялар ва тавсияларни қўллашга ҳамда ратификация қилишга тегишлича кўмаклашиш учун қабул қилиниши мумкин бўлган чораларни аниқлаш мақсадида муайян вақт оралиғида ушбу конвенциялар ва тавсияларни қайтадан кўриб чиқиш бўйича;
- d) Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросига тақдим этиладиган маърузалар муносабати билан юзага чиқаётган масалалар бўйича;
- e) ратификация қилинган конвенцияларни денонсация қилиш юзасидан таклифлар бўйича.

2. Мазкур модда 1-бандида қайд этилган масалаларнинг зарур даражада кўриб чиқилишини таъминлаш учун маслаҳатлашувлар ўзаро келишувга мувофиқ белгиланган тегишли вақт оралиғида, лекин камида йилига бир марта ўтказилади.

6-модда

Зарур деб топилган ҳолларда, ваколатли ҳокимият органи мазкур Конвенцияда кўзда тутилган тартибни амалга ошириш тўғрисидаги ҳар йилги маърузани ваколатли ташкилотлар билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашувлардан сўнг чоп этади.

7-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

8-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларининггина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

10-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

11-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

12-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

13-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, 11-модда қоидаларидан катъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

14-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги 122-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши томонидан Женевада чакирилиб ва 1964 йилнинг 17 июнида ўзининг Қирқ саккизинчи Сессиясига тўпланиб,

Филадельфия декларацияси, жаҳон мамлакатлари томонидан тўла иш билан таъминланишга эришишни ва турмуш даражасини оширишни кўзлаган дастурларни қўллаб-қувватланиши мақсадида, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг муҳим мажбуриятини тан олишини, шунингдек Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави Муқаддимасида кўзда тутилган ишсизлик бартараф этилиши ва қоникарли турмуш шароитини қолайдиган иш ҳақи таъминланилишини тан олишини эътиборга олиб,

Филадельфия декларацияси қондаларига мувофиқ иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг иш билан таъминлаш соҳадаги сиёсатга тавсиясини, қуйидаги фундаментал мақсад — «барча инсонлар ирки, эътиқоди ёки жинсидан қатъий назар, иқтисодий барқарорлик ва тенг имконият, эркинлик ва кадр-қимматлари таъминланган шароитда ўз моддий фаровонлигига ва маънавий ривожига эришиш ҳуқуқига эга» — жабҳасида ўрганиш ва кўриб чиқиш Халқаро Меҳнат Ташкилоти вазифасига киришини эътиборга олиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга» эканлигини эътиборга олиб,

иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатга бевосита алоқадор бўлган халқаро меҳнат конвенцияларини ва тавсияларини, хусусан, Иш билан таъминлаш хизмати тўғрисидаги 1948 йилги Конвенция ва Тавсия; Касбга йўналтириш тўғрисидаги 1949 йилги Тавсия; Касбий таълим тўғрисидаги 1962 йилги Тавсия ҳамда Меҳнат ва машғулот соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенция ва Тавсия шартларини ҳисобга олиб,

ушбу хужжатлар, тўла, самарали ва эркин танланган иш асосидаги иктисодий ривожланишга мўлжалланган халқаро дастурларнинг кенг доирасига киритилиши кераклигини эътиборга олиб,

Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатга оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг саккизинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз олтимиш тўртинчи йил июль ойининг тўққизинчи кунда куйидаги «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, иктисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш, турмуш даражасини ошириш, иш кучи эҳтиёжини қондиришни ҳамда ишсизлик ва керакли даражада иш билан таъминланмаслик муаммоларини ҳал этиш мақсадида, тўла, самарали ва эркин танланган иш билан таъминланишга қаратилган фаол сиёсатни асосий вазифа сифатида эълон қилади ва амалга оширади.

2. Бу сиёсат куйидагиларни таъминлаш мақсадини кўзлайди:

- а) ишга яроқли ва иш излаётганларнинг барчаси учун иш бўлишини;
- б) бундай иш имкон қадар самарали бўлишини;
- с) иш танлаш эркинлигини ва ҳар бир меҳнатқаш, ирки, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий қарашлари, миллий мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ўзига мос ишни олиши учун ва унда ўзининг маҳорати ва қобилиятини ишлатиши учун имконини.

3. Ушбу сиёсат, иктисодий ривожланишнинг босқичи ва даражасини, бандлик соҳасидаги мақсадлар билан бошқа иктисодий ва ижтимоий мақсадлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тегишлича ҳисобга олади ҳамда миллий шароит ва амалиётга мос келадиган усуллар орқали амалга оширилади.

2-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси миллий шароитга мос келадиган шундай усуллар ва чоралар ёрдамида:

- a) 1-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун кўрилиши керак бўлган чораларни мувофиқлаштирилган иктисодий ва ижтимоий сиёсат доирасида белгилайди ҳамда ўз назоратида ушлаб туради;
- b) ушбу чораларни қўллаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширади, шу жумладан, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда дастурлар ишлаб чиқади.

3-модда

Мазкур Конвенцияни қўллашда, қабул қилинадиган чораларга жалб қилинадиган вакиллар, хусусан, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг вакиллари иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат бўйича, уларнинг тажрибаси ва фикрини тўлиқ ҳисобга олиш, ҳамда ушбу сиёсатни шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда улар тўла ҳамкорлик қилишининг ҳимоясини ташкил қилиш мақсадида маслаҳатлашувга жалб қилинади.

4-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

5-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

6-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун

юборилган акт оркали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

7-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

8-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

9-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киришиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

10-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 6-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

11-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ВА ЖАМОА МУЗОКАРАЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ

Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 163-Тавсия

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1981 йилнинг 3 июнида ўзининг Олтмиш
еттинчи Сессиясига тўпланиб,

Жамоа музокараларни олиб боришга кўмаклашишга оид бир
қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун
тартибининг тўртинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга, Жамоа музокараларини олиб бориш
тўғрисидаги 1981 йилги Конвенцияга қўшимча равишда, тавсия
шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз саксон биринчи йил июнь ойининг ўн
тўққизинчи кунда куйидаги «Жамоа музокараларини олиб бориш
тўғрисидаги 1981 йилги Тавсия» деб номланиши мумкин бўлган
Тавсияни қабул қилди:

I. ҚЎЛЛАНИШ УСУЛЛАРИ

1. Мазкур Тавсия қоидалари миллий қонун ҳужжатлари, жа-
моа шартномалари, арбитраж қарорлари орқали ёки миллий ама-
лиётга мос ҳар қандай бошқа усул орқали амалга оширилиши
мумкин.

II. ЖАМОА МУЗОКАРАЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШГА КЎМАКЛАШИШ ВОСИТАЛАРИ

2. Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг эркин, мустакил ва ваколатли ташкилотларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этилиши ва ривожланишига кўмаклашиш мақсади учун зарур бўлганича миллий шароитга мос чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

3. Қанчалик мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигига қараб, миллий шароитга мос чора-тадбирлар қуйидагиларни кўзда тутган ҳолда кўрилиши лозим:

- a) жамоа музокараларини олиб бориш мақсадлари учун меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ваколатли ташкилотлари тан олинishi;
- b) мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органлари жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини тақдим этиш учун муносиб ташкилотларни белгилаш бўйича аниқловчи тартибларни амалга оширсалар, ушбу мамлакатда бундай белгилашлар, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ваколатли ташкилотлари билан маслаҳатлашилган ҳолда таъсис этилган, ташкилотларнинг ваколатли сифатини кўрсатувчи таъсис ва объект мезонларга асосланади.

4. 1) Зарурат бўлганда, жамоа музокараларини ҳар қандай даражада, хусусан, муассасалар, корхоналар, саноат ёки фаолият тармоқлари, ёки минтақавий ёки миллий даражада олиб бориш мумкин бўлишига қаратилган миллий шароитга мос чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

2) Жамоа музокаралари бир қанча даражада олиб бориладиган мамлакатларда музокара олиб бораётган томонлар ушбу даражалар ўртасида мувофиқлаштиришни таъминлашга интилишлари керак.

5. 1) Жамоа музокараларини олиб бораётган томонлар, уларнинг барча даражалардаги музокаралар олиб боришга тайинланган шахслари тегишли тайёргарликдан ўтиш имкониятига эга бўлишлари учун чора-тадбирлар кўрилиши керак.

2) Давлат органлари меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотларига, уларнинг илтимосига биноан тайёргарликдан ўтишда ёрдам кўрсатишлари мумкин.

3) Бундай тайёргарлик дастурларининг мазмуни ҳамда улар ижросининг назорати меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари томонидан белгиланиши керак.

4) Бундай тайёргарлик, меҳнаткашлар ва иш берувчилар ташкилотларининг жамоа музокаралари олиб бориш учун ўз вакилларини сайлаш ҳуқуқига зарар етказмаслиги керак.

6. Жамоа музокаралари олиб бораётган томонлар, ўзларининг музокаралар олиб боришга тайинланган шахсларига, ўзларининг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашиш бўйича ҳар қандай қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, музокараларни олиб бориш ва яқунлаш учун зарур ваколатлар беришлари керак.

7. 1) Зарурат бўлганда, томонлар музокараларни малакали олиб бориши учун зарур бўлган ахборотни олиш имконини берувчи миллий шароитга мос чора-тадбирлар кўрилиши керак.

2) Ушбу мақсадлар учун:

а) хусусий ва давлат секторидаги иш берувчилар меҳнаткашлар ташкилотлари илтимосига кўра, музокараларни малакали олиб бориш учун зарур бўлган, музокаралари бўлимнинг ва умуман корхонанинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига доир ахборотларни тақдим этишлари керак; агар бу ахборотларнинг бир қисмини ошкор қилиш корхонага зарар келтириши мумкин бўлса, ахборотни тақдим этишда ахборотнинг маълум қисми махфий эканлиги ҳақида огоҳлантириш мумкин; ахборотларни тақдим этиш жамоа музокараларини олиб бораётган томонлар ўртасида тузилган битим билан белгилаб қўйилиши мумкин.

б) давлат органлари, тегишли фаолият тармоғининг ва мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисидаги ва ошкор этилиши миллий манфаатларга зарар келтирмайдиган даражага мос ҳолда ахборотларни тақдим этишлари керак.

8. Зарурат бўлганда, меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби музокараларни олиб бораётган томонларга — улар ўртасида битимлар бўйича музокаралар пайтида пайдо бўладиган низоларни ёки битимларни талкин этиш ва қўллаш билан боғлиқ низоларни, ёки Шикоятларни кўриб чиқиш тўғрисидаги 1967 йилги Тавсияда кўзда тутилган низоларни — мустақил равишда ҳал этишларига кўмаклашиши учун миллий шароитга мос чора-тадбирлар кўрилиши керак.

III. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9. Мазкур Тавсия мавжуд бўлган ҳар қандай Тавсияни қайта кўриб чиқмайди.

Корхона даражасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги 1952 йилги 94-Тавсия

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1952 йилнинг 4 июнида ўзининг Ўттиз бе-
шинчи Сессиясига тўпланиб,

иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасида корхона даражасида
маслаҳатлашиш ва ҳамкорликка оид бир қанча таклифларни қабул
қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг олтинчи бан-
дига киритилиб,

мазкур таклифларга — миллий шарт-шароитга мувофиқ ра-
вишда тегишли томонлар ёки давлат органлари томонидан амал-
га оширилишига мўлжалланган — Тавсия шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз эллик иккинчи йил июнь ойининг йигир-
ма олтинчи кунда қуйидаги «Корхона даражасидаги ҳамкорлик
тўғрисидаги 1952 йилги Тавсия» деб номланиши мумкин бўлган
Тавсияни қабул қилади:

1. Жамоа музокараларини олиб боровчи механизм ёки
бошқа, одатда қўлланиладиган, иш билан таъминлаш соҳасидаги
шарт-шароитларни белгиловчи тегишли механизм доирасидан
ташқаридаги умумий манфаатга эга бўлган масалалар бўйича
иш берувчилар ва меҳнаткашлар ўртасида корхона даражасида
маслаҳатлашиш ва ҳамкорликка кўмаклашиш учун зарур чоралар
ишлаб чиқилиши керак.

2. Миллий анъаналарга ёки амалиётга мос равишда бундай
маслаҳатлашиш ва ҳамкорлик:

- а) томонлар ўртасидаги ихтиёрий келишувларни рағбатлан-
тириш орқали енгиллаштирилиши лозим; ёки
- б) қонун ҳужжатлари ёки норматив ҳужжатлар орқали, яъни тур-
ли корхоналарнинг шароитига мос келадиган, маслаҳатлашиш
ва ҳамкорлик учун органлар таъсис этишга ҳамда уларнинг
фаолият соҳаси, функциялари, таркиби ва фаолият усулини
белгилашга мўлжалланган қонун ҳужжатлари орқали таъ-
минланиши лозим; ёки
- в) юқоридаги ҳар икки усулни қўшиш орқали енгиллаштири-
лиши ёки таъминланиши лозим.

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЗЎРАКИ ЁКИ МАЖБУРИЙ МЕХНАТНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ

Мехнатга билвосита мажбур қилиш тўғрисидаги 1930 йилги 35-Тавсия

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро Мехнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чакирилиб ва 1930 йилнинг 10 июнида ўзининг Ўн
тўртинчи Сессиясига тўпланиб,

мехнатга билвосита мажбур қилишга оид бир қанча таклифларни
қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг биринчи
бандига киритилиб,

мазкур таклифларга тавсия шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз ўттизинчи йил июнь ойининг йигирма саккизинчи
кунда қуйидаги «Мехнатга билвосита мажбур қилиш тўғрисидаги 1930
йилги Тавсия» деб номланиши мумкин бўлган Тавсияни қабул қилди ва у
Халқаро Мехнат Ташкилоти аъзоларига, миллий конун ҳужжатлари орқали
ёки Халқаро Мехнат Ташкилоти Уставига мувофиқ бошқа йўللар орқали
хаётга татбиқ этиш мақсадида кўриб чиқиш учун тақдим этилиши даркор:

Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилиб,

ушбу Конвенцияни принципларга оид баёнот билан, — яъни, меҳнатга
ҳар қандай билвосита йўл билан мажбур қилиш (бу ўз навбатида,
мазкур Конвенция қўлланилиши мумкин бўлган ҳудудлар аҳолиси
учун ниҳоятда оғир машаққатларни яратиши мумкинлиги)нинг олдини
олишга интилаётган Ташкилот аъзоларининг сиёсатини йўналтириш
учун энг мақбул кўринишга эга бўлган – баёнот билан тўлдириш
ниятида,

Конференция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қуйидаги принципларни
ҳисобга олиши лозимлигини тавсия этади:

I

Ихтиёрда бўлган мавжуд иш кучининг сони, аҳолининг меҳнатга лаёқати ҳамда ҳаётий ва меҳнат одатларидаги ўта кескин ўзгаришлар аҳоли ижтимоий шароитига зарарли таъсир кўрсатиши, бу ривожланишнинг дастлабки босқичида турган ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ масалаларни, айниқса, қуйидаги масалаларни ҳал этишда эътиборга олинishi керак бўлган омиллардир:

- а) бу ҳудудлардаги саноат, тоғ-кон ва қишлоқ хўжалик корхоналари сони ва миқдори кўпайиши;
- б) туб аҳолига мансуб бўлмаган шахсларнинг жойлашиши, агар шундай ҳоллар мавжуд бўлса, бундай жойлашишга рухсат берилиши;
- с) монополия кўринишига эга ёки эга бўлмаган, ўрмон ёки бошқа концессиялар тақдим этилиши.

II

Аҳолини ёлланиб ишлайдиган иш қидиришга мажбур этиш мақсадида иқтисодий тазйиқ ўтказишни сунъий равишда кучайтирадиган билвосита воситалардан, айниқса, қуйидаги воситалардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир:

- а) аҳолига хусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган иш қидиришларига мажбур қиладиган солиқлар солиш;
- б) тирикчилик учун мустақил равишда деҳқончилик билан шуғулланишда жиддий қийинчиликларга олиб келувчи ерга эгалик қилиш бўйича, ер майдони олиш бўйича ёки ердан фойдаланиш бўйича чеклашлар жорий этиш;
- с) умумэътироф этилган «дайдилик» тушунчасини қонунга ҳилоф равишда қенгайтириш;
- д) ўзга шахслар хизматида бўлган меҳнаткашларга бошқа меҳнаткашлар аҳолига нисбатан қулайроқ шароит яратиб бериш натижасини келтириб чиқарадиган ўтиш қоидаларини ўрнатиш.

III

Иш кучининг ишнинг бир туридан иккинчи турига ёки бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ихтиёрий ўтишини ҳар қандай чеклашлардан, яъни меҳнаткашларни хўжаликнинг муайян тармоқларига

ёки муайян худудларда ишга киришига мажбурловчи билвосита оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган чеклашлардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, бу чеклашлар тегишли меҳнаткашлар ёки аҳоли манфаатлари учун зарур деб ҳисобланадиган ҳолатлар бундан истиснодир.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИ ҚАТЪИЙ МАН ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ

Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги 146-Тавсия

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан Женевада қақририлиб ва 1973 йилнинг 6 июнида ўзининг Эллик сак-кизинчи Сессиясига тўпланиб,

болалар меҳнатини самарали бекор қилиш ҳамда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшни босқичма-босқич ошириб бориш бола-лар ва ўсмирлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш йўлларида фақат бири эканлигини эътироф этиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун тизимининг ана шун-дай ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлигини эъти-борга олиб,

Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенцияни қабул қилиб,

Халқаро Меҳнат Ташкилотига тааллуқли бўлган сиёсатнинг ай-рим қўшимча элементларини белгилаш истагида,

ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тар-тибининг тўртинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга, Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенцияга қўшимча равишда, тавсия шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз етмиш учинчи йил июнь ойининг йигирма олтинчи кунда қуйидаги «Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Тавсия» деб номланиши мумкин бўлган Тавсияни қабул қилди:

I. Миллий сиёсат

1. Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг I-моддасида белгиланган миллий сиёсат муваффақиятини таъмин-

лаш учун миллий ривожланиш сиёсати ва дастурлари доирасида болалар ва ёшлар эҳтиёжларини кондиритиш режа ва чораларига, шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг жисмонан ва ақлан ривожланишлари учун уларни имкони борича яхши шароит билан таъминлаш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни босқичма-босқич кенгайтиришга биринчи даражали аҳамият берилиши керак.

2. Шу муносабат билан режалаштиришнинг ва сиёсатнинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилиши керак, хусусан:

- a) Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги Конвенция ва Тавсияга мувофиқ тўла иш билан таъминланиш мақсадидаги барқарор миллий мажбуриятга ҳамда кишлоқ ва шаҳар туманларида бандликка қаратилган ривожланишни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилишига;
- b) қашшоқлар, улар қаерда мавжуд бўлмасин, ахволини енгилаштириш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирларнинг амал қилиши доирасини босқичма-босқич кенгайтиришга ҳамда оилалар даромадларини ва турмуш даражасини болаларни иқтисодий фаолиятга жалб этиш зарурати қолмайдиган даражага етказишни таъминлашга;
- c) болалар таъминотини, шу жумладан, болалар учун нафақа берилишини таъминлашга йўналтирилган оила моддий таъминоти ва ижтимоий таъминот бўйича чора-тадбирларни, бирор-бир камситилишларсиз, ривожлантириш ва босқичма-босқич кенгайтириб боришга;
- d) шакли ва мазмуни бўйича тегишли болалар ва ўсмирлар эҳтиёжларига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда касбга йўналтириш ва касбий тайёргарлик учун зарур имкониятларни яратиш ва буни босқичма-босқич кенгайтириб боришга;
- e) болалар ва ўсмирларни, шу жумладан, ишлайдиган ўсмирларни химоя қилиш ва уларнинг барқарорлиги учун, шунингдек, уларнинг ривожланишига кўмаклашиш учун тегишли имкониятлар яратиш ва буни босқичма-босқич кенгайтириб боришга.

3. Оиласи бўлмаган ёки ўз оиласи билан яшамаётган болалар ва ўсмирлар эҳтиёжларини, шунингдек, оилалари билан яшаб ва кўчиб юрган мигрант болалар ва ўсмирлар эҳтиёжларини, зарур

бўлганича, алоҳида ҳисобга олиши лозим. Мазкур мақсадда амалга ошириладиган чора-тадбирлар стипендия ва касбий тайёргарлик билан таъминлашни кўзда тутиши керак.

4. Болалар ва ўсмирлар балоғатга етгунча, ҳеч бўлмаганда Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция 2-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш учун белгиланган ёшгача, мактаб дастурларини тўлиқ ўтишлари ёки касбга йўналтириш, касбий тайёргарлик бўйича тасдиқланган дастурларда иштирок этишлари талаб этилиши ва самарали таъминланиши лозим.

5. 1) Ёлланма ёки бошқа иш турлари учун, яъни Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ белгиланган ва мажбурий мактаб таълимини тўлиқ тугаллаш учун белгиланган ёшдан юқори бўлган энг кичик ёш талаб этадиган ёлланма ёки бошқа иш турлари учун, хавф билан боғлиқ бўлмаган, дастлабки тайёргарлик каби чораларни кўриш имконияти қараб чиқилиши керак.

2) Муайян иш турининг касбий талаблари мажбурий мактаб таълимини тўлиқ тугаллаш учун белгиланган ёшдан юқори бўлган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшни ўз ичига олган ҳолларда худди шундай чоралар назарда тутилиши керак.

II. Энг кичик ёш

6. Энг кичик ёш иқтисодий фаолиятнинг барча тармоқлари учун бир хил даражада белгиланиши керак.

7. 1) Ташкилот аъзолари Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ ёлланиб ишлаш ёки бошқа ишларга ишга қабул қилиш учун белгиланган энг кичик ёшни изчиллик билан ўн олти ёшга етказиш мақсадини ўз олдига қўйиши керак.

2) Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг 2-моддаси томонидан қамраб олинган ёлланиб ишлаш ёки бошқа ишларга қабул қилиш энг кичик ёши ҳали ўн беш ёшдан кам бўлган жойларда бу ёшни тегишли даражага кўтариш учун шошилиш чоралар кўрилиши керак.

8. Қишлоқ хўжалигидаги барча иш турлари ҳамда қишлоқ жойларидagi шунга ўхшаш фаолият учун дарҳол энг кичик ёш ўрнатиш мумкин бўлмаган ҳолларда энг кичик ёш ҳеч бўлмаганда Энг кичик

ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция 5-моддасининг 3-бандида кўрсатилган экинзорлардаги ҳамда бошқа кишлок хўжалик корхоналаридаги ишлар учун ўрнатилиши керак.

III. Ёлланма ёки бошқа ишлардаги хавфли иш турлари

9. Ўсмирлар соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ёлланма ёки бошқа иш турларига қабул қилиниш учун энг кичик ёш хали ҳам ўн саккиз ёшдан кам бўлган жойларда уни мазкур даражага кўтариш учун шошилиш чоралар кўрилиши керак.

10. 1) Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг 3-моддаси қўлланиладиган ёлланма ёки бошқа иш турларини аниқлашда, тегишли халқаро меҳнат стандартлари, масалан, хавфли моддалар, жисмлар ёки жараёнлар (шу жумладан, ионлашган радиация) тўғрисидаги, оғир юк кўтариш ва ер ости ишларига доир стандартлар тўлиқ ҳисобга олиниши лозим.

2) Ёлланма ёки бошқа иш турларига оид рўйхатлар мунтазам ўрганиб борилиши ва зарурат туғилган ҳолда, айниқса, илмий ва техник билимлар тараққий этиши нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилиши лозим.

11. Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенциянинг 5-моддаси ҳисобга олинган ҳолда, иқтисодий фаолият айрим тармоқлар ёки корхоналар турлари учун энг кичик ёш дарҳол белгиланмайдиган жойларда энг кичик ёш тўғрисидаги тегишли коидалар ўсмирлар учун хавфли бўлган ёлланма ёки бошқа иш турларига нисбатан қўлланилиши керак.

IV. Меҳнат шароитлари

12. 1) Ёлланиб ишлайдиган ёки бошқа ишларда ишлайдиган ўн саккиз ёшдан кичик бўлган болалар ва ўсмирлар шароити коникарли даражада бўлишига эришишни ва саклаб турилишини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўрилиши керак. Бу шароит катъий назорат қилиниши керак.

2) Болалар ва ўсмирлар корхоналарда, ўқув муассасаларида ҳамда касб-хунар ёки техника мактабларида касбга йўналтириш ва касбий тайёргарлик дастурларини ўтаётган шароитни

сақлаб туриш ва назорат қилиш учун чора-тадбирларини ҳам қабул қилиш керак, шунингдек, бундай болалар ва ўсмирларни химоя қилиш ва ривожлантириш мақсадларида меъёрлар ишлаб чиқиш чоралари ҳам кўрилиши керак.

13. 1) Юқоридаги банд қоидалари қўлланиши муносабати билан, шунингдек, Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция 7-моддасининг 3-банди қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши керак:
- a) тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатга адолатли ҳақ тўланиши таъминланишига ва бунинг химоя қилинишига;
 - b) таълим ва тайёргарлик (шу жумладан, уй вазифаларини тайёрлашга керак бўладиган вақт) учун кун давомида дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун етарли вақт қолиши мақсадида иш вақти ва иш ҳафтаси давомийлигини қатъий чегаралашга, ишдан кейинги ишни тақиқлашга;
 - c) фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ҳолларидан ташқари ҳоллардан бирор-бир истисносиз, давомийлиги камида ўн икки соат бўлган узлуксиз тунги дам олиш вақти, шунингдек, ҳар ҳафта дам олиш учун оддий кунлар ажратишга;
 - d) давомийлиги камида тўрт ҳафта бўлган ҳақ тўланадиган ва ҳеч бўлмаганда катта ёшдагиларга бериладигандан кам бўлмаган ҳар йилги таътил беришга;
 - e) ёлланма ва бошқа ишлар шароитлари қандай бўлишидан қатъий назар, ижтимоий таъминот тизими билан, жумладан, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш муносабати билан нафақалар тўлаш, тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ва касалланиши муносабати билан нафақалар тўлаш билан камраб олинишига;
 - f) хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида қониқарли меъёрларни ва тегишли йўриқ кўрсатилишини ҳамда назоратни таъминлашга;
- 2) Ушбу банднинг 1-кичик банди ёш денгизчиларга нисбатан, мазкур бандда кўриб чиқиладиган масалаларни денгизчиларнинг меҳнат шароитлари соҳасидаги халқаро меҳнат конвенциялари ёки тавсиялари қанчалик камраб олмаса, шунчалик қўлланилади.

V. Қўлланилиши

14. 1) Энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция ҳамда мазкур Тавсияни самарали қўллашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қуйидагиларни камраб олиши керак:
- а) зарур ҳолларда меҳнат инспекциясини ва шунга ўхшаш хизматларни мустаҳкамлаш, масалан, болалар ва ўсмирларни ёлланма ёки бошқа ишларда таҳқирлаш ҳолларини аниқлаш ҳамда бундай таҳқирлашларни бар-тараф этиш учун инспекторларни махсус тайёргарликдан ўтказиш йўли билан мустаҳкамлаш;
 - б) корхоналардаги тайёргарликни инспекция қилиш ва яхшилаш бўйича хизматларни мустаҳкамлаш.
- 2) Инспекторлар тегишли қоидаларга риоя этишнинг самарали усулларига доир ахборот ва маслаҳат беришда ҳамда бу қоидаларни ҳаётга татбиқ этишда қандай роль ўйнашлари мумкинлигига алоҳида эътибор бериш лозим.
- 3) Юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида меҳнат инспекцияси ва корхоналардаги тайёргарликни инспекция қилиш хизматларининг фаолияти узвий мувофиқлаштирилиши лозим, ва асосан, меҳнат масалаларини бошқариш хизматлари болалар ва ўсмирлар таълими, касбий тайёргарлиги, моддий таъминоти ва касбга йўналтириш масалаларига масъул бўлган хизматлар билан узвий ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.
15. Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши керак:
- а) ёлланма ёки бошқа иш турларидаги хавфли ишлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилишига;
 - б) таълим ёки касбий тайёргарлик қай даражада мажбурий бўлса, шу даражада йўриқ кўрсатиш вақтида болалар ва ўсмирларнинг ёлланиб ишлаш ва бошқа ишларда иш-лашларининг олдини олишга.
16. Ёшни текширишни енгиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши керак:
- а) давлат ҳокимият органлари туғилишни рўйхатга олишнинг самарали тизимини ташкил қилишлари лозим ва ўз навбатида, мазкур тизим туғилиш тўғрисида гувоҳнома бериш вазифасини ўз ичига олиши лозим;
 - б) иш берувчилардан, имкон қадар, факат уларда ишлаётган болалар ва ўсмирларнигина эмас, балки уларнинг

корхоналарида касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларини ўтаётганларнинг ҳам, керакли тарзда тасдиқланган исм-шарифлари, ёшлари ёки тугилган саноиси қайд этилган рўйхатларни ёки бошқа ҳужжатларни сақлашлари ҳамда ваколатли ҳокимият органларига тақдим этишлари талаб қилиниши лозим;

- с) агар болалар ва ўсмирлар кўчаларда, савдо шохобчаларида, жамоат жойларида ишласалар, иш турлари хусусияти бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришни талаб этадиган ёки бошқа шароитда ишласалар ва шу туфайли иш берувчиларнинг ёзувларини текшириш имконияти бўлмаса, у ҳолда мазкур болалар ва ўсмирларга улар шундай ишларда ишлашга руҳсат олгани қайд этилган гувоҳномалар ёки бошқа ҳужжатлар берилиши лозим.

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 190-Тавсия

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1999 йилнинг 1 июнида ўзининг Саксон
еттинчи Сессиясига тўпланиб,

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йил-
ги Конвенцияни қабул қилиб,

болалар меҳнатига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга
қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи банди
ҳисобланиб,

мазкур таклифларга, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари
тўғрисидаги 1999 йилги Конвенцияга қўшимча равишда, тавсия
шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил июнь ойининг ўн
еттинчи кунда қуйидаги «Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклла-
ри тўғрисидаги 1999 йилги Тавсия» деб номланиши мумкин бўлган
Тавсияни қабул қилди.

1. Мазкур Тавсия қоидалари Болалар меҳнатининг энг ёмон
шакллари тўғрисидаги 1999 йилги Конвенция (бундан кейин «Кон-
венция» деб юритилади) қоидаларига қўшимча қилинади ва улар
билан биргаликда қўлланилиши лозим.

I. Ҳаракат дастурлари

2. Конвенциянинг 6-моддасида кўрсатилган ҳаракат дастурлари,
— тегишли ҳукумат идоралари ҳамда меҳнаткашлар ва иш берувчи-
ларнинг ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, болалар меҳнатининг
энг ёмон шаклларига бевосита алоқадор бўлган болалар, шунингдек,
уларнинг оилалари, зарурат туғилган ҳолларда Конвенция ҳамда
мазкур Тавсия мақсадларига қўшиладиган бошқа тегишли гуруҳлар
фикрларини эътиборга олган ҳолда, — шошилиш равишда ишлаб

чиқилиши ва амалга оширилиши керак. Бундай дастурлар, бошқа масалалар қатори, қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- a) болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини аниқлаш ва қоралаш;
- b) болаларнинг болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига жалб этилишига йўл қўймаслик ёки уларнинг бундай меҳнат билан машғул бўлишини тугатиш, уларни катагонлардан химоя қилиш ҳамда таълим соҳасидаги эҳтиёжларини, жисмоний ва психологик эҳтиёжларини ҳисобга оладиган чоратадбирлар орқали уларнинг реабилитация қилинишини ва ижтимоий интеграциялашишини таъминлаш;
- c) алоҳида эътиборни қуйидагиларга қаратиш:
 - i) кичик ёшдаги болаларга;
 - ii) ўсмирлик ёшидаги қизларга;
 - iii) қизлар алоҳида хавфга дучор бўладиган яширин шаклдаги ишлар муаммосига;
 - iv) алоҳида заиф ёки алоҳида муҳтожликка эга болаларнинг бошқа гуруҳларига;
- d) болалар алоҳида хавфга дучор бўлиб қолган жамоаларни аниқлашга, бундай жамоаларни қамраб олиш ва улар билан ишлашга;
- e) жамоатчиликни ва тегишли гуруҳларни, шу жумладан, болалар ва уларнинг оилаларини хабардор қилиш, улар эътиборини муаммога жалб этиш ва уларни сафарбар этиш.

II. Хавфли иш

3. Конвенциянинг 3-моддаси «d» бандида кўрсатилган ишлар турини белгилашда ва улар амалга ошириладиган жойларни аниқлашда бошқа масалалар қатори қуйидаги ишлар кўриб чиқилиши керак:

- a) болалар жисмоний, психологик ёки шахвоний зўрлашга дучор бўладиган ишлар;
- b) ер остида, сув остида, хавфли баландликда ёки ёпиқ жойда бажариладиган ишлар;
- c) хавфли механизмлар, ускуналар ва асбоблар билан бажариладиган ишлар ёки оғир юкларни қўлда кўтариб ёки кўчириб юришни талаб этадиган ишлар;

- d) соғлиқ учун зарарли шароитдаги ишлар, масалан, болалар соғлигига зиён етказадиган хавфли моддалар ёки жараёнларга ёки ҳарорат, шовкин, силкиниш даражасига дучор бўлишлари мумкин бўлган ишлар;
- e) алоҳида оғир шароитда бажариладиган ишлар, масалан, иш вақти давомийлиги катта бўлган ёки тунги ишлар, шу жумладан, бола иш берувчига тегишли бинода асоссиз равишда ушлаб турилиши билан боғлиқ ишлар.
4. Конвенция 3-моддаси «d» бандида ҳамда юқорида келтирилган 3-моддада кўрсатилган иш турларига нисбатан, миллий конун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг, болалар соғлиғи, хавфсизлиги ва маънавияти тўла муҳофаза этилиши таъминланган бўлса ҳамда болалар фаолиятнинг тегишли соҳасида зарур махсус йўриқ ёки касбга ўқиган бўлса, уларни 16 ёшдан ишга ёллашга ёки ишлашга руҳсат бериши мумкин.

III. Қўлланиш

5. 1) Болалар меҳнатининг хусусиятлари ва қўламлари тўғрисида батафсил ахборот ҳамда статистик маълумотларни, — улар миллий даражада болалар меҳнатини бекор қилиш, айниқса, унинг энг ёмон шаклларини шошилиш равишда тақиқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатларнинг устувор йўналишларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши учун, — тўплаш ва янгилаб бориш лозим.
- 2) Имкон борича бундай ахборот ва статистик маълумотларда жинслар, ёш гуруҳлари, иш турлари, иктисодий фаолият тармоқлари, бандлик ҳолати, мактабга қатнаш ҳамда жуғрофий жойлашиши бўйича маълумотларни ажратилган ҳолда кўрсатиши лозим. Туғилишни рўйхатга олиш самарали тизимининг, шу жумладан, туғилиш тўғрисида гувоҳнома берилишининг муҳим аҳамиятини ҳисобга олиш лозим.
- 3) болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам беришга йўналтирилган миллий конунқоидалар бузилишига доир тегишли маълумотларни тўплаш ва янгилаб бориш лозим.

6. Юқоридаги 5-бандда келтирилган ахборот ва маълумотлар шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи тегишли даражада ҳисобга олинган ҳолда тўпланиши ва қайта ишланиши керак.

7. Юқоридаги 5-бандга мувофиқ тўпланадиган ахборот Халқаро Меҳнат Бюросига мунтазам равишда юбориб турилиши керак.

8. Ташкилот аъзолари, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий қонун-қоидаларнинг қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли миллий механизмни яратиши ёки белгилаши лозим.

9. Ташкилот аъзолари болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий қонун-қоидаларни амалга оширишга жавобгар бўлган ваколатли ҳокимият органлари бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишини ва фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаши керак.

10. Миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий қонун-қоидалар бажарилмайдиган ҳолларда қайси шахслар жавобгар бўлишини белгилаб қўйиши керак.

11. Ташкилот аъзолари, миллий қонунлар йўл қўядиган даражада, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари шोшилини равишда тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган халқаро даражадаги саъй-ҳаракатларда қуйидагилар орқали иштирок этиши лозим:

- a) жиноятларга оид, шу жумладан, халқаро тармоқлар иштирокидаги ҳуқуқбузарликларга доир ахборотларни тўплаш ва шундай ахборотлар билан алмашиш;
- b) болаларни сотиш ва уларнинг траффики билан шуғулланадиган ёки қонунга хилоф фаолиятлар, фоҳишабозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнография томошаларида иштирок этиш учун болалардан фойдаланиш, уларни ёллаш ёки уларни таклиф қилиш билан шуғулланадиган шахсларни кидириш ва қонунга мувофиқ таъқиб этиш;
- c) ана шундай ҳуқуқбузарликлар содир этадиган шахсларни қайд этиш.

12. Ташкилот аъзолари болалар меҳнатининг қуйидаги энг ёмон шакллари жиноят эканлигини назарда тутиши керак:

- a) кулликнинг барча шакллари ёки кулликка ўхшаш амалиёт, масалан, болаларни сотиш ва уларнинг траффики, қарз асо-сидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу билан бирга, болалардан қуролли можароларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбур-лаб жалб қилиш;
- b) фоҳишабозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулот-лари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;
- c) қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш учун, хусусан, те-гишли халқаро шартномаларда белгилангани каби, наркотик-лар тайёрлаш ва сотиш учун, ўқотар ёки бошқа қуролларни ноқонуний равишда ташиш ёки ишлатиш билан боғлиқ фао-лият учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;

13. Ташкилот аъзолари, Конвенция 3-моддаси «d» банди кўзда тутувчи ҳар қандай иш турини тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий қонун-қоидалар бузилганлиги учун жазо чора-лари қўллашни, зарурат туғилса, жинойий жавобгарликка тортишни таъминлаши лозим.

14. Ташкилот аъзолари, шу билан бирга, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қара-тилган, жумладан, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари қўлла-нилиб келинган қорхоналарни алоҳида назорат остига олиш, дои-мий равишда қонунга хилоф ишларга йўл қўйилганда эса, хўжалик фаолияти юритиш учун рухсатномани вақтинча ёки бутунлай бекор қилишга қаратилган миллий қонун-қоидаларга самарали риоя эти-лишини таъминлаш учун, тегишли ҳолларда, жинойий, фуқаролик ёки маъмурий характердаги бошқа чоралар шошилини равишда қўлланилишини кўзда тутиши лозим.

15. Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар қуйидагиларни кўзда тутиши мумкин:

- a) мазкур муаммо тўғрисида кенг жамоатчиликни, шу жумла-дан, миллий ва маҳаллий сиёсий етакчиларни, парламент

- аъзоларини ва судьяларни хабардор этиш, улар эътиборини ушбу муаммоларга жалб этиш ва сафарбар қилиш;
- b) меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари, шунингдек, жамоат ташкилотларини жалб этиш, уларга йўриқ бериш;
- c) тегишли ҳукумат мансабдор шахслари, айниқса инспектор ва ҳуқуқ-тартибот органлари меҳнаткашлари, шунингдек, бошқа тегишли мутахассислар зарур касбий тайёргарликдан ўтишини таъминлаш;
- d) Ташкилот аъзолари томонидан ўз мамлакатада болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган миллий қонун-қоидаларни бузишга доир ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган ўз фуқароларига нисбатан, агар улар бу ҳуқуқбузарликларни бошқа мамлакатларда қилган бўлсалар ҳам, суд таъқибини амалга ошириш;
- e) суд ва маъмурий тартибларни соддалаштириш, шунингдек, уларнинг мақсадга аниқ йўналтирилиши ва тезкорлигини таъминлаш;
- f) корхоналарнинг Конвенция мақсадларига эришишга қаратилган сиёсат юритишини рағбатлантириш;
- g) болалар меҳнатига барҳам бериш соҳасидаги энг яхши амалиёт мониторингини олиб бориш ва буни ошқор қилиш;
- h) болалар меҳнати тўғрисидаги ҳуқуқий ёки бошқа қоидаларни турли тилларда ёки шеваларда ошқор қилиш;
- i) шикоятларни кўриб чиқишнинг махсус тартибини белгилаш ҳамда қонуний равишда Конвенция қоидалари бузилишини кўрсатиб берадиган шахсларни камситишдан ва катагонлардан ҳимоя қилишга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ёрдам кўрсатиш бўйича телефон тармоқларини ўрнатиш ёки ёрдам пунктларини очиш ҳамда омбудсман тайинлаш;
- j) ўғил ва қиз болалар эҳтиёжларини қондириш мақсадида таълим инфратузилмасини ҳамда ўқитувчиларнинг касбий тайёрланишини такомиллаштириш юзасидан зарур чоратадбирлар қўриш;
- k) миллий ҳаракат дастурларида, имкон борича, қуйидагиларни эътиборга олиш:
- i) Конвенцияда кўзда тутган шароитда меҳнат қилаётган болаларнинг ота-оналари ҳамда оиласидаги катта ёшда

бўлган аъзоларини касбга тайёрлаш ва уларга иш жойлари яратиш зарурати;

ii) шундай шароитда меҳнат қилаётган болалар муаммоларига ота-оналар эътиборини жалб этиш зарурати.

16. Ташкилот аъзолари ўртасида болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга самарали барҳам бериш мақсадидаги яқин халқаро ҳамкорлик ва/ёки бир-бирига ёрдам миллий савий-ҳаракатларни такомиллаштириши лозим ва зарур ҳолларда, меҳнаткашлар ва иш берувчилар ташкилотлари билан маслаҳатлашиб ривожлантирилиши ва амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳамкорлик ва/ёки ёрдам қуйидагиларни қамраб олиши керак:

- a) миллий ва халқаро дастурлар учун ресурслар сафарбар этишни;
- b) ўзаро ҳуқуқий ёрдамни;
- c) техник кўмакни, шу жумладан, ахборот алмашишни;
- d) ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, қашшоқликни тугатиш дастурларини ва универсал таълимни қўллаб-қувватлашни.

ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ МЕХНАТ ВА ИШ ТУРЛАРИ СОҲАСИДА КАМСИТИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАВСИЯЛАРИ

Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги 90-Тавсия

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва 1951 йилнинг 6 июнида ўзининг Ҷтгиз тўртинчи Сессиясига тўпланиб,

тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг еттинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга, Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Конвенцияга қўшимча равишда, тавсия шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз эллик биринчи йил июнь ойининг йигирма тўққизинчи кунда куйидаги «Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Тавсия» деб номланиши мумкин бўлган Тавсияни қабул қилди:

Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Конвенция, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлашга доир бир қанча асосий принципларни белгилашини эътиборга олиб,

айтиб ўтилган Конвенция, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципининг қўлланилишини тегишли мамлакатларда ҳақ тўлаш миқдорини белгилашнинг амалдаги усулларига мос келадиган воситалар орқали таъминлашни ва қўллаб-қувватлашни кўзда тутишини эътиборга олиб,

Конвенцияда белгиланган принципларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш учун баъзи тадбирларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ эканлигини эътиборга олиб,

шу билан бир каторда, Ташкилотнинг барча аъзолари, ушбу принципларни қўллашда, кўпчилик мамлакатларда ўзини оқлаган усулларни ҳисобга олиши мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиб,

Конференция, Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Конвенция 2-моддасининг коидаларига риоя этган ҳолда, куйида келтирилаётган коидаларни қўллашни ҳамда Маъмурий кенгаш сўровига мувофиқ уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида Халқаро Меҳнат Бюросига маълум қилишни тавсия этади:

1. Меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан ёки, бундай ташкилотлар мавжуд бўлмаса, меҳнаткашларнинг ўзлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг куйидаги мақсадларда тегишли фаолият амалга оширилиши лозим:

- a) тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципи марказий давлат органлари ва муассасаларининг барча хизматчиларига нисбатан қўлланилишини таъминлаш;
- b) ушбу принцип мамлакат, вилоят ёки маҳаллий давлат органлари ёки муассасалари хизматчиларига нисбатан қўлланилишини, агар ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш ушбу органлар ва муассасалар юрисдикциясига кирган бўлса, қўллаб-қувватлаш.

2. Иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг, юқоридаги 1-бандда айтиб ўтилган иш соҳаларидан ташқари барча бошқа — ҳақ тўлаш миқдори белгиланиши амалдаги тартиб-коидалар асосида амалга ошириладиган ёки давлат назорати остида бўлган — иш турларида ёлланганларга нисбатан, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципи имкон қадар тез қўлланилишини таъминлаш мақсадида тегишли фаолият амалга оширилиши лозим. Хусусан, куйидагилар соҳасида:

- a) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида энг кам иш ҳақи миқдорини ёки бошқа миқдорларни таъсис этиш, агар бу миқдорлар давлат ҳокимият органлари томонидан белгиланган бўлса;
- b) давлат мулки бўлган ёки давлат назорати остида бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналар;

с) тегишли ҳолларда давлат муассасалари билан тузилган шартномалар бўйича бажариладиган ишлар.

3. 1) Тегишли ҳолларда, тегишли қонун ҳужжатини қабул қилиш орқали, ҳақ тўлаш миқдорини белгилашнинг амалдаги усулларига мос келадиган воситалар асосида, тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципи кенг миқёсда қўлланилишига қаратилган чора кўрилиши лозим.

2) Ваколатли ҳокимият органи иш берувчилар ва меҳнаткашларни ушбу қонуннинг талабларидан тўла хабардор бўлишини таъминлаш учун ва лозим бўлган ҳолларда, улар ушбу талабларнинг қўлланилиши бўйича маслаҳатлар олиши учун барча зарур ва тегишли чора-тадбирлар кўриши керак.

4. Агар меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар улар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг, юқоридаги 1, 2 ёки 3-бандларда кўзда тутилган иш турларига нисбатан тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципини дарҳол ҳаётга татбиқ этишнинг имкони йўқ, деб топилса, уларни имкон қадар тез, босқичма-босқич амалга ошириш учун, тегишли чора-тадбирлар кўрилиши керак, ёки чора-тадбирлар кўрилиши учун асос яратилиши лозим, жумладан, куйидагилар ёрдамида:

а) тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга ҳақ тўлаш миқдорлари ўртасидаги фарқни камайтириш;

б) устамалар тизими мавжуд бўлган ҳолларда тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг устамалар ўрнатиш.

5. Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципига мос равишда ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланишини энгиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда, Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан келишган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш орқали ёки бошқа усуллар ёрдамида, жинсидан қатъий назар, ишларни таснифлаш мақсадида, бажариладиган меҳнатни ҳолис баҳолаш усулларини ишлаб чиқиши керак ёки ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаши лозим; мазкур усуллар, Конвенциянинг юқорида қайд этилган 2-моддаси қоидаларига мувофиқ қўлланилиши лозим.

6. Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципи қўлланилишини енгиллаштириш мақсадида аёллар меҳнати самарадорлигини ошириш учун, зарур ҳолларда, қуйидагиларга ўхшаган чоралар орқали тегишли фаолият амалга оширилиши керак:

- a) ҳар икки жинс меҳнаткашларини касб танлаши ёки иш билан таъминланиши масалалари бўйича маслаҳат олиши, касбга ўқиши ва ишга жойлашиши учун тенг ёки тенг аҳамиятли имкониятлар билан таъминлаш;
- b) аёллар касб танлаши ёки иш билан таъминланиш масалалари бўйича маслаҳат олиши, касбга ўқиши ва ишга жойлашиши учун берилган имкониятлардан фойдаланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилиши;
- c) аёл меҳнаткашларнинг, айниқса, оилавий мажбуриятли меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига мос келадиган моддий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий таъминот хизматлари билан таъминлаш ҳамда мазкур хизматларни умумдавлат фондлари ҳисобидан ёки ижтимоий таъминот фондлари ҳисобидан, ёки меҳнаткашлар бўйича, жинсидан қатъий назар амалга ошириладиган тўловлар орқали ташкил этилган ишлаб чиқариш тармоқларининг моддий ёрдам фонди ҳисобидан молиялаштириш;
- d) эркак ва аёл меҳнаткашларнинг турли иш турларида ишлаши ва лавозимларни эгаллашига нисбатан аёлларнинг соғлиқни сақлаш ва фаровонлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро битимларга ёки мамлакат қонун ҳужжатларига зарар етказмаган ҳолда тенглигини таъминлаш.

7. Аҳоли орасида тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш принципини ҳаётга татбиқ этиш зарурати сабаблари тушунилишига кўмаклашиш учун барча саъй-ҳаракатлар қилиниши лозим.

8. Мазкур принципнинг қўлланилишига ёрдам бериш учун керакли тадқиқотлар олиб борилиши лозим.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АЙРИМ КОНВЕНЦИЯ ВА ТАВСИЯНОМАЛАРИ

Қирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилги 47-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,
Женевада 1935 йилнинг 4 июнида ўзининг Ўн тўққизинчи Сес-
сиясига тўпланиб,

иш вақтини қисқартириш тўғрисидаги масала Сессия кун тарти-
бининг олтинчи банди бўлганини эътиборга олиб;

ишсизлик шу қадар кенг миқёс олганлигини ва шунчалик узок
вақт давом этаётганини,

ҳозирги вақтда жаҳон бўйича миллионлаб меҳнатқашлар
қийинчилик ва қашшоқликдан азоб чекаётганини ва бунинг учун
улар жавобгар эмасликларини ҳамда улар бу азоблардан халос
бўлиш учун қонуний ҳуқуққа эга эканини эътиборга олиб,

меҳнатқашлар замонавий саноатга хос бўлган техника тараққиёти
самарасидан имкон борича амалда фойдалана олиши мақсадга
мувофиқлигини эътиборга олиб,

Халқаро Меҳнат Конференциясининг Ўн саккизинчи ва Ўн
тўққизинчи сессияларида қабул қилинган резолюцияларнинг амалга
оширилишида иш турларининг барча шакларида иш вақти мудда-
тини имкон қадар қисқартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг
давом эттирилиши зарурлигини эътиборга олиб,

бир минг тўққиз юз ўттиз бешинчи йил июнь ойининг йигирма
иккинчи кунда қуйидаги «Қирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги
1935 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенция-
ни қабул қилади:

1-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат
Ташкилотининг ҳар бир аъзоси қуйидагиларни маъқуллашини бил-
диради:

- а) қирк соатлик иш хафтаси принципини ва у шундай қўлланилиши керакки, натижа меҳнаткашлар турмуш даражасининг пасайишига олиб келмаслиги даркорлигини; ва
- б) шу мақсад ҳимояси учун мақбул ҳисобланадиган чоратадбирлар кўрилишини ёки тадбирларга ёрдам беришни;
- ва шу принципни иш турларининг турли тоифаларига нисбатан (Ташкилотнинг мазкур аъзоси томонидан ратификация қилиниши мумкин бўлган) айрим конвенцияларнинг батафсил қоидаларига мувофиқ қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

3-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

4-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилоти икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олинishi билан, Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорини бу ҳақда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради. Бош директор, шунингдек, кейинчалик Ташкилотнинг бошқа аъзолари томонидан юбориладиган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

5-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун

юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин, Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

6-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

7-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 5-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

8-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги 52-Конвенция³

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1936 йилнинг 4 июнида ўзининг Йигир-
манчи Сессиясига тўпланиб,

ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга оид бир қанча таклифларни
қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг иккин-
чи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йил июнь ойининг йигирма
тўртинчи кунда қуйидаги «Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги
1936 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенция-
ни қабул қилди:

1-модда

1. Ушбу Конвенция қуйидаги корхоналардан ёки муассасалар-
дан бирида, улар давлатга қарашли ёки хусусий бўлишидан қатъий
назар, ёлланган барча шахсларга нисбатан қўлланилади:

- а) буюмлар ишлаб чиқариладиган, ўзгартириладиган, тозаланади-
ган, таъмирланадиган, безаладиган, сайкал бериладиган, сотишга
тайёрланадиган, бузиладиган ёки йўқ қилинадиган корхоналарда
ёки материаллар қайта ишланадиган корхоналарда, шу жумла-
дан, кемасозлик билан шуғулланадиган корхоналарда, электр
қуввати ёки ҳар қандай двигатель қуввати ишлаб чиқарадиган,
трансформация қилинадиган ёки узатиладиган корхоналарда;
- б) тўла ёки асосан қуйидагиларни — қуриш, реконструкция
қилиш, сақлаш, таъмирлаш, қайта қуриш ёки бузиш билан
шуғулланадиган корхоналарда:

³Кучга кирган санаси: 1939 йил 22 сентябрь. Конвенция 1970 йилда 132-
Конвенция билан қайта кўриб чиқилган. 132-Конвенция кучга кирган пайтдан
этиборан 52-Конвенция ратификация қилиш учун ёпиқдир.

- биноларни;
 - темир йўлларни;
 - трамвай йўлларини;
 - аэропортларни;
 - портларни;
 - доктларни (кемалар тузатиладиган корхона);
 - пирсларни (кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жойлар);
 - сув тошқини ёки қирғоқ эрозиясидан муҳофаза қиладиган иншоотларни;
 - каналларни;
 - ички, денгиз ёки ҳаво навигацияси мақсадларига мўлжалланган иншоотларни;
 - йўлларни;
 - туннелларни;
 - кўприкларни;
 - виадукларни;
 - канализация тармоқларини;
 - сув қувурларини;
 - сув ҳавзаларини;
 - ирригация ёки дренаж иншоотларни;
 - телекоммуникация қурилмаларини;
 - газ ёки электр қуввати ишлаб чиқариш ёки тақсимлаш бўйича иншоотларни;
 - қувурларни;
 - сув таъминоти тармоқларини;
 - ҳамда бошқа шу каби ишлар ёки юқорида қайд этилган ишларнинг асосини тайёрлаш ёки пойдеворини ўрнатиш билан шуғулланадиган корхоналарни;
- с) йўллар, темир йўллар, ички сув йўллари ёки ҳаво йўлларида йўловчиларни ёки юкларни ташиш, шу жумладан, юкларни порт, причал, пристань, юк омборларида ёки аэропортларда ташиш билан шуғулланадиган корхоналарда;
- д) ердан фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича шахта, карьерларда ва бошқа корхоналарда;
- е) тижорат ёки савдо муассасаларида, шу жумладан, почта ва телекоммуникация хизматларида;
- ғ) меҳнаткашлари асосан идора иши билан машғул бўладиган муассасалар ва маъмурий хизматларда;

- g) газета чиқарувчи корхоналарда;
- h) касал, ногирон, каровсизларни ёки рухий касалларни даволайдиган ва уларга гамхўрлик қиладиган муассасаларда;
- i) меҳмонхоналар, ресторанлар, пансионлар, клублар, кахвахоналар ва бошқа шуларга ўхшаш дам олиш ва овқатланиш муассасаларида;
- j) театрлар ҳамда оммавий томоша ва кўнгилочар жойларда;
- k) юқорида айтилган категориялар билан бутунлай камраб олинмаган аралаш тижорат ва ишлаб чиқиш корхоналарида.

2. Ҳар бир мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органи, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг асосий тегишли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашгандан сўнг, бир томондан юқоридаги бандда қайд этилган корхоналар ва муассасалар, иккинчи томондан мазкур Конвенция уларга нисбатан қўлланилмайдиган корхоналар ва муассасалар ўртасидаги чегараларни белгилайди.

3. Ҳар бир мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органи қуйидаги шахсларни мазкур Конвенция қўлланилиши доирасидан четлатиши мумкин:

- a) фақатгина иш берувчининг оила аъзолари ёлланадиган корхоналарда ёки муассасаларда ёлланган шахсларни;
- b) давлат муассасаларида хизмат қилувчи, хизмат шароити асосида камида ушбу Конвенция кўзда тутилган муддатга тенг бўлган ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил олувчи шахсларни.

2-модда

1. Ҳар бир шахс, агар ушбу Конвенция унга нисбатан қўлланилса, бир йил давомида узлуксиз меҳнат қилганидан сўнг, камида олти иш кунига тенг муддатли ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Ўн олти ёшдан кичик бўлган шахслар, шу жумладан, ўқувчилар, бир йил давомида меҳнат қилганларидан сўнг камида ўн икки иш кунига тенг муддатли ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга қуйидагилар қўшилмайди:

- a) расмий байрамлар ва анъанавий дам олиш кунлари;

б) касаллик оқибатидаги ишдаги танаффуслар.

4. Миллий қонун ҳужжатлари алоҳида вазиятларда ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилнинг ушбу моддада кўзда тутилган энг кам муддатдан ортиқ бўлган ҳар қандай қисмини бўлакларга бўлишга рухсат бериши мумкин.

5. Ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил муддати, миллий қонун ҳужжатларда кўзда тутилган шартлардан келиб чиққан ҳолда, хизмат давомийлигига қараб кўпайтирилади.

3-модда

Ушбу Конвенциянинг 2-моддаси асосида таътилга чиқадиган ҳар бир шахс бутун таътил давомида қуйидаги ҳақларни олади:

а) миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган усуллар орқали ҳисобланган ўзининг одатдаги ҳақини ва бунга қўшимча равишда, ўзининг одатдаги ҳақиға тенг қийматли нақд пулни, агар мавжуд бўлса; ёки

б) жамоа шартномалари томонидан белгиланган ҳақни.

4-модда

Ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқини истисно этадиган ёки бундай таътил бериш ҳуқуқини бермайдиган ҳар қандай битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

5-модда

Миллий қонун ҳужжатлари қуйидаги қондани кўзда тутиши мумкин: ҳар йилги таътили пайтида ҳақ тўланадиган ишда банд бўлган шахслар, ушбу таътил даври бўйича ҳақ олишдан маҳрум бўлишлари мумкин.

6-модда

Иш берувчиларга боғлиқ сабабга кўра тегишли таътилдан фойдалангунга қадар ишдан бўшатилган шахсларга, мазкур Конвенцияга мувофиқ, таътилнинг ҳар бир куни учун 3-моддада кўзда тутилган ҳақ тўланиши лозим.

7-модда

Ушбу Конвенция қондаларини ҳаётга самарали татбиқ этишни енгиллаштириш учун, ваколатли ҳокимият органи томонидан

маъқуллаган шаклда, ҳар бир иш берувчидан қуйидагиларни ақс эттирувчи ёзувларни қайд этиб бориш талаб қилинади:

- а) у томонидан ёлланган ҳар бир шахснинг ишга қабул қилинган санасини ҳамда шунга ўхшаш ҳар бир шахс эга бўлган ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилнинг муддатини;
- б) ҳар бир шахснинг ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш саналарини;
- с) ҳар бир шахснинг ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил даври учун оладиган ҳақини.

8-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция қоидалари қўлланилишини таъминлаш учун чоралар тизимини таъсис этади.

9-модда

Ушбу Конвенциянинг ҳеч бир қоидаси, мазкур Конвенцияда кўзда тутилган шароитдан қулайроқ шароитни таъминлайдиган қонунлар, суд қарорлари, анъаналар ёки меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги битим қоидаларига салбий таъсир қилмайди.

10-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

11-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

12-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилоти икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олинishi билан, Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори бу ҳақда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради. Бош директор, шунингдек, кейинчалик Ташкилотнинг бошқа аъзолари томонидан юбориладиган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

14-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

15-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, 13-модда қодаларидан катъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, буида қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

16-модда

Мазкур Конвенциянинг французча ва инглизча матилари бир хил кучга эга.

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги (қайта кўриб чиқилган) 103-Конвенция⁴

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чакирилиб ва 1952 йилнинг 4 июнида ўзининг Ўттиз бе-
шинчи Сессиясига тўпланиб,

оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бир қанча таклифларни
қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг еттин-
чи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз эллик иккинчи йил июнь ойининг йи-
гирма саккизинчи кунда қуйидаги «Оналикни муҳофаза қилиш
тўғрисидаги 1952 йилги (қайта кўриб чиқилган) Конвенция» деб
номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Ушбу Конвенция саноат корхоналарида, носаноат ва кишлок
хўжалик ишларида банд бўлган аёлларга, шу жумладан, қасаначи
сифатида ёлланган аёлларга нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур Конвенция мақсадлари учун «саноат корхоналари»
атамаси давлат ва хусусий корхоналарни, шунингдек, уларнинг ҳар
қандай бўлимларини ўз ичига олади ва хусусан қуйидагиларни
камраб олади:

- а) ердан фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича шахта, ка-
рьерларни ва бошқа корхоналарни;
- б) буюмлар ишлаб чиқариладиган, ўзгартириладиган, тозалана-
диган, таъмирланадиган, безаладиган, сайкал бериладиган,

⁴Кучга кирган санаси: 1955 йил 7 сентябрь. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг
Конвенциялари ва Тавсиялари расмий тўплами нашр этилаётган пайтда (1996
йил) 1997 йил июнь ойига режалаштирилган Конференция 85-сессияси кун тар-
тибига мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш эҳтимоли тутилган банд кирит-
тилган эди.

сотишга тайёрладиган, бузиладиган ёки йўқ қилинадиган корхоналарни ёки материаллар қайта ишланадиган корхоналарни, шу жумладан, кемасозлик билан шуғулланадиган корхоналарни, электр қуввати ёки ҳар қандай двигателъ қуввати ишлаб чиқарадиган, трансформация қилинадиган ёки узатиладиган корхоналарни;

- с) қурилиш ва иншоотлар қурилиши билан шуғулланувчи корхоналарни, хусусан, қуриш, таъмирлаш, саклаш, қайта қуриш ёки бузиш билан шуғулланувчи корхоналарни;
- д) йўллар, темир йўллар, денгиз, ички сув йўллари орқали ёки ҳаво йўллари орқали йўловчиларни ёки юкларни ташиш билан шуғулланадиган, шу жумладан, юкларни порт, причал, пристанъ, юк омборларида ёки аэропортларда ташиш билан шуғулланадиган корхоналарни.

3. Мазкур Конвенция мақсадлари учун «носаноат иш турлари» атамаси қуйидаги давлат ёки хусусий корхоналарда ёки хизматларда бажариладиган ёки улар билан боғлиқ бўлган иш турларини ўз ичига олади:

- а) тижорат муассасалари;
- б) почта ва телекоммуникация хизматлари;
- с) меҳнаткашлари асосан идора иши билан машгул бўладиган муассасалар ва маъмурий хизматлар;
- д) газета чиқарувчи корхоналари;
- е) меҳмонхоналар, пансионлар, ресторанлар, клублар, қаҳвахоналар ва бошқа шуларга ўхшаш дам олиш ва овқатланиш муассасалари;
- ф) касал, ногирон, қаровсизларни ёки етимларни даволайдиган ва уларга ғамхўрлик қиладиган муассасалар;
- г) театрлар ва маданий-оммавий муассасалар;
- ҳ) хусусий хўжаликларда бажариладиган ҳақ тўланадиган уй меҳнати.

Шунингдек, ваколатли ҳокимият органи мазкур Конвенция қоидаларини қўллашга қарор қилган бошқа ҳар қандай носаноат иш турлари.

4. Мазкур Конвенция мақсадлари учун «қишлоқ хўжалик иш турлари» атамаси қишлоқ хўжалик корхоналарида, шу жумладан, экинзорлар ҳамда йирик саноатлаштирилган қишлоқ хўжалик корхоналарида бажариладиган барча иш турларини ўз ичига олади.

5. Ушбу Конвенция муайян корхона, корхона бўлими ёки иш турига нисбатан қўлланилишига гумон тутилган барча ҳолларда, мазкур масала ваколатли ҳокимият органи томонидан меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ваколатли ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг ҳал қилинади.

6. Миллий қонун ҳужжатлари мазкур Конвенция қўлланилиши доирасидан фақат иш берувчининг оила аъзолари, миллий қонун-қондалар белгилагани каби, ёлланадиган корхоналарни чиқариши мумкин.

2-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «аёл» атамаси ёши, миллати, ирқи ёки эътиқоди, никоҳда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, аёл жинсига мансуб ҳар қандай шахсни, «фарзанд» атамаси эса унинг ота-онаси никоҳда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, ҳар қандай фарзандни англатади.

3-модда

1. Аёл, унга нисбатан мазкур Конвенция қўлланилса, унинг эҳтимол тутилган туғиш вақтини тасдиқловчи тиббий гувоҳнома тақдим этилиши билан оналик таътилига чиқиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Оналик таътили муддати камида ўн икки ҳафтани ташкил этади ҳамда туғишдан кейинги мажбурий таътил муддатини ўз ичига камраб олади.

3. Туғишдан кейинги мажбурий таътил муддати миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади, аммо ҳеч бир ҳолда олти ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас; оналик таътилининг бутун муддатидан қолган қолдиғидан, миллий қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилганига қараб, эҳтимол тутилган туғиш вақтигача ёки туғишдан кейинги мажбурий таътил муддати тугаганидан сўнг фойдаланилиши мумкин ёки унинг бир қисмидан эҳтимол тутилган туғиш вақтигача, қолган қисмидан эса туғишдан кейинги мажбурий таътил тугагандан сўнг фойдаланилиши мумкин.

4. Агар туғиш эҳтимол тутилган муддатдан сўнг рўй берса, ушбу муддатгача олинган таътил ҳар қандай ҳолда ҳам туғишнинг амалдаги муддатигача узайтирилади, бунда туғишдан кейинги мажбурий таътил давомийлиги қисқартирилмайди.

5. Ҳомиладорлик сабабли тиббӣй гувоҳлик билан аниқланган касалланиш ҳолида миллий қонун ҳужжатлари туғишгача бўлган давр учун кўшимча таътил муддатини кўзда тутуди ва бунинг энг кўп даврийлиги ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланади.

6. Туғиш сабабли тиббӣй гувоҳлик билан аниқланган касалланиш ҳолида аёл туғишдан кейинги таътилни узайтириш ҳуқуқига эга бўлади ва бу узайтирилган таътил энг кўп муддати ваколатли ҳокимият органи томонидан белгиланиши мумкин.

4-модда

1. 3-модда қоидаларига мувофиқ равишда оналик таътилида бўлган аёл пул ва тиббӣй нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Пул нафақаси миқдори миллий қонун ҳужжатлари томонидан аёлнинг ўзи ва унинг фарзанди учун гигиена нуқтаи назаридан яхши ҳаётӣй шароитни ҳамда зарур турмуш даражасини таъминлайдиган тарзда белгиланади.

3. Тиббӣй нафақалар малакали акушерлар ёки врачлар томонидан аёл туғишигача, туғиш вақтида ва туғишидан кейин уни парвариш қилишни ва кузатувни, шунингдек, заруратга қараб касалхонага ётқизилишини ўз ичига олади; бунда аёлнинг имконият даражасида врачни танлаш, шунингдек, давлат ёки хусусий тиббӣй муассасани танлаш эркинлиги ҳурмат қилинади.

4. Пул ва тиббӣй нафақалар мажбурий ижтимоий сугурта тизими маблағлари ҳисобидан ёки давлат фонди ҳисобидан берилади: ҳар икки ҳолда ҳам кўрсатилган шартларга жавоб берадиган барча аёллар бу ҳуқуққа эга бўладилар.

5. Кўрсатилган нафақалар олиш ҳуқуқига эга бўлишга даъвогарлик қила олмайдиган аёллар, ижтимоий ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган текшириш орқали, ижтимоий ёрдам фондлари томонидан бериладиган тегишли ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

6. Мажбурий ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобига бериладиган пул нафақалари миқдори аёлнинг аввалги иш ҳақи асосида ҳисоблаб чиқиладиган бўлса, бу пул нафақаси миқдори аёлнинг ушбу мақсадда ҳисобга олинандиган аввалги иш ҳақининг камида учдан икки қисмини ташкил этади.

7. Ҳар қандай бадаллар, яъни оналик нафақаларни кўзда тутувчи ҳамда бу нафақаларни бериш мақсадидан келиб чиқадиган иш ҳақи суммасига асосланган ҳар қандай солиқларни кўзда тутувчи

мажбурий ижтимоий суғурта тизими асосида бериладиган бадаллар, иш берувчилар ва меҳнаткашлар томонидан ёки факат иш берувчиларнинг ўзлари томонидан тўланишидан қатъий назар, корхонада ёлланган эркаклар ва аёллар умумий сони асосида, жинси фарқланмасдан, тўланади.

8. Ҳеч бир ҳолда иш берувчи у томонидан ёлланган аёлларга тўланадиган бундай нафақаларнинг харажатлари учун шахсан жавобгар бўлмайди.

5-модда

1. Агар аёл ўз фарзандини боқадиган бўлса, у бу мақсад учун ишида бир ёки бир неча марта танаффус олиш ҳуқуқига эга бўлади ва бу танаффус давомийлиги миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади.

2. Аёлнинг фарзандини боқиш мақсадидаги ишдаги танаффуслари иш вақтидек ҳисобланади ҳамда унга бу учун қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда иш вақтидек ҳақ тўланади; агар бу масала жамоа шартномаси орқали тартибга солинадиган бўлса, мазкур қоида тегишли шартнома билан белгиланади.

6-модда

Аёл ушбу Конвенциянинг 3-модда қоидаларига мувофиқ унга берилган оналик таътили асосида ишда бўлмаса ва шу пайтда иш берувчи томонидан ушбу аёлни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ қабул қилинса ёки ушбу аёлнинг бундай таътили пайтида муддати тугайдиган буйруқ қабул қилинса, бундай буйруқ ноқонуний ҳисобланади.

7-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинган декларацияси орқали, қуйидагиларни мазкур Конвенция қўлланилиши доирасидан истисно қилиши мумкин:

- а) носаноат иш турларининг айрим тоифаларини;
- б) қишлоқ хўжалик корхоналарида (экинзорлардан ташқари) бажариладиган иш турларини;
- с) хусусий хўжаликларда бажариладиган ҳақ тўланадиган уй хизматини;

д) касаначи сифатида ёлланган аёлларни;

е) денгиз орқали йўловчиларни ёки юкларни ташиш билан шуғулланадиган корхоналарни.

2. Агар Ташкилотнинг аъзоси томонидан ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган иш турлари ёки корхоналар тоифалари истисно қилинса, ушбу истиснолар ратификация тўғрисидаги ҳужжатга илова қилинадиган декларацияда кўрсатилади.

3. Шундай декларация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси навбатдаги декларацияси орқали шундай декларацияни тўла ёки қисман бекор қилиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, унга нисбатан ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ тайёрланган декларацияси кучда бўлса, ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг ҳар йилги маърузасида, айтиб ўтилган декларацияга кўра мазкур модданинг 1-банди қўлланиладиган иш турлари ва корхоналарга нисбатан ўз қонунчилиги ва амалиётининг ҳолатини ҳамда ушбу иш турлари ва корхоналарга нисбатан Конвенция қай даражада қўлланилаётгани ёки уларни қандай қўллаш кўзда тутилаётганини кўрсатади.

5. Ушбу Конвенция дастлаб кучга кирган санадан беш йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши Конференцияга, ушбу истиснолар қўлланилиши бўйича, мазкур масала соҳасида амалга оширилиши керак бўлган чоралар тўғрисидаги тақлифларни ўз ичига олувчи махсус маърузани тақдим этади.

8-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

9-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

10-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 2-бандига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда қуйидагилар кўрсатилади:

- a) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришларсиз қўлланилишини зиммасига олиши;
- b) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришлар билан қўлланилишини зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;
- c) қайси ҳудудларга нисбатан Конвенция қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- d) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини, бу ҳолат келгусида кўриб чиқилгунга қадар, сақлаб туриши.

2. Ушбу модда 1-бандининг «а» ва «b» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «b», «c» ёки «d» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 12-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

11-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 4- ва 5-бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан

ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатилади; агар декларацияда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, у ҳолда ўзгартиришларнинг тафсилоти ҳам берилади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали, тегишли ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларациясида кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 12-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

12-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

13-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзо-

ларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

14-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

15-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

16-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 12-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

17-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Мехнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги 135-Конвенция

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро Мехнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1971 йилнинг 2 июнида ўзининг Эллик ол-
тинчи Сессиясига тўпланиб,

мехнаткашлар мехнат соҳасида бирлашмалар эркинлигини
чеклашга қаратилган ҳар қандай камситиш ҳаракатларига қарши
ҳимояни таъминловчи Жамоа музокараларини олиб бориш ва бир-
лашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция қоидаларини
ҳисобга олиб,

корхоналарда мехнаткашларнинг вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш ҳамда уларга берилган имкониятларга оид бир қанча таклиф-
ларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг
бешинчи банди ҳисобланиб ва,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

бир минг тўққиз юз етмиш биринчи йил июнь ойининг йигирма
учинчи кунда қуйидаги «Мехнаткашлар вакиллари тўғрисидаги
1971 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенция-
ни қабул қилади:

1-модда

Корхонадаги мехнаткашларнинг вакиллари уларга зарар етқа-
зиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши, шу жум-
ладан, уларнинг мехнаткашлар вакили сифатидаги мақомига ёки
фаолиятига асосан ёки уларнинг бирлашмага аъзо бўлганлигига,
ёки уларнинг бирлашма фаолиятида иштирок этганлигига асосан
бўшатилишига қарши самарали ҳимоядан, улар қанчалик амалдаги
қонун ҳужжатларига ёки жамоа шартномаларига ёки бошқа бирга-
ликда келишилган шартномаларга мувофиқ равишда фаолият олиб
борган бўлсалар, шу даражада фойдаланадилар.

2-модда

1. Корхонада меҳнаткашлар вакилларига улар ўз функцияларини тез ва самарали бажаришига имкон берадиган керакли шарт-шароит яратилади.

2. Шу муносабат билан, тегишли корхона эҳтиёжлари, кўлами ва имкониятлари ҳамда мамлакат саноат муносабатларининг хусусиятлари ҳисобга олинади.

3. Меҳнаткашлар вакилларига бундай имкониятларнинг берилиши тегишли корхона фаолиятининг самарадорлигини пасайтирмайди.

3-модда

Ушбу Конвенция мақсадида «меҳнаткашлар вакиллари» атамаси миллий қонун ҳужжатларига ёки амалиётга мувофиқ бундай деб эътироф этилган шахсларни англатади, хусусан:

- a) касаба уюшмалари вакиллари, яъни касаба уюшмалари ёки ушбу касаба уюшмалари аъзолари томонидан тайинланган ёки сайланган вакиллар; ёки
- b) сайланган вакиллар, яъни миллий қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари қоидаларига мувофиқ корхона меҳнаткашлари томонидан эркин сайланадиган вакиллар ва ушбу вакилларнинг функциялари тегишли мамлакатдаги касаба уюшмаларининг мутлақ ваколатлари деб эътироф этиладиган фаолият турини ўз ичига олмайди.

4-модда

Миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, суд ёки ҳакамлик суди қарорлари, ушбу Конвенцияда кўзда тутилган химоя қилиниш ҳуқуқи ва имкониятлар билан таъминланган меҳнаткашлар вакиллари тури ёки турларини белгилаб бериши мумкин.

5-модда

Бир корхонанинг ўзида ҳам касаба уюшмалари вакиллари, ҳам сайланган вакиллар мавжуд бўлган ҳолларда, зарурат туғилганда, сайланган вакилларнинг мавжудлиги тегишли касаба уюшмаларининг ёки улар вакилларининг мавқеига салбий таъсир кўрсатиш учун фойдаланилмаслигини таъминлаш мақсадида ҳамда сай-

ланган вакиллар билан тегишли касаба уюшмалар ва улар вакиллари ўртасида барча муҳим масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида керакли чоралар қабул қилинади.

6-модда

Ушбу Конвенцияни амалга ошириш миллий қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари орқали ёки миллий амалиётга мос келувчи ҳар қандай бошқа йўл билан таъминланиши мумкин.

7-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

8-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик, ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йил-

лик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

10-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

11-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

12-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киришиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

13-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 9-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур

Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

14-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги 154-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чакирилиб ва 1981 йилнинг 3 июнида ўзининг Олтмиш
еттинчи Сессиясига тўпланиб,

Филадельфия декларациясининг «жаҳон мамлакатлари томо-
нидан жамоа музокараларини олиб бориш ҳукукининг амалда
этироф этилишига... эришишни кўзлаган дастурларнинг қўллаб-
қувватланиши мақсадида, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг муҳим
мажбуриятини» тан олувчи қондаларини тасдиқлаб ҳамда ушбу
принципни «барча халқлар учун қўллаш мумкин эканлигини» таъ-
кидлаб,

Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳукукини ҳимоя қилиш
тўғрисидаги 1948 йилги Конвенция, Жамоа музокараларини олиб
бориш ва бирлашиш ҳукуки тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция,
Жамоа шартномалари тўғрисидаги 1951 йилги Тавсия, Ихтиёрий
ўзаро муроасага келиш ва арбитраж тўғрисидаги 1951 йилги Тавсия,
Давлат хизматидаги меҳнат муносабатлари тўғрисидаги 1978 йилги
Конвенция ва Тавсия, Меҳнат соҳасини тартибга солиш тўғрисидаги
1978 йилги Конвенция ва Тавсияда мавжуд бўлган халқаро стан-
дартларнинг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб,

ушбу стандартларнинг мақсадларига эришиш учун, хусусан, Жа-
моа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳукуки тўғрисидаги
1949 йилги Конвенциянинг 4-моддаси ҳамда Жамоа шартномалари
тўғрисидаги 1951 йилги Тавсиянинг 1-бандидан келиб чиқадиган
асосий принципларни амалга ошириш учун катта куч-гайрат сарф-
лаш лозимлигини эътиборга олиб,

шу боис, мазкур стандартларни эркин ва ихтиёрий жамоа музо-
караларини олиб борилишга қўмаклашишга қаратилган ҳамда ушбу
стандартларга асосланган тегишли чора-тадбирлар билан тўлдириш
зарурлигини эътиборга олиб,

Жамоавий музокараларни олиб боришга кўмаклашишга оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи банди ҳисобланиб, мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз саксон биринчи йил июнь ойининг ўн тўққизинчи кунда қуйидаги «Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1 БЎЛИМ. ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ ВА АТАМАЛАР

1-модда

1. Ушбу Конвенция иқтисодий фаолиятнинг барча тармоқларини қамраб олади.

2. Ушбу Конвенцияда кўзда тутилган қафолатлар қуролли қучларга ва полицияга нисбатан қай даражада қўлланилиши миллий қонун ҳужжатлари ёки миллий амалиёт томонидан белгиланиши мумкин.

3. Давлат хизматига нисбатан мазкур Конвенция қўлланилишининг махсус усуллари миллий қонун ҳужжатлари ёки миллий амалиёт томонидан белгиланиши мумкин.

2-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «жамоа музокаралари» атамаси бир томондан иш берувчи, иш берувчилар гуруҳи ёки иш берувчиларнинг бир ёки бир неча ташкилотлари билан, иккинчи томондан меҳнатқашларнинг бир ёки бир неча ташкилотлари ўртасида қуйидаги мақсадларда олиб бориладиган барча музокараларни аниқлатади:

- а) меҳнат шароитларини ва иш билан таъминланиш шартларини белгилаш; ва/ёки
- б) иш берувчилар билан меҳнатқашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; ва/ёки
- в) иш берувчилар ёки уларнинг ташкилотлари билан меҳнатқашлар ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

3-модда

1. Агар миллий қонун ҳужжатлари ёки миллий амалиёт меҳнаткашлар вакиллари мавжудлигини Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги Конвенциянинг 3-моддаси «b» кичик бандида белгилангани каби эътироф этса, у ҳолда миллий қонун ҳужжатлари ва амалиёт «жамоа музокаралари» атамаси мазкур вакиллар билан олиб бориладиган музокараларни қай даражада қамраб олишини, ушбу Конвенция мақсадлари учун, белгилаши мумкин.

2. Мазкур модданинг 1-банди бажарилишидан келиб чиқиб «жамоа музокаралари» атамаси меҳнаткашлар вакиллари билан олиб бориладиган музокараларни ҳам қамраб оладиган бўлса, мазкур вакилларнинг мавжудлиги тегишли меҳнаткашлар ташкилотларининг мавқеига зарар етказмаслигини таъминлаш учун, зарур бўлганича, тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

II БЎЛИМ. ҚЎЛЛАНИШ УСУЛЛАРИ

4-модда

Ушбу Конвенция қоидаларининг қўлланилиши, агар жамоа шартномалари, арбитраж қарорлари ёки миллий амалиётга мувофиқ бўлган бошқа усул орқали амалга оширилмаётган бўлса, миллий қонун ҳужжатлари томонидан таъминланади.

III БЎЛИМ. ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИГА КЎМАКЛАШИШ

5-модда

1. Жамоа музокараларини олиб боришга кўмаклашиш учун миллий шароитга мос бўлган чора-тадбирлар кўрилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутати:

- a) мазкур Конвенцияда кўзда тутилган фаолият тармоқларида жамоа музокараларини барча иш берувчилар ва барча меҳнаткашлар гуруҳи олиб бориш имкони бўлишини;
- b) жамоа музокаралари босқичма-босқич мазкур Конвенциянинг 2-моддаси «a», «b», «c» бандида кўзда тутилган барча масалаларни қамраб олишини;

- с) иш берувчилар ва меҳнакашлар ташкилотлари ўртасида келишилган тартиб-қоидалар ишлаб чиқишни рағбатлантиришни;
- д) жамоа музокаралари олиб боришга уларни тартибга соладиган қоидалар мавжуд эмаслиги ёки қоидалар талабларга тўғри келмаслиги ёки мос келмаслиги тўсқинлик қилмаслигини;
- е) меҳнат низоларини ҳал этиш бўйича органлар ва тартиб-қоидалар жамоа музокаралари олиб боришга қўмаклашишини кўзлаган ҳолда таъсис этилган бўлишини.

6-модда

Ушбу Конвенциянинг қоидалари, жамоа музокаралари ўзаро муросага келиш ва/ёки арбитраж механизми ёки муассасасининг доираларида олиб борилишини ўз ичига олувчи, ёки жамоа музокаралар жарёнида томонлар ихтиёрий иштирок этадиган механизм ёки муассасани ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг фаолиятига тўсқинлик қилмайди.

7-модда

Давлат ҳокимият органлари томонидан жамоа музокараларини ривожлантиришга қўмаклашишни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар дастлабки маслаҳатлашувларнинг ва имкон қадар давлат ҳокимият органлари билан меҳнаткашлар ва иш берувчилар ташкилотлари ўртасидаги битимларнинг мавзуси бўлади.

8-модда

Жамоа музокараларига қўмаклашиш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар жамоа музокаралари эркинлигини чекламайдиган тартибда ишлаб чиқилади ёки қўлланилади.

IV БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9-модда

Мазкур Конвенция мавжуд бўлган ҳар қандай Конвенцияни ёки Тавсияни қайта кўриб чиқмайди.

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директориға юборилади.

11-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучға киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучға киради.

12-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучға кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директориға рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучға киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишға мажбур бўлади ва шунға мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

13-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатға олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатға олганлиги ҳақида Ташкилот аъзо-

ларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

14-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

15-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

16-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- a) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 12-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- b) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

17-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги 95-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош Конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1949 йилнинг 8 июнида ўзининг Ўттиз ик-
кинчи Сессиясига тўпланиб,

иш ҳақини ҳимоя қилишга оид бир қанча таклифларни қабул
қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг еттинчи бан-
ди ҳисобланиб,

бир минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йил июль ойининг бирин-
чи кунда куйидаги «Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949
йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни
қабул қилди:

1-модда

Ушбу Конвенцияда «иш ҳақи» атамаси, белгиланишидан ёки
мўлжалланишидан қатъий назар, пул қийматида ифодаланган ва
ўзаро шартнома ёки миллий қонун ҳужжатлари томонидан бел-
гиланган, ишга ёлловчи ёзма ёки оғзаки меҳнат шартномасига
мувофиқ ёллаган шахсга бажарган ёки бажарилиши лозим бўлган
меҳнати, ёки кўрсатган ёки кўрсатилиши лозим бўлган хизматлари
учун тўланадиган ҳақни англатади.

2-модда

1. Ушбу Конвенция иш ҳақи оладиган ёки олиши лозим бўлган
барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

2. Ваколатли ҳокимият органи, иш берувчилар ва меҳнаткашлар-
нинг ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг, агар шундай
ташкилотлар мавжуд бўлса ва улар шундан бевосита манфаатдор
бўлса, Конвенциянинг барча ёки айрим қоидалари қўлланилиши
доирасидан мазкур барча ёки айрим қоидаларнинг қўлланилиши
мақсадга мувофиқ бўлмаган вазият ва шароитда ишлайдиган ва

жисмоний ишларда банд бўлмаган ёки уй хўжалигида, ёки шунга ўхшаш хизматда банд бўлган шахслар тоифаларини чиқариб ташлаши мумкин.

3. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг биринчи ҳар йилги маърузасида, аввалги бандга кўра, ушбу Конвенциянинг барча ёки айрим қоидалари қўлланилиши доирасидан чиқаришни мўлжаллаган шахсларнинг тоифаларини кўрсатади. Ташкилотнинг ҳеч бир аъзоси биринчи ҳар йилги маърузаси тақдим этилганидан сўнг, шу маърузада кўрсатилган шахслар тоифаларидан ташқари бошқа шахслар тоифаларини чиқара олмайди.

4. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўзининг биринчи ҳар йилги маърузасида ушбу Конвенциянинг барча ёки айрим қоидалари қўлланилиши доирасидан чиқаришини мўлжаллаган шахслар тоифаларини кўрсатиб, ўзининг навбатдаги ҳар йилги маърузаларида ушбу модданинг 2-банди қоидалари қайси шахслар тоифаларига нисбатан қўлланилиши тўхтатилганлигини кўрсатади ҳамда ушбу Конвенцияни шу шахслар тоифаларига қўллаш мақсадида эришилган ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида хабар қилади.

3-модда

1. Пул билан тўланадиган иш ҳақи фақатгина қонуний тўлов воситасида тўланади; ва оддий вексель, ваучер, купон шаклида ёки қонуний тўлов воситаси деб гумон қилинаётган ҳар қандай бошқа шаклда тўланиши ман қилинади.

2. Ваколатли ҳокимият органи иш ҳақини банк чеклари ёки почтадан ўтказишлар билан тўлашга рухсат этиши ёки буюриши мумкин, агар тўлашнинг шундай шакли оддий амалиётда қабул қилинган бўлса, ёки алоҳида ҳолатлар туфайли зарур бўлса, ёки жамоа шартномаси ёки арбитраж орган қарори шуни кўзда тутса, ёки шуни кўзда тутмаган тақдирда тегишли меҳнаткаш шунга ўзи рози бўлса.

4-модда

1. Миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ёки арбитраж органларининг қарорлари айрим саноат ёки иш турлари

соҳасида иш ҳақини қисман натура шаклида тўлашга руҳсат бериши мумкин, агар мазкур саноат ёки иш турлари соҳасида ҳақ тўлашнинг шу шакли одат бўлса, ёки мазкур саноат ёки иш турлари хусусияти учун маъқул бўлса. Лекин ҳеч бир ҳолда иш ҳақи спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар шаклида тўланишига руҳсат берилмайди.

2. Иш ҳақини қисман натура шаклида тўлашга руҳсат этилган ҳолларда қуйидагиларни таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилади:

- а) натура шаклидаги тўлов меҳнатқашлар ва уларнинг оилалари томонидан шахсан фойдаланиши учун ва уларнинг манфаатлари учун мос бўлишини;
- б) натура шаклидаги тўлов адолатли ва мақбул нархга эга бўлишини.

5-модда

Иш ҳақи бевосита меҳнатқашга тўланади, агар миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қарори бунинг аксини кўзда тутмаса, ёки мазкур меҳнатқаш бунинг аксига розилик билдирмаган бўлса.

6-модда

Иш берувчилар бирор бир усул билан меҳнатқашнинг ўз иш ҳақини ўз хоҳишича ишлатиш эркинлигига тўсқинлик қилиши ман қилинади.

7-модда

1. Агар корхонада меҳнатқашларга товарлар сотувчи дўконлар таъсис этилган бўлса ёки хизматлар ишлаб турса, у ҳолда мазкур меҳнатқашлар шу дўконлар ёки хизматлардан фойдаланишга мажбур қилинишдан эркин бўладилар.

2. Агар бошқа дўконлар ёки хизматлардан фойдаланишнинг иложи бўлмаса, ваколатли ҳокимият органи адолатли ва мақбул нархлар бўйича товарлар сотилиши ва хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида, ёки иш берувчи томонидан таъсис этилган дўкон ёки кўрсатилаётган хизматлар даромад олиш учун эмас, балки меҳнатқашларнинг манфаатлари учун фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўради.

8-модда

1. Иш ҳақидан чегириб ташлашларни фақат миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қароридан белгиланган шартлар ва чегаралар доирасида амалга ошириш руҳсат этилади.

2. Шундай чегириб ташлашлар амалга оширилишини руҳсат этадиган шартлар ва чегаралар тўғрисида ваколатли ҳокимият органи меҳнаткашларни энг мақбул ҳисоблайдиган усулда хабардор қилади.

9-модда

Иш ҳақидан иш берувчи ёки унинг вакили ёки қандайдир воясизлари (масалан, пудратчи ёки ишга жалб қилувчи) фойдасига бевоқиф ёки билвосита ҳақ тўланиш орқали иш олиш ёки иш жойини саклаб қолиш мақсадида меҳнаткаш томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай чегириб ташлашлар ман қилинади.

10-модда

1. Иш ҳақи ҳатланиши ёки иш ҳақидан ажратмалар қилиниши фақат миллий қонун ҳужжатларида белгиланган усулда ва чегаралардагина амалга оширилиши мумкин.

2. Меҳнаткаш иш ҳақи ҳатланишига қарши ёки иш ҳақидан ажратмалар қилинишига қарши ўз оиласини боқиш учун зарур ҳисобланадиган даражада ҳимояланади.

11-модда

1. Корхона банкрот бўлган ёки суд тартибида тугатилган ҳолда, мазкур корхонада банд бўлган меҳнаткашлар, банкротлик ёки суд тартибида тугатилишидан олдин ишлаганлиги учун олишлари лозим бўлган, миллий қонун ҳужжатлари томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган иш ҳақиға нисбатан, ёки миқдори миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланиши мумкин бўлган миқдордан кўп бўлмаган иш ҳақиға нисбатан имтиёзли кредиторлар каби мавқега эга.

2. Имтиёзли қарзни ташкил этадиган иш ҳақи, оддий кредиторлар ўзларининг улушини олиш бўйича талаб қўйишларидан олдин тўлиқ тўланади.

3. Имтиёзли қарзни ташкил этадиган иш ҳақининг бошқа имтиёзли қарзларга нисбатан қопланишининг навбатчилик тартиби миллий қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади.

12-модда

1. Иш ҳақи мунтазам вақт оралигида тўланади. Иш ҳақини мунтазам вақт оралигида тўлашни таъминлайдиган тегишли механизм мавжуд бўлган ҳоллардан ташқари, иш ҳақи тўланишининг мунтазам вақт оралиги миллий қонун ҳужжатлар ёки жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қароридан белгиланади.

2. Меҳнат шартномаси тугаганда меҳнаткашга берилиши лозим бўлган иш ҳақининг якуний ҳисоб-китоби миллий қонун ҳужжатларига, жамоа шартномасига ёки арбитраж органининг қарорига биноан амалга оширилади, шундай қонун ҳужжатлари, шартнома ёки қарор бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси шартларини ҳисобга олган ҳолда мақбул вақт ичида амалга оширилади.

13-модда

1. Иш ҳақи нақд пул билан тўланганда, агар миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қарори бунинг аксини кўзда тутмаган бўлса ёки меҳнаткашларга маълум бўлган усуллар мақсадга мувофиқроқ деб топилмаса, фақат иш кунларида ва иш жойининг ўзида ёки унга яқин жойда амалга оширилади.

2. Иш ҳақини тўлаш таверналарда ёки шунга ўхшаш жойларда, агар таҳқиқлашларни олдини олиш зарур бўлса, дўконларда ёки чакана савдо дўконларида ва кўнгилочар жойларда амалга оширилиши ман қилинади, бироқ шундай муассасаларда ишга ёлланганликдан келиб чиқадиган ҳолатлар бундан мустаснодир.

14-модда

Агар зарур бўлса, меҳнаткашлар тегишли усулда ва осон тушунарли шаклда қуйидагилар тўғрисида ахборот олишларини таъминлаш учун самарали чора-тадбирлар кўрилади:

- а) улар ёлланган ва уларнинг иш ҳақига тегишли бўлган шартлар тўғрисида, улар ишга киргунга қадар ва ҳар қандай ўзгартиришлар бўлганда;

- б) иш ҳақининг ҳар бир тўланиши вақтида ушбу муддат учун тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари тўғрисида (фақат ушбу қисмлар ўзгаришга дучор бўлишини эътиборга олган ҳолда).

15-модда

Ушбу Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ қилувчи қонун ҳужжатлари:

- а) тегишли шахслар ахбороти учун мунтазир бўлади;
б) уларнинг бажарилишини таъминловчи масъул шахсларни кўрсатади;
с) уларнинг ҳар қандай бузилишига қарши тегишли жазо чоралари тайинлайди;
д) барча зарур ҳолларда белгиланган шакл ва усулда қайдномалари олиб борилишини кўзда тутлади.

16-модда

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддаси қоидаларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳар йилги маърузаларга ушбу Конвенциянинг қоидаларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида тўла маълумотлар киритилади.

17-модда

1. Агар Ташкилот аъзосининг ҳудуди ўз ичига йирик ҳудудларни қамраб олса ва ваколатли ҳокимият органи мазкур ҳудудлардаги аҳоли алоҳида тарқоқлигини ёки ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, ушбу Конвенция қоидаларини қўллашнинг амалда иложи йўқ, деб ҳисобласа, мазкур ваколатли ҳокимият органи иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар шундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг, мазкур ҳудудларни ушбу Конвенция қўлланилиши доирасидан тўлиқ чиқариб ташлаши мумкин ёки баъзи корхоналар ёки айрим иш турларига нисбатан ўз фикрича мақсадга мувофиқ бўлган истиснолар билан чиқариши мумкин.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига биноан тақдим этиладиган ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг биринчи ҳар йилги маърузасида ушбу модданинг қоидаларидан фойдаланишни мўлжаллаган

хар бир ҳудуд тўғрисида хабар беради ва шу қоидалардан нимага фойдаланишни мўлжаллаганлик сабабларини кўрсатади. Ташкилотнинг ҳеч бир аъзоси, биринчи ҳар йилги маърузаси тақдим этилганидан сўнг, шу маърузада кўрсатилган ҳудудлардан ташқари бошқа ҳудудларга мазкур модда қоидаларини қўллаш олмайди.

3. Ушбу модда қоидаларидан фойдаланадиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси уч йилдан ошмайдиган ораликда иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг тегишли ташкилотлари билан, агар шундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилгандан сўнг, ушбу Конвенция қўлланилиши таъсири мазкур модда 1-банди асосида чиқарилган ҳудудларга нисбатан татбиқ этилиши мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқади.

4. Ушбу модда қоидаларидан фойдаланадиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўзининг навбатдаги ҳар йилги маърузасида қайси ҳудудларга нисбатан мазкур модда қоидаларини ишлатиш ҳуқуқидан воз кечганлиги тўғрисида хабар қилади ҳамда ушбу Конвенцияни шу ҳудудларга нисбатан қўллаш мақсадида эришилиши мумкин бўлган ҳар қандай тараккиёт тўғрисида хабар қилади.

18-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиниши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

19-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

20-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 2-бандига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда қуйидагилар кўрсатилади:

- а) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришларсиз қўлланилишини зиммасига олиши;
- б) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларининг ўзгартиришлар билан қўлланилишини зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;
- с) қайси ҳудудларга нисбатан Конвенция қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- д) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини, бу ҳолат келгусида кўриб чиқилгунга қадар, сақлаб туриши тўғрисидаги маълумот.

2. Ушбу модда 1-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «б», «с» ёки «д» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 22-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

21-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 4- ва 5-бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатилади; агар декларацияда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, у ҳолда ўзгартиришларнинг тафсилоти ҳам берилади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали, тегишли ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларацияси-

да кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 22-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

22-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга қиради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

23-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

24-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги модда-

лар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига рўйхатга олиш учун юборади.

25-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

26-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиغان янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 22-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

27-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

Оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар тўғрисидаги 1981 йилги 156-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1981 йилнинг 3 июнида ўзининг Олтмиш
еттинчи Сессиясига тўпланиб,

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мақсад ва вазифалари бўйича,
куйидаги «барча инсонлар ирки, эътиқоди ёки жинсидан қатъий на-
зар, иқтисодий барқарорлик ва тенг имконият, эркинлик ва кадр-
қимматлари таъминланган шароитида ўз моддий фаровонлигига ва
маънавий ривожига эришиш ҳуқуқига эга» деган қондани эътироф
этувчи Филадельфия декларациясини эътиборга олиб,

Халқаро Меҳнат Конференцияси томонидан 1975 йилда қабул
қилинган Аёл меҳнаткашлар учун муомала ва имконият тенглиги
тўғрисидаги Декларация қоидаларини ҳамда Аёл меҳнаткашлар учун
муомала ва имконият тенглигини қўллаб-қувватлашга қаратилган
ҳаракат дастурлари тўғрисидаги Резолюция қоидаларини эътибор-
га олиб,

Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун муомала ва имконият тенгли-
гини таъминлашга қаратилган меҳнат бўйича халқаро конвенция-
лар ва тавсияларни, хусусан, Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йил-
ги Конвенция ва Тавсия, Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш
тўғрисидаги 1958 йилги Конвенция ва Тавсия ҳамда Инсон ресурс-
ларини ривожлантириш тўғрисидаги 1975 йилги Тавсиянинг VIII
бўлимини эътиборга олиб,

Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958
йилги Конвенцияда оилавий мажбуриятлар ўртасидаги тафовут-
лар аниқ белгиланмаганлигини, шунини эътиборга олиб, бу соҳада
кўшимча стандартлар қабул қилиниши лозимлигини эслатиб,

Оилавий мажбуриятли аёл меҳнаткашларнинг меҳнати тўғри-
сидаги 1965 йилги Тавсия қоидаларини эътиборга олиб ва у қабул
қилинган пайтдан буён рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа ихтисослаштирилган муассасалар томонидан ҳам эркак ва аёллар учун муомала ва имконият тенглиги тўғрисидаги халқаро шартномалар қабул қилинганлигини ҳисобга олиб, хусусан, Хотин-қизларни ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги 1979 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конвенцияси Мукаддимасининг ўн тўртинчи бандида Конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар «эркак ва аёлларнинг тўла тенглигига эришиш учун жамиятда ва оилада ҳам эркакларнинг, ҳам аёлларнинг маъқеини ўзгартириш лозимлигини тушунадилар» деб таъкидланганлигини эслатиб,

оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар муаммолари оила ва жамиятга доир кенг масалаларнинг жиҳатлари бўлиб, миллий сиёсат юритишда уларни эътиборда тутиш лозимлигини тан олиб,

оилавий мажбуриятли эркак ва аёл меҳнаткашлар ўртасида, шунингдек шуларга ўхшаш меҳнаткашлар ва бошқа меҳнаткашлар ўртасида муомала ва имкониятларнинг ҳақиқий тенглигини ўрнатиш зарурлигини тан олиб,

барча меҳнаткашлар олдида турган муаммоларнинг аксарияти оилавий мажбуриятли меҳнаткашларга нисбатан оғирлашиб бораётганини эътиборга олиб, уларнинг аҳволини алоҳида эҳтиёжларига жавоб берадиган тадбирлар ва умуман меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар орқали яхшилаш зарурлигини тан олиб,

оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар: эркак ва аёл меҳнаткашлар учун муомала ва имконият тенглигига оид бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг бешинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз саксон биринчи йил июнь ойининг йигирма учинчи кунда қуйидаги «Оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар тўғрисидаги 1981 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

1. Ушбу Конвенция қарамоғидаги болаларига нисбатан мажбуриятга эга бўлган эркак ва аёл меҳнаткашларга нисбатан қўлланилади,

агар бундай мажбуриятлар ушбу меҳнаткашларнинг иқтисодий фаолиятга киришиши, унда катнашиши ёки ривожланиши имкониятларини чеклайдиган бўлса.

2. Ушбу Конвенция қондалари, шунингдек, бошқа, ҳақиқатан ҳам уларнинг ғамхўрлик ёки ёрдамига муҳтож бўлган яқин қариндошларига нисбатан мажбуриятга эга бўлган эркак ва аёл меҳнаткашларга нисбатан қўлланилади, агар бундай мажбуриятлар ушбу меҳнаткашларнинг иқтисодий фаолиятга киришиши, унда катнашиши ёки ривожланиши имкониятларини чеклайдиган бўлса.

3. Ушбу Конвенция мақсадлари учун «карамоғидаги бола» ва «бошқа, ҳақиқатан ҳам уларнинг ғамхўрлик ёки ёрдамига муҳтож бўлган яқин қариндош» атамалари ҳар бир мамлакатда ушбу Конвенциянинг 9-моддасида кўрсатилган усуллардан бири орқали белгиланадиган шахсларни англатади.

4. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари кўзда тутган меҳнаткашлар бундан буён «оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар» деб аталади.

2-модда

Ушбу Конвенция иқтисодий фаолиятнинг барча тармоқларига ва барча тоифадаги меҳнаткашларга нисбатан қўлланилади.

3-модда

1. Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун муомала ва имкониятларнинг ҳақиқий тенглигини ўрнатиш ниятида Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси шуни ўз миллий сиёсатининг мақсади қилиб қўяди, токи иш билан банд бўлган ёки банд бўлишни истаётган оилавий мажбуриятли шахслар шу соҳадаги ўз ҳуқуқининг камситилмай амалга ошишига эришсинлар ва имкон қадар бажараётган ишларини ва оилавий мажбуриятларини уйғун равишда бирга олиб борсинлар.

2. Ушбу модданинг 1-банди мақсадлари учун «камситилиш» атамаси Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенциянинг 1- ва 5-моддасида белгиланганидек, меҳнат ва иш турлари соҳасидаги камситишни англатади.

4-модда

Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун муомала ва имкониятларнинг ҳақиқий тенглигини ўрнатиш ниятида қуйидаги мақсадлар

учун миллий шароит ва имкониятларга мос келадиган барча чора-тадбирлар кўрилади:

- а) оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар ўзларининг эркин иш танлаш ҳуқуқини амалга ошира олишлари учун;
- б) меҳнат ва ижтимоий таъминот шарт-шароитлари соҳасида оилавий мажбуриятли меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши учун.

5-модда

Шунингдек, куйидаги мақсадлар учун миллий шароит ва имкониятларга мос келадиган барча чора-тадбирлар кўрилади:

- а) ижтимоий режалаштириш соҳасида оилавий мажбуриятли меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши учун;
- б) болаларга ғамхўрлик килувчи ва оила шароитига ёки ёрдамга ўхшаш хусусий ёки давлатга қарашли хизматларни ривожлантириш ёки бу хизматларга кўмаклашиш учун.

6-модда

Ҳар бир мамлакатда, эркак ва аёл меҳнаткашлар учун муомала ва имконият тенглиги принципи ҳамда оилавий мажбуриятли меҳнаткашлар муаммолари жамоатчилик томонидан кенгроқ тушунилишига кўмаклашувчи ахборот ва таълимни қўллаб-қувватлаш мақсадида, ва шу билан бирга, ушбу муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатадиган ижтимоий фикрига кўмаклашиш мақсадида, ваколатли ҳокимият органи ва муассасалар тегишли чора-тадбирлар кўрадилар.

7-модда

Оилавий мажбуриятли меҳнаткашларнинг меҳнаткашга айланиши ва меҳнаткашларнинг бир қисми сифатида тан олиниши учун, шу билан бирга, оилавий мажбуриятлар туфайли ишда бўлмаганидан кейин қайтадан меҳнаткаш сифатида тикланиш учун имкониятга эга бўлишлари мақсадида, миллий шароит ва имкониятларга мос келадиган, шу жумладан, касб танлаш ва касбга тайёрланиш соҳасида, барча чора-тадбирлар кўрилади.

8-модда

Оилавий мажбуриятлар ўз-ўзидан меҳнат муносабатларини тугатиш учун асос бўлолмайди.

9-модда

Ушбу Конвенция қоидалари қонун ҳужжатлари орқали ёки жамоа шартномалари, меҳнат тартиб-қоидалари, арбитраж қарорлари, суд қарорлари ёки шу усулларни биргаликда қўллаш орқали ёки миллий шароитни ҳисобга олган ҳолда миллий амалиётга тўғри келадиган бошқа ҳар қандай усул орқали қўлланилиши мумкин.

10-модда

1. Ушбу Конвенция қоидалари зарур бўлса, миллий шароитни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич қўлланилиши мумкин; агар мазкур қабул қилинадиган имплементация чора-тадбирлари, ҳар қандай ҳолатда, 1-модданинг 1-бандида кўзда тутилган барча меҳнаткашларга нисбатан қўлланиладиган бўлса.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 22-моддасига биноан тақдим этиладиган мазкур Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ўзининг биринчи маърузасида ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган қоидалардан фойдаланишни мўлжаллаётганини, агар бундай мўлжал мавжуд бўлса, хабар қилади, кейинги маърузасида бу қоидаларни қай даражада амалга оширганини ёки амалга оширишни мўлжаллаганини кўрсатади.

11-модда

Меҳнаткашлар ва иш берувчилар ташкилотлари, миллий шароит ва амалиётга мос келувчи усулда, ушбу Конвенциянинг қоидаларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллашда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

12-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

13-модда

1. Ушбу Конвенция факатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

14-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

15-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

16-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар коидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборди.

17-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киришиш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

18-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи коидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, 14-модда коидаларидан катъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

19-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эгадир.

Қишлоқ хўжалигида бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1921 йилги 11-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1921 йилнинг 25 октябрида ўзининг Учинчи
Сессиясида тўпланиб,

қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бирлашиш ва иттифоқ-
лашиш ҳуқуқларига оид бир канча таклифларни қабул қилишга
қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи бандига ки-
ритилиб,

мазкур таклифларга халқаро Конвенция шаклини беришга қарор
қилиб,

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг қоидаларига мувофиқ
Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзолари томонидан ратификация
қилиниши учун қуйидаги «Қишлоқ хўжалигида бирлашиш ҳуқуқи
тўғрисидаги 1921 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган
Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Таш-
килотининг ҳар бир аъзоси, қишлоқ хўжалигида банд бўлган барча
меҳнаткашларга, худди саноатдаги меҳнаткашлар эга бўлганидек,
бирлашиш ва иттифоқлашиш ҳуқуқларини таъминлаб бериш ва
қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткашларга нисбатан шу
ҳуқуқларни чеклашга қаратилган ҳар қандай қонун ҳужжатларини
ёки қоидаларни бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий
ҳужжатлар, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг қоидаларига
мувофиқ, рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош ди-
ректорига юборилади.

3-модда

1. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

2. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

3. Кейинчалик, ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга қиради.

4-модда

Халқаро Меҳнат Бюросида Халқаро Меҳнат Ташкилоти икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олингани билан, Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори бу ҳақда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради. Бош директор, шунингдек, кейинчалик Ташкилотнинг бошқа аъзолари томонидан юбориладиган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилотнинг барча аъзоларига хабар беради.

5-модда

3-модда қоидаларига мос равишда, ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, 1-модда қоидаларини 1924 йилнинг 1 январидан кечиктирмай кучга киритишга ҳамда шу қоидаларнинг самарали татбиқ қилиниши учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўришга рози бўлади.

6-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг 35-модда қоидаларига мувофиқ мазкур Конвенцияни ўз мустамлакаларида, қарам ерларида, протекторатларида қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин

Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директориға рўйхатға олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти Халқаро Меҳнат Бюроси томонидан рўйхатға олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

8-модда

Хар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

9-модда

Ушбу Конвенциянинг французча ва инглизча матнлари бир хил кучга эга.

Мехнат миграцияси тўғрисидаги 1949 йилги (кайта кўриб чиқилган) 97-Конвенция

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Мехнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1949 йилнинг 8 июнида ўзининг Ўттиз ик-
кинчи Сессиясига тўпланиб,

Конференция томонидан Йигирма бешинчи Сессиясида қабул
қилинган Мехнат миграцияси тўғрисидаги 1939 йилги Конвен-
цияни қайта кўриб чиқиш борасида бир канча таклифларни қабул
қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг ўн биринчи
бандига киритилиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини бериш керак-
лигини назарда тутиб,

бир минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йил июль ойининг бирин-
чи кунда қуйидаги «Мехнат миграцияси тўғрисидаги 1949 йилги
(кайта кўриб чиқилган) Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган
Конвенцияни қабул қилди:

1-модда

Халқаро Мехнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвен-
ция унга нисбатан кучга кирган бўлса, Халқаро Мехнат Бюроси
ва Ташкилотнинг бошқа аъзолари талабига асосан қуйидагиларни
тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) эмиграция ва иммиграция соҳасидаги ўз миллий сиёсати ва
қонун ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни;
- b) меҳнат миграциясига оид махсус қондалар ва мигрант
меҳнатқашларнинг меҳнат ва турмуш шароити тўғрисидаги
маълумотларни;
- c) ўзи томонидан мазкур масалалар бўйича қабул қилинган
умумий битимлар ва махсус тadbирлар тўғрисидаги маълум-
отларни.

2-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, мигрант меҳнаткашларга ёрдам бериш учун, хусусан, уларни аниқ ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли бепул хизмат кўрсатиш ёки шундай хизмат кўрсатилаётганлигига ўзида ишонч ҳосил қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, миллий қонун ҳужжатлари йўл қўядиган чегараларда эмиграция ва иммиграция масалалари бўйича тушунмовчиликларга олиб келувчи ташвиқотларга қарши тегишли чоралар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Шу мақсадда у, лозим бўлган ҳолларда, Ташкилотнинг бошқа тегишли аъзолари билан ҳамкорликда фаолиятга киришади.

4-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг юрисдикцияси чегарасида, мигрант меҳнаткашларнинг мамлакатдан чиқиб кетиши, мамлакат ичида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва мамлакатга қабул қилинишини енгиллаштириш учун тегишли чора-тадбирлар кўради.

5-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, ўзининг юрисдикцияси чегарасида қуйидаги вазифаларга масъул бўлган керакли тиббий хизматлар кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) зарур ҳолларда, мигрант меҳнаткашларнинг ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларининг саломатлиги, мамлакатдан чиқиб кетиш ва мамлакатга кириб келиш пайтида, қоникарли ҳолатда эканлигини аниқлашга;
- b) мигрант меҳнаткашлар ва уларга қўшилган оила аъзоларини мамлакатдан чиқиб кетиш пайтида, сафар пайтида ва мамлакатга кириб келиш пайтида зарур тиббий ёрдам ва яхши гигиеник шарт-шароит билан таъминлашга.

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, қонуний асосда унинг ҳудудида бўлган иммигрантларга, миллати, ирқи, дини ёки жинсига қараб камситмай, қуйидаги масалаларга нисбатан унинг ўз фуқароларига мўлжалланган қулайликлардан кам бўлмаган шароит яратиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) мазкур масалалар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги ёки маъмурий ҳокимият органлари томонидан назорат қилинганлиги туфайли:
 - i) ҳақ тўлашга, шунингдек, оилавий нафақага, агар улар ҳақ тўланишнинг бир қисмини ташкил қилса ёки иш вақти, иш вақтидан ташқари ишлар, ҳақ тўланадиган таътиллар, қасаначиликни қамайтириш, энг кичик меҳнат ёши, шогирдлик, касбга ўқиш, аёллар меҳнати ва ўсмирлар меҳнати учун белгиланган бўлса;
 - ii) қасаба уюшмаларга аъзолик ва жамоа шартномалари берадиган афзалликлардан фойдаланишга;
 - iii) уй-жой масаласига;
- b) ижтимоий таъминот (яъни, меҳнатда шикастланиш, оналикни муҳофаза қилиш, касаллик, ногиронлик, кексалик, вафот этиш, ишсизлик ва оилавий мажбуриятлар, шунингдек, бошқа қутилмаган ҳолатларга оид қондалар, миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий таъминот тизими томонидан қамраб олинади) масалаларига, агар ушбу ижтимоий таъминот қуйидаги чеклашларни ўз ичига олса:
 - i) эга бўлган ҳуқуқларни ёки эга бўлиш жараёнида бўлган ҳуқуқларни сақлаб қолиш учун тегишли тартиб-қондаларни;
 - ii) иммиграция мамлакатларининг миллий қонун ҳужжатлари нафақаларга ёки тўла ижтимоий жамғармалардан қопланадиган нафақаларнинг қисмларига нисбатан ва оддий пенсия олиш учун белгиланган шартларни бажармайдиган шахсларга тўланадиган нафақаларга нисбатан махсус тартиб-қондалар тайинланиши.
- c) ёлланган меҳнатқаш учун тўланадиган солиқлар, йиғимлар ёки бадалларга;
- b) ушбу Конвенцияда кўзда тутилган масалалар бўйича суд жараёнига.

2. Федератив давлат бўлган тақдирда, ушбу модда қоидалари, унда кўрсатилган масалалар федерал қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солинишига ёки федерал ҳокимият органлари томонидан назорат қилинишига қараб қўлланилади. Ушбу модданинг қоидалари, федерацияга қирувчи штатлар, провинциялар ёки кантонларнинг қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солинадиган ёки уларнинг ҳокимият органлари назорати остида бўлган масалаларга нисбатан қай даражада ва қандай тарзда қўлланилиши Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси томонидан белгиланади. Ташкилот аъзоси ушбу Конвенциянинг қўлланиши бўйича ўзининг ҳар йилги маърузасида ушбу моддага тааллуқли масалалар федерал қонун ҳужжатлари томонидан қай даражада тартибга солинаётганлиги ёки федерал ҳокимият органлари томонидан қай даражада назорат қилинаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўрсатади. Ташкилот аъзоси Федерацияга қирувчи штатлар, провинциялар ёки кантонларнинг қонун ҳужжатлари томонидан тартибга солинадиган ёки уларнинг ҳокимият органлари назорати остида бўлган масалаларга нисбатан Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 19-моддасининг 7-«б» бандида баён қилинган тадбирларни қабул қилади.

7-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан қучга кирган бўлса, миграцияга алоқаси бўлган иш билан таъминлаш соҳасидаги ўз муассасалари ва бошқа хизматлари Ташкилот бошқа аъзоларининг шу соҳадаги муассасалари билан тегишли ҳолларда ҳамкорлик қилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан қучга кирган бўлса, иш билан таъминлаш соҳасидаги ўз давлат муассасалари томонидан мигрант меҳнатқашларга кўрсатиладиган хизматлар бепул бўлишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8-модда

1. Мамлакатда доимий яшашга руҳсат берилган мигрант меҳнатқаш ва унга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга руҳсат этилган оила аъзолари уларнинг туғилиб ўсган мамлакатига ёки эмигрант

бўлиб чиққан мамлакатига, мазкур мигрант меҳнаткаш ўз ишини доимий яшашга кириб келганидан кейин орттирган касаллиги ёки шикастланганлиги туфайли давом эттира олмаслиги асосида, жўнатиб юборилиши мумкин эмас, фақат агар мазкур шахс ўзи буни истамаса ёки Ташкилотнинг мазкур аъзоси қатнашаётган кайсидир халқаро шартнома шуни кўзда тутмаса.

2. Мигрант меҳнаткашларга мамлакатга кириши билан доимий яшашга рухсат берилганда, ушбу мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органлари мазкур модда 1-бандининг қоидалари ушбу мигрант меҳнаткашларга нисбатан фақат маълум муддат ўтганидан кейин кучга киришини белгилаши мумкин. Лекин бу муддат ҳеч бир ҳолда мазкур мигрант меҳнаткашларга доимий яшашга рухсат берилган кундан бошлаб ҳисоблаганда беш йилдан ошмаслиги керак.

9-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, миллий қонун ҳужжатлари томонидан валюта олиб чиқиш ва олиб келиш бўйича белгиланган чегараларни эътиборга олиб, мигрант меҳнаткашлар иш хақи ва жамғармасининг исталган қисмини чет эл валютасига алмаштиришига рухсат этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

10-модда

Ташкилотнинг бир аъзоси ҳудудидан бошқа аъзоси ҳудудига жўнаб кетаётган мигрантлар сони ниҳоятда кўпайиб кетса, ушбу мамлакатларнинг ваколатли ҳокимият органлари, зарур ҳолларда ёки маъқул бўлганда, ушбу Конвенция қоидаларини қўллаш муносабати билан пайдо бўладиган ўзаро манфаатли масалаларни тартибга солиш мақсадида шартномалар тузади.

11-модда

1. Ушбу Конвенция мақсадлари учун «мигрант меҳнаткаш» атамаси иш билан таъминланиш мақсадида, яъни ўз ҳисобидан ўзини иш билан таъминлашга зид равишда, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга миграция қилувчи шахсни ва белгиланган қоидаларга мувофиқ равишда мигрант меҳнаткаш сифатида тан олинadиган ҳар қандай шахсни англатади.

2. Ушбу Конвенция қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:
 - а) чегара хизмати меҳнатқашларига;
 - б) қиска муддатга мамлакатга кирган эркин касб эгаларига ва санъаткорларга;
 - с) денгизчиларга.

12-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

13-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

14-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинган декларацияси орқали, ушбу Конвенциядаги барча ёки айрим Иловаларни ўз ратификациясидан чиқариб ташлаши мумкин.

2. Ҳар қандай шунга ўхшаш декларация шартларини инобатга олган ҳолда, ушбу Конвенция Иловаларининг қоидалари Конвенция қоидалари билан бир хил кучга эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, шунга ўхшаш декларация жўнатган бўлса, кейинчалик янги декларацияси орқали, юборилган декларациясида эслатилган Иловаларнинг барчасини ёки айримларини қабул қилиши тўғрисида Бош директорга маълум қилиши мумкин; Бош директор томонидан бундай декларация рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу Иловаларнинг қоидалари Ташкилотнинг мазкур аъзоси учун кучга киради.

4. Ушбу модданинг 1-бандига мос равишда тайёрланган декларация, қайсидир Иловага нисбатан кучда қолган бўлса, бундай декларация тайёрлаган Ташкилот аъзоси ушбу Иловани Тавсия кучига эга бўлган ҳужжат сифатида қабул қилиши тўғрисида ўз хоҳишини билдириши мумкин.

15-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 2-бандига мувофиқ Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда қуйидагилар кўрсатилади:

- a) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси мазкур Конвенция қоидаларини ҳамда мазкур Конвенциянинг барча ёки айрим Иловалари қоидаларини ўзгартиришларсиз қўллашни зиммасига олиши;
- b) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси мазкур Конвенция қоидаларини ҳамда мазкур Конвенциянинг барча ёки айрим Иловалари қоидаларини ўзгартиришлар билан қўллашни зиммасига олиши ва шу ўзгартиришларнинг тафсилоти;
- c) қайси ҳудудларга нисбатан мазкур Конвенция ҳамда мазкур Конвенциянинг барча ёки айрим Иловалари қўлланилмаслиги ва бу ҳолда унинг қўлланилмаслик сабаблари;
- d) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини, бу ҳолат келгусида кўриб чиқилгунга қадар, сақлаб туриши.

2. Ушбу модда 1-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификациянинг ажралмас қисми деб ҳисобланади ва ратификация кучига эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси навбатдаги декларация орқали ушбу модда 1-бандининг «b», «c» ёки «d» кичик бандлари асосида аввалги декларацияда айтиб ўтилган ҳар қандай шартлардан ёки уларнинг бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган давр мобайнида, 17-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга исталган аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда белгиланган ҳудудларидаги ҳозирги аҳволни ифода этувчи навбатдаги декларацияни юбориши мумкин.

16-модда

1. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Устави 35-моддасининг 4- ва 5-бандларига мувофиқ, Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига юбориладиган декларацияларда Конвенция қоидалари ҳамда мазкур Конвенциянинг барча ёки айрим Иловалари қоидалари тегишли ҳудудга нисбатан қандай қўлланилиши, яъни ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши кўрсатилади; ва агар декларацияда мазкур Конвенция қоидалари ҳамда мазкур Конвенциянинг барча ёки айрим Иловалари қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилса, у ҳолда кўрсатилган ўзгартиришларнинг тафсилоти билан бирга берилади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул исталган пайтда, кейинги декларацияси орқали, тегишли ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳар қандай аввалги декларациясида кўзда тутилган ҳар қайси ўзгартиришлардан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси, аъзолари ёки тегишли халқаро даражадаги масъул, мазкур Конвенция ҳамда мазкур Конвенциянинг барча ёки айрим Иловалари денонсация қилиниши мумкин бўлган муддат мобайнида, 17-модда қоидаларига мувофиқ, Бош директорга ҳар қандай аввалги декларациянинг ҳар қандай шартига ўзгартиришлар киритувчи ҳамда ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан ҳозирги аҳволни ифода этувчи декларация юбориши мумкин.

17-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур

модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

3. Ушбу Конвенция юқорида қайд этилган бандлар қоидаларига мувофиқ денонсация қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай вақтда, ушбу Конвенцияни денонсация қилмайдиган Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, унга нисбатан кучда бўлган мазкур Конвенциянинг ҳар қандай Иловасини алоҳида денонсация қилиш учун Бош директорга декларациясини юбориши мумкин.

4. Ушбу Конвенция ва ушбу Конвенциянинг барча ёки айрим Иловаларини денонсация қилиниши, мигрант меҳнатқашга ёки унинг оила аъзоларига мазкур Конвенция кучига кўра берилмайдиган ҳуқуқларга таъсир қилмайди, агар ушбу мигрант меҳнатқаш, ушбу Конвенция ёки ушбу Конвенциянинг тегишли Иловаси мазкур ҳуқуқлар муаммоси пайдо бўлаётган ҳудудга нисбатан кучда бўлган пайтида иммиграция қилган бўлса.

18-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

19-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, декларациялар ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

20-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши

тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

21-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз кучи билан, 17-модда қоидаларидан қатъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;
- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

22-модда

1. Халқаро Меҳнат Конференцияси, мазкур масала кун тартибига киритилган ҳар қандай сессиясида, ушбу Конвенциянинг ҳар қандай Иловаси ёки Иловаларнинг кўриб чиқилган матнини кўпчилик (учдан икки) овоз билан қабул қилиши мумкин.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, Конференция сессияси якунланган вақтдан бошлаб бир йил ичида ёки истисно ҳолларда ўн саккиз ой ичида, ҳар қандай кўриб чиқилган матни, бу масала бўйича ваколатли ҳокимият органига ёки органларига тегишли қонун қабул қилиш ёки бошқа чоралар кўриш учун тақдим этади.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига ҳар қандай қайта кўриб чиқилган матни қабул қилиши тўғрисида хабар берувчи декларациясини жўнатган муддатдан

эътиборан мазкур матн Ташкилотнинг мазкур аъзоси учун кучга киради.

4. Мазкур Конференция Илованинг кўриб чиқилган матнини қабул қилган санадан эътиборан, фақат айнан шу кўриб чиқилган матн Ташкилот аъзолари томонидан қабул қилиниши учун очик бўлади.

23-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

БИРИНЧИ ИЛОВА

Хукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномалардан ўзга равишда жалб қилинган мигрант меҳнаткашларни ишга жалб қилиш, ишга жойлаштириш ва уларнинг меҳнат шароитлари

1-модда

Ушбу Илова ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномалардан ўзга равишда жалб қилинган мигрант меҳнаткашларга нисбатан қўлланилади.

2-модда

Ушбу Илова мақсадлари учун:

- а) «ишга жалб қилиш» атамаси қуйидагиларни англатади:
 - i) бир мамлакатдаги шахснинг бошқа мамлакатга иш берувчи номидан жалб қилинишини, ёки
 - ii) бир мамлакатдаги шахсга бошқа мамлакатда иш билан таъминлаш ваъда қилинишини,(i) ва (ii) кичик бандларида айтиб ўтилган операцияларга алоқадор ҳар қандай тадбирларни амалга ошириш билан биргаликда, эмигрантларни излаш, танлаш ва уларни мамлакатдан чиқаришга тайёрлашни;
- б) «мамлакатга киритиш» атамаси ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган маъно доирасида жалб қилинган шахсларнинг мамлакатга кириши ёки қабул қилинишини енгиллаштириш ва таъминлаш бўйича ҳар қандай операцияни англатади;
- с) «ишга жойлаштириш» атамаси ушбу модданинг «б» бандида назарда тутилган маъно доирасида мамлакатга киритилган шахсларнинг ишга жойлашишини енгиллаштириш ва қафолатлаш мақсадидаги ҳар қандай операцияни англатади.

3-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Илова унга нисбатан кучга кирган бўлса ва унинг қонун ҳужжатлари 2-моддада кўзда

тутилган — ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операцияларига рухсат этса, мазкур айтиб ўтилган операцияларни, унинг қонун ҳужжатлари рухсат этганидек, мазкур модда қоидаларига мувофиқ равишда тартибга солади.

2. Қуйидаги бандлар шартларини инобатга олган ҳолда, ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операциялари билан шуғулланиш ҳуқуқига фақат қуйидаги муассасаларгина эга:

- a) давлат меҳнат муассасалари ёки мазкур операциялар бажарилаётган мамлакатдаги бошқа давлат муассасалари;
- b) мазкур операциялар бажарилмаётган мамлакатдаги давлат муассасалари, агар улар ушбу мамлакатда тегишли ҳуқуматлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ушбу операцияларни бажаришга масъул бўлса;
- c) халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган ҳар қандай муассаса.

3. Миллий қонун ҳужжатлари ёки икки томонлама шартномалар йўл қўйганича ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операциялари қуйидагилар томонидан амалга оширилиши мумкин:

- a) мўлжалланган иш берувчи, ёки унинг хизматидаги ва унинг номидан фаолият олиб борувчи шахс томонидан, фақат агар мигрант меҳнатқашнинг манфаати учун зарур бўлса, ваколатли ҳокимият органи томонидан рухсат олиш ёки ушбу орган назорати остида фаолият олиб бориш шарт билан;
- b) шахсий муассаса, агар унга мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органи томонидан шу ишни бажаришга олдиндан ваколат берилса ва ушбу мамлакатда айтиб ўтилган операциялар қайси ҳолларда ва қандай шартлар билан бажарилиши қуйидагилар томонидан белгиланган бўлса:
 - i) мамлакатнинг қонун ҳужжатлари, ёки
 - ii) эмиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи ёки халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган ҳар қандай орган билан иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи ўртасида тузилган шартнома.

4. Мазкур операциялар бажарилаётган мамлакатдаги ваколатли ҳокимият органи, халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган ва фаолияти ушбу шартнома ёки тегишли ваколат-

ли ҳокимият органи билан тузилган шартнома шартларига асосан бошқарилиб келаётган ҳар қандай муассасадан ташқари, 3-банднинг «б» кичик бандига мувофиқ ваколатларга эга бўлган муассасалар ва шахсларнинг фаолиятини назорат қилади.

5. Ушбу модданинг ҳеч бир қондаси мигрант меҳнатқашнинг Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси ҳудудига киришига ҳар қандай шахс томонидан ёки иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органидан бошқа ҳар қандай муассаса томонидан руҳсат берилишини маъқуллайди, деб қаралмайди.

4-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Илова унга нисбатан кучга кирган бўлса, унинг давлат меҳнат муассасалари томонидан мигрант меҳнатқашларни ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш соҳасида кўрсатиладиган хизматлари бепул бўлишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Илова унга нисбатан кучга кирган бўлса, агар мигрант меҳнатқаш ва иш берувчи ёки ушбу иш берувчи номидан фаолият олиб борувчи шахс ўртасида тузилган меҳнат шартномаларини назорат қилиш тизимини ўзида таъсис этган бўлса, қуйидагиларни талаб қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) меҳнат шартномасининг нусхаси мигрант меҳнатқашга мамлакатдан чиқиб кетишидан олдин ёки, агар тегишли ҳукумат шуни маъқулласа, иммиграция мамлакатига кириб келиши билан рўйхатга олиш пайтида берилиши кераклигини;
- b) меҳнат шартномаси меҳнат шароитлари ва хусусан, мигрант меҳнатқашга таклиф қилинаётган иш ҳақи тўғрисидаги шартларни ўз ичида ақс этириши кераклигини;
- c) мигрант меҳнатқаш мамлакатдан чиқиб кетиши олдида иммиграция мамлақатида ушбу мигрант меҳнатқашга мос келадиган меҳнат ва яшаш шароитига оид маълумотни ўз ичига олувчи, шахсан ушбу мигрант меҳнатқашга ёки унга тегишли мигрант меҳнатқашлар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатни ёзма шаклда олиши кераклигини.

2. Агар меҳнат шартномасининг нуسخаси мигрант меҳнаткашга иммиграция мамлакатига кириб келиши билан берилса, мамлакатдан чикиб кетишидан олдин, шахсан ушбу мигрант меҳнаткашга ёки унга тегишли мигрант меҳнаткашлар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжат орқали, у жалб қилинаётган касб тури ва бошқа меҳнат шароитлари, хусусан, унга кафолатланган энг кам ойлик иш ҳақи тўғрисида ёзма шаклда маълум қилинади.

3. Ваколатли ҳокимият органи айтиб ўтилган бандлар қоидаларининг амалга оширилишини ва уларнинг бузилишига қарши тегишли жазо қўлланилишини таъминлайди.

6-модда

Ушбу Конвенциянинг 4-бандига мос равишда қабул қилинган чора-тадбирлар, лозим ҳолларда, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) маъмурий расмийчиликни соддалаштиришни;
- б) таржима хизматлари билан таъминлашни;
- в) мигрантлар ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларининг бошланғич жойлашиш даврида зарур бўлган ҳар қандай ёрдамни;
- д) мигрантлар ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларининг сафар пайтида ва хусусан, кема сафарларида уларнинг хавфсизлигини таъминлашни.

7-модда

1. Ташкилотнинг бир аъзоси ҳудудидан бошқа аъзоси ҳудудига жўнаб кетаётган мигрант меҳнаткашлар сони ниҳоятда кўпайиб кетса, ушбу мамлакатларнинг ваколатли ҳокимият органлари, зарур ҳолларда ёки маъқул бўлганда, ушбу Илова қоидаларининг қўлланилиши муносабати билан пайдо бўладиган ўзаро манфаатли масалаларни тартибга солиш мақсадида шартномалар тузадилар.

2. Мазкур шартномаларда, агар Ташкилот аъзолари меҳнат шартномаларини назорат қилиш тизимини ўзларида таъсис этган бўлсалар, иш берувчиларнинг шартномавий мажбуриятларини кучга киритиш усуллари кўрсатилади.

8-модда

Яширин ёки ноқонуний равишда иммиграцияга кўмаклашувчи ҳар қандай шахсга тегишли жазо тайинланади.

Ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномаларга мувофиқ равишда жалб қилинган мигрант меҳнаткашларни ишга жалб қилиш, ишга жойлаштириш ва уларнинг меҳнат шароитлари

1-модда

Ушбу Илова ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномаларга мувофиқ равишда жалб қилинган мигрант меҳнаткашларга нисбатан қўлланилади.

2-модда

Ушбу Илова мақсадлари учун:

- a) «ишга жалб қилиш» атамаси қуйидагиларни англатади:
 - i) ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномаларга мувофиқ равишда бир мамлакатдаги шахснинг бошқа мамлакатга иш берувчи номидан жалб қилинишини, ёки
 - ii) ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномаларга мувофиқ равишда бир мамлакатдаги шахсга бошқа мамлакатда иш билан таъминлаш ваъда қилинишини,

(i) ва (ii) кичик бандларида айтиб ўтилган операцияларга алоқадор ҳар қандай тадбирларни амалга ошириш билан биргаликда, эмигрантларни излаш, танлаш ва уларни мамлакатдан чиқаришга тайёрлашни;
- b) «мамлакатга киритиш» атамаси ушбу модданинг «a» бандида назарда тутилган маъно доирасида ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномаларга мувофиқ равишда жалб қилинган шахсларнинг мамлакатга кириши ёки қабул қилинишини енгиллаштириш ва таъминлаш бўйича ҳар қандай операцияни англатади;
- c) «ишга жойлаштириш» атамаси ушбу модданинг «b» бандида назарда тутилган маъно доирасида ҳукумат назорати остидаги гуруҳлар кўчиши бўйича шартномаларга мувофиқ равишда мамлакатга киритилган шахсларнинг ишга жойла-

ишишларини енгиллаштириш ва кафолатлаш максадидаги ҳар қандай операцияни англатади.

3-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Илова унга нисбатан кучга кирган бўлса ва унинг қонун ҳужжатлари 2-моддада кўзда тутилган — ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операцияларига рухсат этса, мазкур айтиб ўтилган операцияларни, унинг қонун ҳужжатлари рухсат этганидек, мазкур модда қоидаларига мувофиқ равишда тартибга солади.

2. Қуйидаги бандлар шартларини инобатга олган ҳолда, ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операциялари билан шуғулланиш ҳуқуқига фақат қуйидаги муассасаларгина эга:

- а) давлат меҳнат муассасалари ёки мазкур операциялар бажарилаётган мамлакатдаги бошқа давлат муассасалари;
- б) мазкур операциялар бажарилмаётган мамлакатдаги давлат муассасалари, агар улар ушбу мамлакатда тегишли ҳуқуматлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ушбу операцияларни бажаришга масъул бўлса;
- в) халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган ҳар қандай муассаса.

3. Миллий қонун ҳужжатлари ёки икки томонлама шартномалар йўл қўйганича, агар мигрант меҳнаткашнинг манфаати учун зарур бўлса ваколатли ҳокимият органи томонидан рухсат олиш орқали ёки ушбу орган назорати остида фаолият олиб бориш шарти билан ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операциялари қуйидагилар томонидан амалга оширилиши мумкин:

- а) мўлжалланган иш берувчи ёки унинг хизматидаги ва унинг номидан фаолият олиб борувчи шахс;
- б) шахсий муассаса,

4. Ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш операциялари билан шуғулланиш ҳуқуқига мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органи томонидан олдиндан ваколат олинади ва ушбу мамлакатда айтиб ўтилган операциялар қайси ҳолларда ва қандай шартлар билан бажарилиши қуйидагилар томонидан белгиланиши мумкин:

- а) мамлакатнинг қонун ҳужжатлари, ёки
- б) эмиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи ёки халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган

ҳар қандай орган билан иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи ўртасида тузилган шартнома.

5. Мазкур операциялар бажарилаётган мамлакатдаги ваколатли ҳокимият органи, халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган ва фаолияти ушбу шартнома ёки тегишли ваколатли ҳокимият органи билан тузилган шартнома шартларига асосан бошқарилиб келаётган ҳар қандай муассасадан ташқари, айтиб ўтилган банд қоидаларига мос равишда ваколатларга эга бўлган муассасалар ва шахсларнинг фаолиятини тегишли ваколатли ҳокимият органи билан тузилган ҳар қандай шартнома шартларига мувофиқ назорат қилади.

6. Мигрант меҳнаткашларни мамлакатга киритишга ваколат беришдан олдин иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи, мамлакатда таклиф қилинаётган ишни бажариш учун мадакалаи шахслар сони етарли эмаслигини аниқлайди.

7. Ушбу модданинг ҳеч бир қоидаи мигрант меҳнаткашнинг Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси ҳудудига киришига ҳар қандай шахс томонидан ёки иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органидан бошқа ҳар қандай муассаса томонидан рухсат берилишини маъқуллайди, деб қаралмайди.

4-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Илова унга нисбатан кучга кирган бўлса, унинг давлат меҳнат муассасалари томонидан мигрант меҳнаткашларни ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш соҳасида кўрсатиладиган хизматлари бепул бўлишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Ишга жалб қилиш, мамлакатга киритиш ва ишга жойлаштириш бўйича маъмурий харажатлар мигрантлар зиммасига тушмайди.

5-модда

Агар мигрантларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга жамоавий ташилиши учинчи мамлакат йўлидан транзит ўтишни талаб қилса, у ҳолда ушбу транзит мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органи кечиктиришлар ва маъмурий қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида транзит ўтишни тезлаштириш чора-тадбирларини кўради.

6-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Илова унга нисбатан кучга кирган бўлса, агар мигрант меҳнаткаш ва иш берувчи, ёки ушбу иш берувчи номидан фаолият олиб борувчи шахс ўртасида тузилган меҳнат шартномаларини назорат қилиш тизимини ўзида таъсис этган бўлса, қуйидагиларни талаб қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- a) меҳнат шартномасининг нусхаси мигрант меҳнаткашга мамлакатдан чиқиб кетишидан олдин ёки, агар тегишли ҳукумат шуни маъқулласа, иммиграция мамлакатига кириб келиши билан рўйхатга олиш пайтида берилишини;
- b) меҳнат шартномаси меҳнат шароитлари ва хусусан, мигрант меҳнаткашга таклиф қилинаётган иш ҳақи тўғрисидаги шартларни ўз ичида ақс эттиришини;
- c) мигрант меҳнаткаш мамлакатдан чиқиб кетиши олдидан иммиграция мамлакатада ушбу мигрант меҳнаткашга мос келадиган меҳнат ва яшаш шароитига оид маълумотни ўз ичига олувчи, шахсан ушбу мигрант меҳнаткашга ёки унга тегишли мигрант меҳнаткашлар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатни ёзма шаклда олишини.

2. Агар меҳнат шартномасининг нусхаси мигрант меҳнаткашга иммиграция мамлакатига кириб келиши билан берилса, мамлакатдан чиқиб кетишидан олдин, шахсан ушбу мигрант меҳнаткашга ёки унга тегишли мигрант меҳнаткашлар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжат орқали, у жалб қилинаётган касб тури ва бошқа меҳнат шароитлари, хусусан, унга кафолатланган энг кам ойлик иш ҳақи тўғрисида ёзма шаклда маълум қилинади.

3. Ваколатли ҳокимият органи айтиб ўтилган бандлар қоидаларининг амалга оширилишини ва уларнинг бузилишига қарши тегишли жазо қўлланилишини таъминлайди.

7-модда

Ушбу Конвенциянинг 4-бандига мос равишда қабул қилинган чора-тадбирлар, лозим ҳолларда, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- a) маъмурий расмийликни соддалаштиришни;
- b) таржима хизматлари билан таъминлашни;
- c) мигрантлар ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларининг бошланғич жойлашиш даврида зарур бўлган ҳар қандай ёрдамни;

- d) мигрантлар ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларининг сафар пайтида ва хусусан кема сафарларида уларнинг хавфсизлигини таъминлашни;
- e) доимий яшашга рухсат берилган мигрант меҳнаткашларнинг мулкани кўчиришига ва нақд пулга айлантиришга рухсат беришни.

8-модда

Ваколатли ҳокимият органи томонидан мигрант меҳнаткашларга уларнинг бошлангич жойлашиш даврида уларнинг меҳнат шароитлари тўғрисидаги масалалар бўйича ёрдамлашиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилади; лозим бўлган ҳолларда, бундай чора-тадбирлар маъқулланган кўнгилли ташкилотлар билан ҳамкорликда кўрилиши мумкин.

9-модда

Агар ушбу Илованинг 3-моддаси қоидаларига мувофиқ мамлакатга киритилган мигрант меҳнаткаш, у жавобгар бўлмаган сабабларга кўра, у жалб қилинган ишни ёки бошқа унга мос бўлган ишни сақлаб қоламаса, у ҳолда ушбу мигрантнинг ва унга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларининг қайтиш харажатлари, шу билан бирга, маъмурий тўловлар, охириги манзилигача транспорт ва яшаш харажатлари ҳамда уй буюмларининг транспорт харажатлари мигрант меҳнаткаш бўйнига тушмайди.

10-модда

Агар мигрант меҳнаткашнинг ушбу Илованинг 3-моддасига мувофиқ жалб қилинган ишини иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи мазкур мигрант меҳнаткашга мос келмайди, деб ҳисобласа, у ҳолда ушбу ваколатли ҳокимият органи мазкур мигрант меҳнаткашга мос келадиган иш топишида ёрдам берувчи, лекин ўз мамлакатининг меҳнаткашларига зарар етказмайдиган тегишли чора-тадбирлар кўради ҳамда ушбу мигрант меҳнаткашни мос келадиган ишга жойлашгунга қадар таъминлаш бўйича ёки ушбу мигрант меҳнаткаш ўзи хоҳлаётган бўлса ёки ишга жалб қилинган пайтида шунга рози бўлган бўлса, жалб қилинган жойига қайтишини таъминлаш бўйича ёки унинг бошқа жойга кўчишини таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширади.

11-модда

Агар мухожир ёки кўчманчи бўлган ва ушбу Илованинг 3-моддасига мувофиқ иммиграция мамлакатига кириб келган мигрант меҳнаткаш ушбу иммиграция мамлакатида иш ўрнининг қисқартирилишига асосан бўшатиб, у ҳолда мазкур мамлакатнинг ваколатли ҳокимият органи ўз мамлакатининг меҳнаткашларига зарар етказмасдан, ушбу мигрант меҳнаткаш мос келадиган ишни топиши учун унга имконият яратиш мақсадида бор кучини аямайдилар ҳамда ушбу мигрант меҳнаткашни мос келадиган ишга жойлашгунга қадар таъминлаш бўйича ёки унинг бошқа жойга кўчишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширадилар.

12-модда

1. Тегишли мамлакатларнинг ваколатли ҳокимият органлари ушбу Илованинг қоидаларини қўллаш муносабати билан пайдо бўладиган ўзаро манфаатли масалаларни тартибга солиш мақсадида шартномалар тузади.

2. Мазкур шартномаларда, агар Ташкилот аъзолари меҳнат шартномаларини назорат қилиш тизимини ўзларида таъсис этган бўлсалар, иш берувчиларнинг шартномавий мажбуриятларини кучга киритиш усуллари кўрсатилади.

3. Бундай шартномалар, лозим ҳолларда, бир томондан эмиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи ёки халқаро шартнома шартларига мос равишда таъсис этилган муассаса, иккинчи томондан иммиграция мамлакатининг ваколатли ҳокимият органи ўртасидаги 8-модда қоидалари асосида мигрантларнинг меҳнат шартнома шартлари бўйича уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳамкорликни кўзда тутади.

13-модда

Яширин ёки ноқонуний равишда иммиграцияга кўмаклашувчи ҳар қандай шахсга тегишли жазо тайинланади.

Мигрант меҳнаткашларнинг шахсий мулкларини, иш қуруллари ва ускуналарини мамлакатга олиб кириш

1-модда

1. Ишга жалб қилинган мигрант меҳнаткашларга ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларига тегишли бўлган шахсий мулк иммиграция мамлакатига киришда бож тўловларидан озод бўлади.

2. Ишга жалб қилинган мигрант меҳнаткашларга ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларига тегишли бўлган, асосан алоҳидаги касб эгалари ишлатадиган кўчма иш қуроли ва кўчма ускуналар иммиграция мамлакатига киришда бож тўловларидан озод бўлади, агар ушбу қуруллар ва ускуналар олиб кирилиши пайтида ушбу мигрантларнинг мулки ёки улар ҳақиқий эгаси эканлиги, ушбу мигрантлар маълум вақтдан бери эгаси сифатида фойдаланиб келаётганлиги ва ушбу мигрантлар уларни ўз иш фаолиятида кейинчалик ишлатишни мўлжаллаётганлиги кўрсатилса.

2-модда

1. Мигрант меҳнаткашларга ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларига тегишли бўлган шахсий мулк ушбу айтиб ўтилган шахслар келиб чиққан мамлакатига қайтишида бож тўловларидан озод бўлади, агар ушбу шахслар мазкур мамлакатнинг фуқаролигини унга қайтиш пайтида сақлаб қолган бўлсалар.

2. Мигрант меҳнаткашларга ва уларга ҳамроҳ бўлиш ёки қўшилишга рухсат этилган оила аъзоларига тегишли бўлган, асосан алоҳидаги касб эгалари ишлатадиган кўчма иш қуроли ва кўчма ускуналар ушбу айтиб ўтилган шахслар келиб чиққан мамлакатига қайтишида бож тўловларидан озод бўлади, агар ушбу шахслар мазкур мамлакатнинг фуқаролигини унга қайтиш пайтида сақлаб қолган бўлсалар ва агар ушбу қуруллар ва ускуналар олиб кирилиши пайтида ушбу мигрантларнинг мулки ёки улар ҳақиқий эгаси эканлиги, ушбу мигрантлар маълум вақтдан бери эгаси сифатида фойдаланиб келаётганлиги ва ушбу мигрантлар уларни ўз иш фаолиятида кейинчалик ишлатишни мўлжаллаётганлиги кўрсатилса.

Мигрант меҳнаткашлар тўғрисидаги 1975 йилги (қўшимча қоидалар киритилган) 143-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1975 йилнинг 4 июнида ўзининг Олтми-
шинчи Сессиясига тўпланиб,

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Уставининг Мукаддимасида
«ўзга мамлакатда ишлаётган меҳнаткашларнинг манфаатларини»
химоялаш вазифаси қўйилганини эътиборга олиб,

Филадельфия декларацияси Халқаро Меҳнат Ташкилоти асоси-
даги принципларни «меҳнат товар эмас»лигини ва «хар қандай жой-
даги муҳтожлик умумий фаровонлик учун хавф тугдиришини» яна
бир бора тасдиқлаётганини ҳамда хусусан «иш кучининг кўчиши,
шунингдек иш билан таъминланиш мақсадида кўчиш» орқали тўла
бандликка эришишга мўлжалланган дастурларни қўллаб-қувватлаш
учун Халқаро Меҳнат Ташкилотининг муҳим мажбуриятини тан
олишини эътиборга олиб,

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бутунжаҳон Бандлик Дастури-
ни ва Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964
йилги Конвенция ва Тавсияни эътиборга олиб ҳамда ижтимоий
ва инсоний жиҳатдан салбий оқибатлар муносабати билан пайдо
бўлаётган кўчиш ҳаракатининг ҳаддан ташқари ва назорат қилиб
бўлмайдиган даражада ёки ўзидан-ўзи кўнайишидан эҳтиёт бўлиш
зарурлигини эътироф этиб,

иктисодий қолоқлик ҳамда таркибий ва доимий ишсизликни
баргараф этиш учун қўллаб мамлакатларнинг ҳукуматлари, шу
мамлакатларнинг талаб ва эҳтиёжларига биноан, иш кучи етказиб
берадиган мамлакатлар ва иш берувчи мамлакатларнинг ўзаро ман-
фаатида, меҳнаткашлар кўчиши ўрнига, сармоя ва технологиянинг
кўчишини қўллаб-қувватлаш кераклигини кўпроқ таъкидлашини
эътиборга олиб,

шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва
Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кўзда

тутилганидек, ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқига эга эканлигини эътиборга олиб,

мигрант меҳнаткашларни ишга жалб қилиш, мамлакатга кири-тиш ва ишга жойлаштириш фаолиятини тартибга солиш, миграция бўйича аниқ ахборотлар билан таъминлаш, мигрантлар йўлда ва мамлакатга кириб келиш пайтида фойдаланадиган минимал шароит, иш билан таъминлаш соҳасида фаол сиёсат олиб бориш тўғрисидаги масалалар билан боғлиқ бўлган, ҳамда ушбу масалалар бўйича фаол халқаро ҳамкорлик олиб бориш соҳасидаги — Меҳнат миграцияси тўғрисидаги (қайта кўриб чиқилган) 1949 йилги Конвенция ва Тавсия, Мигрант меҳнаткашларни (кам ривожланган мамлакатларда) химоялаш тўғрисидаги 1955 йилги Тавсия, Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги Конвенция ва Тавсия, Меҳнат муассасалари тўғрисидаги 1948 йилги Конвенция ва Тавсия, Пуллик меҳнат муассасалари тўғрисидаги (қайта кўриб чиқилган) 1949 йилги Конвенция қоидаларини эслатиб,

меҳнат бозорларидаги шароитга боғлиқ бўлган меҳнаткашлар миграцияси иш билан таъминлаш соҳасидаги расмий муассасалар жавобгарлиги остида ёки шу соҳадаги мавжуд икки томонлама ёки кўп томонлама битимларга, хусусан, меҳнаткашларнинг эркин ҳаракатланишига йўл кўядиган битимларга мувофиқ амалга оширилиши кераклигини эътиборга олиб,

иш кучининг ноқонуний ёки яширин траффики мавжудлигини эътиборга олиб ва шундай таҳқирлашларни тугатишга қаратилган махсус нормаларни қўллаб-қувватлашга чақириб,

Меҳнат миграцияси тўғрисидаги (қайта кўриб чиқилган) 1949 йилги Конвенция қоидалари уни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзосидан қонуний асосда унинг ҳудудида бўлган иммигрантларга шу Конвенцияда санаб ўтилган турли масалаларга нисбатан, қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши ёки маъмурий ҳокимият органлари томонидан назорат қилиниши доирасида, ўзининг фуқароларига мўлжалланган қулайликлардан кам бўлмаган шароит яратиб беришни талаб қилишини эслатиб,

Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенциядаги «камситиш» атамасининг таърифи фуқаролик белгиси бўйича фарқланишини атайлаб ўз ичига олмаслигини эслатиб,

мигрант меҳнаткашларнинг муомала ва имконият тенглигига кўмаклашиш учун ҳамда қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ёки маъмурий ҳокимият органлари томонидан назорат қилинадиган масалалар бўйича энг камида мамлакат фуқароларига мўлжалланган муомалага тенг муомалани таъминлаш учун янги, шу жумладан, ижтимоий таъминот соҳасини ўз ичига олувчи нормалар қабул қилиш мақбуллигини эътиборга олиб,

мигрант меҳнаткашларнинг турли муаммоларини ечишда тўла мақсадга эришиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа ихтисослашган муассасалар билан узвий ҳамкорликда бўлиш жуда муҳимлигини таъкидлаб,

ушбу нормаларни ишлаб чиқишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар томонидан олиб борилган ишлар ҳисобга олинганлигини ҳамда қайтарилишига йўл қўймаслик ва зарур мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида ушбу нормаларнинг қўлланилишини қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш бўйича доимий ҳамкорликнинг давом этишини таъкидлаб,

мигрант меҳнаткашларга алоқадор бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг бешинчи банди ҳисобланиб,

мазкур таклифларга Меҳнат миграцияси тўғрисидаги (қайта кўриб чиқилган) 1949 йилги Конвенцияга ҳамда Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенцияга қўшимча равишда халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз етмиш бешинчи йил июнь ойининг йигирма тўртинчи кунда қуйидаги «Мигрант меҳнаткашлар тўғрисидаги 1975 йилги (қўшимча қоидалар киритилган) Конвенция» деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилди:

I БЎЛИМ. ТАҲҚИРЛОВЧИ ШАРОИТДАГИ МИГРАЦИЯЛАР

I-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, барча мигрант меҳнаткашларнинг асосий инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, унинг ҳудудида ноқонуний ёлланган мигрант меҳнаткашлар бор-йўқлигини ва мигрант меҳнаткашларнинг мамлакат ҳудудидан чиқиш, ўтиш ёки ҳудудига кириш бўйича ҳар қандай кўчиш ҳаракатлари бор-йўқлигини ва бу ҳаракатлар доирасида, уларнинг сафари пайтида, кириши пайтида ёки истиқомат қилаётган ва ишлаётган пайтида, ушбу мигрантлар тегишли кўп томонлама ёки икки томонлама халқаро битимларга ёки миллий қонун ҳужжатларига зид келадиган шароитга мубтало бўлаётганими-йўқми, шуларни мунтазам аниқлаб боришга интилади.

2. Меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ваколатли ташкилотлари мазкур масала бўйича батафсил маслаҳатлашувга жалб қилинади ва ўз ахборотини тақдим этиш имкониятига эга бўлади.

3-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ўзининг юрисдикцияси доирасида ва Ташкилотнинг бошқа аъзолари билан ҳамкорликда, ушбу Конвенциянинг 2-моддасида кўзда тутилган таҳқиқлашларнинг олдини олиш ва йўқотиш мақсадида, қуйидагиларга қаратилган зарур ва тегишли чора-тадбирларни кўради:

- a) Мигрант меҳнаткашларнинг яширин кўчиш ҳаракатларига ва мигрантларнинг ноқонуний ёлланилишига йўл қўймасликка;
- b) Мигрант меҳнаткашларнинг мамлакат ҳудудидан чиқиш, ўтиш ёки ҳудудига кириш бўйича ноқонуний ёки яширин кўчиш ҳаракатлари ташкилотчиларига қарши ва ноқонуний шароитда иммиграция қилган меҳнаткашларни ёллайдиган шахсларга қарши.

4-модда

Хусусан, Ташкилот аъзолари миллий ва халқаро даражада меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ваколатли ташкилотлари билан маслаҳатлашиш орқали мазкур масалалар бўйича бошқа давлатлар билан мунтазам алоқада бўлиш ва ахборот алмашиш учун зарур чора-тадбирлар кўрадилар.

5-модда

Ушбу Конвенциянинг 3- ва 4-моддаларида кўзда тутилган чоратadbирларнинг мақсадларидан бири шуки, иш кучи траффикининг ташаббускорлари, улар қайси мамлакатда фаолият юритишидан қатъий назар, таъкиб қилинади.

6-модда

1. Миллий қонун ҳужжатлари доирасида мигрант меҳнатқашларнинг ноқонуний ишга ёлланишини самарали аниқлаш ва маъмурий, фуқаролик ва жиноий жазони белгилаш ва қўллаш мақсадида, жумладан, қамокка олиш учун, ушбу конвенциянинг 2-моддасида кўзда тутилган таъкирлашлар билан боғлиқ деб ҳисобланадиган мигрант меҳнатқашларнинг ноқонуний ишга ёлланишига нисбатан, мигрант меҳнатқашларнинг кўчиш ҳаракатлари ташкил қилинишига нисбатан ва бундай кўчиш ҳаракатларига даромад олиш ёки бошқа мақсадда онгли равишда ёрдам кўрсатишга нисбатан чоралар кўрилади.

2. Агар иш берувчи ушбу модданинг бажарилишидан келиб чиқадиган қоидаларга асосан таъкиб қилинса, у ҳолда маъмур иш берувчи виждонан ҳаракат қилганлиги тўғрисидаги далил-исботларини тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади.

7-модда

Иш берувчилар ва меҳнатқашларнинг ваколатли ташкилотларидан қонун ҳужжатлари борасида, ва ушбу Конвенцияда кўзда тутилган ва юқорида эслатилган таъкирлашларнинг олдини олиш ва йўқотишга қаратилган чора-таadbирлар бўйича маслаҳатлар сўралади ҳамда уларнинг шу мақсадда ташаббус кўрсатиш имкониятлари тан олинади.

8-модда

1. Мигрант меҳнатқаш қонуний асосда ишлаш мақсадида мамлакатда яшаган шароитда ўз иш жойини оддий йўқотиш ҳолати туфайли ноқонуний ёки қоидаларга зид ҳолатдаги шахс сифатида қаралмайди, шунингдек, айтиб ўтилган иш жойини йўқотиш ҳолати ўз-ўзидан мамлакатда яшаш ҳуқуқи ёки вазиятга қараб, ишлаш ҳуқуқи қайтариб олинанишини ифода этмайди.

2. Тегишли равишда мигрант меҳнаткашга мамлакат фуқаро-ларига бўлгани каби тенг муомалада бўлиш талаб этилади, хусусан, меҳнат химоясининг кафолатлари соҳасида, альтернатив иш билан таъминланиш, ишсизлик ҳолатида вақтинча иш билан таъминла-ниш ва қайта ўқиш соҳасида.

9-модда

1. Мигрант меҳнаткашлар тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда мамлакат ҳудудига кириши ва ишга қабул қилинишини таъминлаш орқали, уларнинг кўчиш ҳаракатларини назорат қилишга қаратилган чора-тадбирларга зарар етказмасдан, мигрант меҳнаткашга, мазкур қонун ҳужжатларига риоя қилинмаган пайтларда ва ушбу мигрант меҳнаткашнинг ҳолати тартибга соли-ниши мумкин бўлмаган пайтларда, унинг охириги иш жойи билан боғлиқ ҳолатдан келиб чиқадиган ҳақ тўлаш, ижтимоий таъминот ва нафакаларга оид ҳуқуқлар бўйича, унга ва унинг оиласига нис-батан, муомала тенглиги таъминланади.

2. Аввалги бандда кўзда тутилган ҳуқуқлар бўйича баҳалар пайдо бўлган ҳолда мигрант меҳнаткаш ўз қарашини шахсан ёки ўз вакили орқали ваколатли органга тақдим этиш имкониятига эга бўлади.

3. Мигрант меҳнаткаш ва унинг оиласи мамлакатдан чиқариб юборилган ҳолда харажатлар уларнинг зиммасига тушмайди.

4. Ушбу Конвенциянинг ҳеч бир қондаси Ташкилотнинг аъзоларига мамлакатда ноқонуний турган ва ишлаётган шахсларга қонуний асосда яшаш ва ишлаш ҳуқуқини беришга тўсқинлик қилмайди.

II БЎЛИМ. МУОМАЛА ВА ИМКОНИЯТ ТЕНГЛИГИ

10-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ушбу Конвенция унга нисбатан кучга кирган бўлса, миллий шароитга ва амалиётга мос келадиган усуллар орқали қонуний асосда мамлакатида бўлган мигрант меҳнаткашларга ёки уларнинг оила аъзоларига мўлжалланган меҳнат ва иш турларига, ижтимоий таъминотга, касаба уюшма-лар ва маданий ҳуқуқларига, шахсий ва жамоавий эркинликларга нисбатан муомала ва имконият тенглигини қўллаб-қувватлашга

йўналтирилган миллий сиёсатни эълон қилиш ва амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

11-модда

1. Ушбу Конвенциянинг мазкур Бўлими мақсадлари учун «мигрант меҳнаткаш» атамаси иш билан таъминланиш мақсадида, яъни ўз ҳисобидан ўзини иш билан таъминлашга зид равишда, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга миграция қилувчи ёки миграция қилган шахсни ва белгиланган қондаларга мувофиқ равишда мигрант меҳнаткаш сифатида тан олинмаган ҳар қандай шахсни англатади.

2. Ушбу Конвенциянинг мазкур Бўлими қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- a) чегара хизмати меҳнаткашларига;
- b) қисқа муддатга мамлакатга кирган эркин касб эгаларига ва санъаткорларга;
- c) денгизчиларга;
- d) таълим олиш ёки ўқув тайёргарлик мақсадида махсус келадиган шахсларга;
- e) мамлакат ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган муассаса ёки ташкилотларнинг хизматчилари бўлиб, вақтинча мазкур мамлакат ҳудудига уларнинг ёлловчилари илтимосига биноан махсус ишлар ёки вазифаларни бажариш учун маълум ва чегараланган муддатга қабул қилинган ва ўзларининг махсус ишларини ҳамда вазифаларини тугатганидан кейин чиқиб кетишлари шарт бўлган шахсларга.

12-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси миллий шароитга ва амалиётга мос келадиган усуллар орқали:

- a) ушбу Конвенциянинг 10-моддасида кўзда тутилган сиёсатнинг қабул қилинишини ва унга риоя қилинишини қўллаб-қувватлаш ишида меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари ҳамда бошқа тегишли муассасаларнинг ҳамкорлигини таъминлашга интилади;
- b) кўзда тутилган сиёсатнинг қабул қилинишини ва унга риоя қилинишини таъминлашга мўлжалланган қонулар жорий қилади ва таълим дастурларини қўллаб-қувватлайди;

- е) мигрант меҳнаткашларни мазкур сиёсат билан, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан, шунингдек, ушбу мигрант меҳнаткашларни ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун самарали ёрдам беришга қаратилган фаолият билан имкон қадар батафсил таништириш мақсадида чоратадбирлар кўради, таълим дастурларини қўллаб-қувватлайди ва бошқа фаолиятни ривожлантиради;
- д) мазкур сиёсатга мос келмайдиган ҳар қандай қонунқоидаларни бекор қилади ҳамда ҳар қандай маъмурий фармойишларни ёки амалиётни ўзгартиради;
- е) меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ваколатли ташкилотлари билан маслаҳатлашилган ҳолда, мигрант меҳнаткашларга ва уларнинг оилаларига мамлакат фуқаролари фойдаланадиган афзалликлардан тенг даражада фойдаланиш имкониятини берадиган, миллий шароитга ва амалиётга мос келадиган ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқади ва қўллайди, бунда муомала ва имконият тенглиги принциpigа салбий таъсир этмасдан, ушбу мигрантлар иш берувчининг мамлакати жамиятига мослашмагунга қадар бошдан кечиришлари мумкин бўлган алоҳида эҳтиёжлар ҳисобга олинади;
- ф) мигрант меҳнаткашларга ва улар оиласининг миллий ва этник моҳиятини ҳисобга олиб, уларнинг келиб чиққан мамлакати билан маданий алоқаларини сақлашга ҳамда болаларига уларнинг она тилида муайян билимлар бериш имконини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатларига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида барча чораларни кўради;
- г) бир хил иш бажараётган барча мигрант меҳнаткашларга, уларнинг меҳнат шартлари қанчалик ўзига хос бўлмасин, меҳнат шароитларига нисбатан муомала тенглигини кафолатлайди.

13-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ўз ҳудудида қонуний асосда яшаётган барча мигрант меҳнаткашларнинг оилаларини бирлаштириш мақсадида, ўз ваколати чегарасида барча зарур чоратадбирларни кўриши ва Ташкилотнинг бошқа аъзолари билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

2. Ушбу модда қоидалари мигрант меҳнаткашнинг қуйидаги оила аъзоларига нисбатан қўлланилади: унинг турмуш ўртоғига, унинг қарамоғида бўлган болаларига ва ота-онасига.

14-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қуйидагиларни бажариши мумкин:

- а) мигрант меҳнаткашларнинг жуғрофий кўчиш ҳуқуқини қамроқ қилиш ҳолда, уларнинг эркин иш танлаш ҳуқуқини таъминлаши мумкин, фақат ушбу мигрант меҳнаткаш, белгиланган ва икки йилдан ошмайдиган давр мобайнида, қонуний равишда унинг ҳудудида иш билан таъминланиш мақсадида яшаган бўлса ёки агар қонун ҳужжатлари чегараланган икки йилдан кам бўлган муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини кўзда тутса, унда мигрант меҳнаткаш биринчи меҳнат шартномаси бўйича ишни тугатган бўлса;
- б) меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ваколатли ташкилотлари билан тегишлича маслаҳатлашиб, унинг мамлакат ҳудудидан ташқарида орттирилган касб малакасини, жумладан, сертификат ва дипломларини тан олиш шартларини тартибга солиш бўйича қоидалар қабул қилиши мумкин;
- в) давлат манфаатлари учун зарур ҳолларда муайян иш ёки вазифа турларига қабул қилишни чеклаши мумкин.

III БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15-модда

Ушбу Конвенция Ташкилотнинг аъзоларига уни қўллашдан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш мақсадида кўп томонлама ёки икки томонлама битимлар тузишга ҳалақит бермайди.

16-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинган декларацияси орқали, I ёки II Бўлимни ушбу Конвенциянинг қабул қилишидан чиқариб ташлаши мумкин.

2. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси, шунга ўхшаш декларация қилган бўлса, исталган пайтида, навбатдаги декларация орқали уни бекор қилиши мумкин.

3. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, унга нисбатан ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ тайёрланган декларацияси кучда бўлса, ушбу Конвенциянинг қўлланиши тўғрисидаги ўзининг маърузаларида қабул қилинмаган Бўлим қоидаларига нисбатан ўз қонунчилиги ва амалиётининг ҳолатини, ушбу қоидалар қай даражада қўлланилаётгани ёки уларни қўллаш кўзда тутилаётганини ҳамда ушбу қоидалар нима учун мазкур Конвенциянинг қабул қилинишидан чиқарилганлиги ва ҳалигача қўшилмаганлиги сабабларини кўрсатади.

17-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиниши учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

18-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

19-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

4. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат

Ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳукукидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

20-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

21-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қондаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

22-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

23-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиغان янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қондалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

- а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, қонуннинг ўз

кучи билан, 19-модда коидаларидан катъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

- б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

24-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эгадир.

Касаначилик тўғрисидаги 1996 йилги 177-Конвенция

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бош конференцияси,

Халқаро Меҳнат Бюросининг Маъмурий кенгаши томонидан
Женевада чақирилиб ва 1996 йилнинг 4 июнида ўзининг Саксон
учинчи Сессиясига тўпланиб,

касаначиларга мос бўлган меҳнат шароитлари кенг миқёсда
қўлланилишига қаратилган стандартларини ўрнатувчи кўпгина
халқаро меҳнат Конвенциялари ва Тавсияларини эслатиб,

касаначилликни таърифловчи ўзига хос шароит ушбу Конвен-
ция ва Тавсияларнинг касаначиларга қўлланилишини такомил-
лаштиришни ва уларга касаначилликнинг ўзига хос хусусиятларини
ҳисобга олувчи стандартлар орқали қўшимча қилишнинг мақсадга
мувофиқлигини кўрсатишини эътироф этиб,

касаначиллик тўғрисидаги бир қанча таклифларни қабул қилишга
қарор чиқариб ва бу Сессия кун тартибининг тўртинчи банди
ҳисобланиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор
килиб,

бир минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йил июнь ойининг йигир-
манчи кунда қуйидаги Конвенцияни қабул қилди ва у «Касаначи-
лик тўғрисидаги 1996 йилги Конвенция» деб номланиши мумкин:

1-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун:

- a) «касаначиллик» атамаси касаначи деб эътироф этиладиган
шахс томонидан қуйидагиларни кўзда тутган ҳолда бажари-
ладиган ишни англатади;
 - i) унинг уйида ёки у танлаган, лекин иш берувчининг иш-
хонасидан бошқа жойда жойлашган бинода;
 - ii) ҳақ олиш учун;
 - iii) ускуналар, материаллар ёки бошқа харажатларнинг ким
томонидан таъминланишидан қатъий назар, маҳсулот

чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда натижалари иш берувчи томонидан белгиланадиган равишда.

Агар ушбу шахс миллий қонун ҳужжатлари ёки суд қарорларига мувофиқ мустақил меҳнаткашга зарур деб ҳисобланадиган автоном ва иқтисодий мустақиллик даражага эга бўлмаса:

- b) ёлланган мавқеига эга бўлган шахслар ўз ишини онда-сонда, ўзининг асосий иш жойидан фарқли, уйда ёлланган каби бажарса, у ҳолда мазкур Конвенция маъносида ушбу шахслар касаначи деб ҳисобланмайди;
- c) «иш берувчи» атамаси бевосита ёки воситачи орқали, миллий қонун ҳужжатлари воситачиликни кўзда тутадими йўқми бундан қатъий назар, ўз иш фаолиятини амалга ошириш мақсадида касаначи меҳнатидан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахсни англатади.

2-модда

Ушбу Конвенция, 1-модда маъносида, касаначилик билан шуғулланувчи барча шахсларга қўлланилади.

3-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг энг ваколатли ташкилотлари билан маслаҳатлашиб ва агар мавжуд бўлса, касаначилар ва касаначиларнинг иш берувчилари муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар билан маслаҳатлашиб, касаначилар ҳолатини яхшилашга қаратилган касаначилик соҳасидаги миллий сиёсатни қабул қилади ва ҳаётга татбиқ қилади ҳамда вақти-вақти билан уни қайта кўриб чиқади.

4-модда

1. Касаначилик соҳасидаги миллий сиёсат, касаначиликнинг ўзига хос хусусиятларини ва тегишли ҳолларда, корхонада бажариладиган шунга ўхшаш иш ёки иш турига нисбатан қўлланиладиган шароитни ҳисобга олган ҳолда, имкон қадар касаначи ва бошқа ёлланган меҳнаткашлар ўртасидаги муомала тенглигини қўллаб-қувватлайди.

2. Муомала тенглиги, хусусан, куйидагилар соҳасида қўллаб-қувватланади:

- a) касаначиларнинг бирлашмалар таъсис этиш ёки ўзлари танлаган бирлашмаларга қўшилиш ҳуқуқи ва шундай бирлашмалар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи;
- b) меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишга қарши ҳимоя;
- c) меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси соҳасидаги ҳимоя;
- d) ҳақ тўлаш;
- e) амалдаги ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳимоя;
- f) касбга тайёрланиш ҳуқуқига эга бўлиш;
- g) ишга қабул қилиш учун ёки ишлашга руҳсат этилган энг кичик ёш; ва
- h) оналикни муҳофаза қилиш.

5-модда

Касаначилик соҳасидаги миллий сиёсат қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, арбитраж қарорлари орқали ёки миллий амалиётга мос бўлган ҳар қандай бошқа усулда ҳаётга татбиқ қилинади.

6-модда

Меҳнатга оид статистик маълумотлар имкон қадар касаначиликни ўз ичига олишига эришиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

7-модда

Меҳнат соҳасида соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари, касаначиликнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, касаначиликка нисбатан ҳам қўлланилади ҳамда хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш мақсадида касаначиликда баъзи иш турларини ва баъзи нарсалардан фойдаланишни тақиқлашни кўзда тутувчи шартлар ўрнатилади.

8-модда

Агар касаначиликда воситачилардан фойдаланиш руҳсат этилса, иш берувчилар ва воситачиларнинг тегишли масъулияти, миллий амалиётга мувофиқ, қонун ҳужжатлари орқали ёки суд қарори орқали белгиланади.

9-модда

1. Миллий конунчилик ва амалиётга мос инспекция тизими касаначиликка нисбатан қўлланиладиган миллий конун ҳужжатларига риоя этилишни таъминлайди.

2. Ушбу конун ҳужжатларининг қоидалари бузилган ҳолларда тегишли чоралар, жумладан, зарур бўлса, жазо тайинланади ва амалда қўлланилади.

10-модда

Ушбу Конвенция бошқа халқаро меҳнат Конвенцияларига мувофиқ касаначиларга қўлланиладигандан қулайроқ қоидаларга таъсир қилмайди.

11-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директорига юборилади.

12-модда

1. Ушбу Конвенция фақатгина ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилот икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган санадан кейин 12 ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин 12 ой ўтгач кучга киради.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг аъзоси Конвенция дастлаб кучга кирган санадан ўн йил ўтганидан кейин Халқаро Меҳнат Бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган акт орқали Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Бундай денонсация денонсация акти рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил ичида мазкур моддада кўзда тутилган денонсация ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

14-модда

1. Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасини рўйхатга олганлиги ҳақида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча аъзоларига хабар беради.

2. Бош директор, унга юборилган иккинчи ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни рўйхатга олганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларига хабар берганда, у Ташкилот аъзоларининг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

15-модда

Халқаро Меҳнат Бюроси Бош директори, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ, юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзи рўйхатга олган ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари ва денонсация актларининг барчасига оид тўла маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборади.

16-модда

Ҳар гал, Халқаро Меҳнат Бюроси Маъмурий кенгаши зарур деб топганда, Бош конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва уни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш кераклигини ёки керак эмаслигини кўриб чиқади.

17-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўла ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенция қабул қилса ва янги конвенцияда зид келувчи қоидалар мавжуд бўлмаса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор аъзоси томонидан қайта кўриб чиқилган янги конвенциянинг ратификация қилиниши, конуннинг ўз кучи билан, 13-модда қоидаларидан катъий назар, мазкур Конвенциянинг зудлик билан денонсация қилинишига олиб келади, бунда қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган бўлиши керак;

б) қайта кўриб чиқилган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенциянинг Ташкилот аъзолари томонидан ратификация қилиниши тўхтатилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, аммо қайта кўриб чиқилган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзолари учун амалдаги шакли ва мазмуни ўз кучида қолаверади.

18-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ АСОСИЙ КОНВЕНЦИЯЛАРИ ВА ТАВСИЯЛАРИ

Таржимон: *Э.М.Эрназаров*
Бадий муҳаррир *Ж. Гурова*
Техник муҳаррир *А. Салихов*
Мусахҳих *Г. Азизова*
Компьютерда саҳифаловчи *Э. Ким*

Босишга руҳсат этилди 14.02.08. Бичими 60x90^{1/16},
«Times New Roman» гарнитураси. Шартли б.т. 15,0. Нашр т. 15,2.
Адади 1000. 34-ракамли буюртма.

«Arnaprint» МЧЖ босмаҳонасида босилди.
100182, Тошкент, Х. Бойқаро кўчаси, 41.